



ГУЛИСТОН

10
1987

R 496
1987/10




ИПАК ШАҲРИДА

Наманган Шойи газламалар комбинати илғор ишчилари Рўзия Минхонова, Умида Шабаева,
Санобар Маматкулова.

В. Жирнов фотолари

Дам олиб, чақчақлашиб...

Шу комбинат зарбдорларидан яна бири — Муяссар Усмонова.



ҲАЁТ ЗАВҚИ

Меҳнатдан сўнг бир жуфт қўшиқ эшитиб, мафункор ракс томоша қилиш ёхуд бир пиёла кўк чой баҳонасида фавворалар майин сув сачратиб турган, сўлим ва салқин хонада самимий суҳбат қуриш гаштига нима етсин! Ҳа, худди шундай шароит бўёқ-пардозлаш фабрикасида яратилган. Сауна (финча ҳаммом), сув ҳавзаси, душ, дам олиш хоналари — тўқимачилар чарчогини ёзиш учун хизматда. Аслида бу комплекс рассомлик-ўймакорлик бўлими йигит-қизларнинг ташаббуси билан Наманган области sanoat корхоналарида яратилган эди. Мана, икки йилдики, шу фабриканинг мингдан зиёд ишчи-хизматчилари навбатма-навбат бу ерда ҳордиқ чиқаришади. Ана шундай шароит натижасида 1985 йилга нисбатан меҳнат унумдорлиги 27 процент, тайёр газламалар ишлаб чиқариш ҳажми 28 процент,

ҳар бир меҳнатчининг унум ва самарадорлиги 45 процентга кўтарилди. «Кайфият чоғ бўлгач, чарчоқ нималигини билмас экансан», дейди меҳнат ветерани Муҳаммадҷон ака Суёнов.

Мана шу ерда рассом Лариса Муратованинг турилган кунни нишонлади. «Сулолаларни шарафлаймиз» деган кеча яхши ўтди. Бир гуруҳ ёшлар ишчилар синфи сафига тантанали суратда қабул қилинди. Дам олиш комплекслари яқин кунларда фабриканинг газламаларга гул босиш, пардозлаш цехларида, тўқимачилик ва йигирув фабрикаларида, бош механика ва бош энергетика бўлимларида ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Ҳа, инсон омилига эътибор — одамлар тақдирига дахлдордир. КПСС XXVII съездида ўртоқ М. С. Горбачев sanoat корхоналарида яратилган шарт-шароитлар барча муваффақиятлар калити эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасида ўн бир мингдан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг саксон фоизи хотин-қизлардир. Турли миллат вакиллари — руслар ва украинлар, ўзбеклар ва белоруслар, қozoқлар ва қирғизлар, тожиклар ва озарбойжонлар елкама-елка туриб, мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этмоқдалар. Уларнинг бутун эътибори халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ҳар қачонгидан ҳам кўпайтириш, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, фақат сержило ва камалакнусха газламалар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилгандир.

Бирлашманинг бош корхонаси — Шойи газламалар комбинатида ҳам коллектив аъзоларнинг ижодий имкониятлари янада тўқисроқ рўёбга чиқиши учун шарт-шароит яратилмоқда. Бу ерда 520 ўринли шифона, бир йўла 620 беморга хизмат кўрсатадиган поликлиника, тиш поликлиникаси, бир неча соғломлаштириш пунктлари, «Саломатликни тиклаш» бўлими — меҳнатсевар тўқимачилар ихтиёрида. Бу ерда Зоҳида Маллабоева, Санобар Маҳмудова, Юлдузхон Дадахонова, Турсуной Абдуллаева, Тоҷихон Турсунова каби ўз ишининг усталари ишлашади. 280 ўринли етита болалар боғча-ясиллари, «Камалак» соғломлаштириш-пионер лагери, турли тўғарақлар, ўнлаб спорт майдончалари, музика мактаби ва бир неча ўрта мактаблар келажак авлод тарбияси билан машғул. Катта Наманган канали бўйидаги 15 гектарлик жойда «Оромгоҳ» дам олиш зонаси барпо этилган. Унинг мевалари, лимонлари, шарбатга тўла олماю шафтолилари тўқимачилардан ортиб, болалар боғчаларига берилмоқда. Ҳар кун ишдан сўнг ўнлаб бригада аъзолари бу ерда ҳордиқ чиқаришади. «Тарона» ансамбли-

нинг хушовоз хонандаси Жўраҳон Муҳитдинов (ўров цехининг смена мастери)нинг ўнлаб шўх-шўх қўшиқ ва яллалари дилларга ҳузур ва ҳаловат бағишлайди.

«Удуг Октябрнинг 70 йиллигига 2,5 йиллик маррани ўринлатамиз!» Ана шундай аҳд билан мардона ишлаётган комсомол аъзолари Турсуной Дадахонова, Хадича Маждивалар сўз ва иш бирлигига эришмоқдалар. Улар зарбдорларча ишлашни ҳам, яхши дам олишни ҳам ўрнига қўйишади. Олти ярим минг тўқувчи ва йигирувчи ҳам Октябрь байрамини катта меҳнат ютуқлари билан қутиб олишга аҳд қилганлар. Тўқувчи Раиса Баранова, опа-сингил йигирувчилар Мавлуда ва Маъсуда Каримовалар, тўқувчи Алим Сайтумерова, йигирувчи Надежда Илгина, тўқувчи Галина Курдюкова, йигирувчи Сарбарой Ортиқова, пиликловчи Надежда Измайлова, Елена Новосёлова, Муяссар Усмонова, давракаш Омида Шабаева ва бошқаларнинг меҳнат рапортир кетма-кет бирлашма партия комитетига келиб турибди. Еш ва навқирон Уйчи, Учқўрғон, Нориндаги йигирув-тўқув фабрикаларининг йигит-қизлари бош корхона илғорларига интилиб, аста-аста лойиҳа қувватини ўзлаштирмоқдалар. Бироқ тажрибанинг етишмаслиги, техникага ихлоснинг бир оз сустлиги ҳали-ҳозирча мақсад сари дадил боришни таъминламаяпти.

Корхонада 40 дан ортиқ тўқимачилар сулодалари меҳнат қилишади. Абдулла Мемет, Тураш Жўраев, Уктамхон Муҳитдинова, Садриддин Баҳриддинов, Абдурахим Тўхтасинов, Жўравой Дадахонов, Эргашвой Қирғизбоевларнинг сулодалари ўз сафларини кун сайин кўпайтирмоқдалар. Оҳорловчи Жўрабой Дадахонов, унинг турмуш ўртоғи, ўровчи Маҳмудхон, фарзандлари Маъмура, Муқимжон, Музаффар ва Мирзохидлар ҳам ишчи номини муқаддас сақламоқдалар.

Корхона аҳли 1987 йили она-Ватанга 59 миллион метр сержило газлама тўқиб, 10 минг 980 тонна штапель ва 1 минг 300 тонна пахта йигириб бериш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Коммунистлар мусобақанинг олдинги сафига боришаётир. Давракаш Рузмия Минханова йигирма йилдан бери илғорликни қўлдан бермаяпти. Унинг қирқдан ортиқ шоғирдлари орасида Лобар Бозорова, Фарид Разоқова, Мавлуда Ораққуловлар устозлари билан беллашиб ишлашапти.

Тўқимачилар КПСС XXVII съезди қарорларини оғишмай амалга ошира бориб, халққа чиroyли ва кўркам газламалар етказиб бериш йўлида ленинчасига, коммунистчасига меҳнат қилишаётир.

Наманган

Т. СУЛАЙМОНОВ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадний журнали

№ 10 (452)

Октябрь
1987



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Исомиддин АРАБОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

ЭТТИ авлоди ер билан муомалада бўлган деҳқон ўғлиман. Бобонинг бобоси ҳам, отам Араббой Маллабой ўғли, онам Паттихон Ҳасанали қизи ҳам ризқ-рўзини шу она ердан, меҳнат қилиб, пешона тери эвазига териб еган эканлар. Отамнинг йигитлик дав-
ри бойларнинг ерида бири икки бўлмай кечганини ўзлари айтиб берганлар. У Октябрь инқилоби ғалабасининг гувоҳи, колхоз тузувида актив қатнашган, олдин оддий колхозчи, кейин бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. Коллектив хўжаликнинг афаалликларини уйма-уй юриб тушунтир-
гани учун муштурмэўрлар томонидан Қораёнтоқ қишлоғидан қувилган. Бир неча фурсат Андижонда яшириниб яшаган. Шаҳар ҳаётига ўргана олмаган ота-онам қишлоқма-қишлоқ довдирашиб юрадлар. Оқибат икки йилдан кейин яна Қораёнтоққа келадилар.

Уттинчи йиллари мен 16 ёшли йигитча эдим. Ота-онамга беминнат дастёр эдим. Улар мени уйда ёлғиз қўймас, доим ўзлари билан далага олиб кетишар эди. Уша вақтларда, ҳазилми-чинми, одамлар: «Араббой, ўлгингиз пайкалда туғилганим, бола шўрликнинг кўргани ва билгани дала», деб кулар эканлар. Шу-шу, йигит бўлганимда, ҳатто ҳозир ҳам мени «далада туғилган» дейишади. Мен ҳам бу гапга кўникиб қолганман.

Коллективлаштиришнинг дастлабки йилларида муштурмэўрларнинг эндигина чигит екилган майдонни пайт пойлаб сув бостириб юборишлари, не-не машаққатлар билан қазилган ариқларни бузиб кетишлари, пахта пунктларига ўт қўйишлари, ёш раҳбарларга тухмат тошларини ёғдиришлари ва ҳоказолар кўзим ўнгидега содир бўлган эди.

Қайси бирини айтсам экан: пахта деб ўз жонидан кечган, пайкалларини сув босишдан сақлаб қолиш учун кўксини қалқон этган мардларини, янги турмуш деб паранжи ташлаган опа-сингилларимизни, ЗАГСдан ўтганлиги учун бир кечада сўйиб кетилган севишганларини, саводсизлини тугатиш учун ўзи бугун ўрганган бир харфни уйма-уй юриб ўргатишга шонилган маърифат улашувчи аяжонларини... О, булар жуда кўп. Уларнинг ҳаммаси янгилик учун, ўз замонини қайта куриш учун фидокорона курашган кишлар эдилар.

1940 йил баҳоридега ҳарбий хизматга чақирилдим. Эндигина ҳарбий хизмат ҳади-

сини олаётганимда машғум уруш бошланиб қолди. Нальчик шаҳри яқинида қаттиқ жароҳатландим. Дўстларим мени елкаларида кўтариб, жанг майдонидан олиб чиқдилар. Уқ ўнг оёғимнинг йигирма бир еридан илма-тешиқ қилиб юборган эди. Оёғим энди номигагина қолган эди. Уни аранг судраб, қўлтиқтаёқда Ўзбекистонга, ўз қишлоғимга қайтиб келдим. «Энди Исомиддин сафдан чиқибди-да, пахтани қўл билан теришда унинг олдига тушадигани йўқ эди», деб ачинаганлар ҳам бўлди.

Қишлоқнинг бўз йигитлари фронтга кетишган. Борлари ҳам менга ўхшаганлар. Ўзимни қўлга олдим. Қўлтиқтаёқларимни «дўққиллатиб» далага чиқдим. Ғўза чопаётган хотин-қизларга ҳавасим келди, махсус кетмон ясашиб, ўзимни синиб кўрмоқчи бўлдим. Эртасига чопиққа чиқдим. «Исомиддин, кўйинг, эплаб оларми, тагин ярангиз очилиб кетмасин, сиз: «Ҳорманлар», деб турсангиз бас!» деб юпатганлар бўлди. Қарорим қатъий эди. Биринчи куни бир кишининг ишини бажардим. Шундай қилиб, ўз иродамни ҳам синиб кўрдим. Кечалари оғриқ хуруж қилади. Кундузлари эса далада ҳаммасини эсдан чиқараман...

Терим бошланди. «Энди Исомиддин теримга қатнаша олмас керак, оёғида тик тура олмайдиган одам қандай қилиб пахта терсин!» дедилар. Ахир, мен урушдан олдин қўлда пахта теришда доврўқ солган йигит эдим. Энди эгатлар орасида юришнинг иложи бўлса бас! «Қани энди бири машина ўйлаб чиқарилса-ю эгатлар ичиде мени енгил олиб юрса: мен пахта терсам». Ниҳоят, аравача ҳам ясатдим, унга юмшоқ ўриндик қилдирдим. Тиззаларимга тўшак ва пўстак боғлаб теримга тушмоқчи бўлдим. Шундай қилмасам, енгилган бўлардим. «Корчагин ва Маресьевлар олдида менинг бошимга тушган гурбат ҳеч нарса эмасди. Улар юзма-юз келган ажални ҳам енгсалар-у мен оёқ оғриғига бардош беролмай таслим бўлсам!» Бу ўйлар мени янада дадиллаштирди, белимга мадор, билангига куч, юрагимга далда бўлди. Теримнинг биринчи куни ҳаммадан олдин далага бордим. Кўрганлар яна ҳайратга тушдилар. Мен гўё ҳеч нарса бўлмагандек ишга киришдим. Кечга қадар эгатлар орасида гоҳ судралиб, гоҳ аравачамни йўрт-тириб терган пахтаман битта яхши теримчининг пахтасидан кам эмасди.

Шундай қилиб, бирин-кетин кунлар ўта-верди. Кун сайин суръатга суръат қўшила-

верди. Газеталар ёза бошлади. Ишонмаганлар келиб кўрдилар...

СССР Олий Совети Президиумининг 1947 йил 19 март қарори билан 1946 йилда пахтадан юқори ҳосил олганим учун менга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Гапнинг рости, ўша йиллари «Исомиддин Арабовни йўлига кўтар-кўтар қилишяпти», деб юрганлар ҳам бўлди.

Кеска бир деҳқон сифатида шу вақтга қадар айтишга жазм қилолмаган баъзи гапларимни айтишни кўпдан ўйлаб юрдим. Жонажон партиямиз олиб бораётган ошқоралик ва қайта куриш сиёсати айниқса деҳқон манфаати учун хизмат қиладиган ўзгаришлардир. Биз бир неча йиллардан буён: «Ерларимиз чарчаган, уни алмашлаб экайлик», деймиз. Кўплар «у-бу» деб чап бериб юрдилар, номигагина алмашлаб экилди. Ундайлар ерни ҳам, давлатни ҳам, ўзларини ҳам алдадилар. Натижада кўплаб пахта майдонларимиз тамоман ишдан чиқиб қолди. Бу ҳол бугунга келиб ҳаммани ташвишга солмоқда. Деҳқончиликда кимки ўз оёғининг остига қарар экан, албатта йиқилади, узокни кўзлаган деҳқон муродиға етади! Ахир, эртасини ўйламаган деҳқон деҳқонми? Чигит екилган майдоннинг бир кафт тупроғини қўлига олиб, чигит қачон униб чиқшини, унга қачон сув берилишини, ғўза оралаб чиқиб, бу йил гектаридан қанча ҳосил етиштирилишини олдиндан айтиб берадиган деҳқонларимиз кўп. Аммо, шу вақтга қадар ундайлардан бирортасининг иш тажрибаси ўрганилмади, оммалаштирилмади. Ўн гектар майдонга узум экиб, одамларнинг дастурхонларини қишда, баҳорда узум билан таъминлаганлар ёки ҳар бири тарвуздай улкан лимонлар яратиб фахрли халқ академиклари бўлганлар оз дейсизми?

Бугунги кунда олий маълумотли агроном кўп. Улар орасида фан кандидатлари, докторлар, селекционерлар бор. Биз улар билан фахрланамиз. Улар ўз навлари, эрта пишар уруғлар яратганликлари ҳақида газеталарда ҳамду санолаур ўқиймиз, ўша янги навлар ишлаб чиқаришга жорий этилади ҳам, аммо бир-икки йил ўтар-ўтмас сафдан чиқади. Олимларимиз ўз навларини яратганларида деҳқоннинг ҳам фикрларини ҳисобга олганларида, балки шундай бўлмасмиди. Кейинги ўн йил ичиде 11—13 чигитли пахтани учратганим йўқ.

Йигиллишларда илмий-текшириш институтларининг олимлари яратган янги навларни мактайдилар. «Хўш, деҳқон ҳазратлари нима дейдилар?» дегувчи топилайди. Ўз навларини ўтказиш учун айрим олимларимиз министрликларга, обкомларга чопадилар. У ҳосил бериб-бермай унворларга мукофотларга тавсия этилганлари ҳам бўлди. Олимлар тавсия этган нав балки тажриба участкаси учун мослашгандир. Ахир, деҳқончиликда ариқнинг у бети билан бу бетидега ерининг ўзгача шароити, ўзгача ҳолати бўлади. Алмашлаб экишда йўл қўйган халотаримиз туйфайли ерларимиз ҳолати бузилган-ку!

Қайта куриш дейилганда мен кўпроқ қишлоқ мактабларида ўқибетган, бизнинг эртамиз ҳисоблаган ёшларни кўз олдимга келтираман. Деҳқоннинг бахтиға аяқшим улар бор. Фарзандларимиз узогимизни ақин, оғиримизни енгил қилувчилардир. Бироқ бундай чўтлаб чиқсам, бир йилда беш ой ҳам ўқишмас экан. Ғўза чопиғидан тортиб, яғана, чеканкагача улар далада. Булар бор гап-ку! Ҳар йили областимиз ва республикамизнинг мартабали раҳбарлари: «Ўқувчилариз, шаҳарлик ёрдамчилариз териб оламиз, ҳар ким ўз ишини қилсин!» дея мурожаат қиладилар-у орадан унча вақт ўтмай барча ваъдалар эсдан чиқади. Юқори ташкилотларға билинтриб-билинтримай мактабларни ёпадилар-да, пахта теримига сафарбарлик бошланади. Ахир фарзандларимиз изчил татлим олмасалар, қандай қилиб олий мактабларга, ҳарбий олимпиадаларга ўқишга кирсин. Қишлоқда қайта куришни, назаримда, мактабларнинг таълим-тарбия ишларидан бошлаш керак.

Утган йили кузда Андижонда катта йиғин бўлди. Масала қайта қуриш стратегияси ва кўзбўямачиликнинг зарарли оқибатлари ҳақида эди. Дабдабали гаплар айтилди, танқидлар қилинди. Йиғилиш охирида: «Област ерининг саховати кўрғазмасини ташкил этганмиз, бориб кўринглар!» дедилар. Кўпчилик қатори мен ҳам кўрғазмани айланар эканман, ёқамни ушлаб қолдим. Ҳар бири араванинг гулчигидай тарвузалар, ювулар кўрғазма пештахталарига файз киритиб турарди. Энди гапнинг бу ёғини эшитинг: Андижонда кейинги йилларда қовун-тарвуз яхши бўлмай қолган. Утган йили умуман бўлмади. Хўш, кўрғазмадагилар қаердан олиб келинди? Уялмай-нетмай фалон район, фалон колхозда, фалончи етиштирган деб ёзиб ҳам қўйишмиди. Бу кўзбўямачиликни кўриб газабландим. Кўрғазмага ўзимизда етиштирилган қингир-қийшиқ қовун-тарвузлар-у маҳаллий санавтимиизнинг брак маҳсулотлари қўйилганда, уларнинг остига эса қайси район, қайси хўжалик, қайси корхона ва ким ишлаб чиқаргани аниқ ёзилганда, бундан элу юртга, мамлакатга катта наф бўлмасмиди?!

Қишлоқ қурилишлари эндиликда одамларнинг дидига мослаб барпо этилаётир. Баъзилар қишлоқ жойларидан ҳам икки-уч қаватли уйлар қуриш керак, деса, баъзилар бунга қарши чиқашаётир. Қишлоқда яшовчиларнинг ўзларидан сўровчи кам. Мана мен қишлоқда яшайман. Молим, кўйим, катта хўжалигим, машина бор. Мен учун ҳозирча икки қаватли уйга ҳожат йўқ. Қурилишларимизда, гапнинг рости, миллийлик етишмайди. Қурилаётган бинолар «қўлдан ўтди, хўжасига етди» қабилида бўлаётир. Шаҳардан келган бир архитектор қишлоқда бир неча юз йилдан буён мавжуд бўлган, икки-уч дона гишти кўчиб тушиб кетган бир ёдгорликнинг гиштлирини ўз ўрнига қўйдириб: «Буни қайта қурган фалончи», деб ёдгорлик-

нинг пештоқиға ёздирди. Хўш, бу қанақаси?!

Дала шийпонларимиз ҳам замон талаби даражасида эмас. Улар фақат ёз ойлари учун мўлжалланган. Кузда ёгин-сочин кунлари деҳқон ҳам, унинг техникаси ҳам жойлашадиган шийпонлар бўлиши керак.

Баъзилар: «Қишлоқда техника қашшоқлиги мавжуд, эҳтиёт қисмлар кам, тракторлар ва чигит экиш, чопиқ қилиш агрегатларининг қисмлари йўқ», деб оламни бошларига кўтардилар. Ҳар бир йиғинда ўринларидан туриб: «Бер-бер!» дейдилар. Ишлатиб бўлинган асбоблар қайда бўлса, ўша жойида қолиб кетавергач, техника қашшоқлиги бўлиши табиий-да! Агар ўша трактор ёки машина ўзингизники бўлганида, сиз уни далада қолдирмас эдингиз.

Айтилик, енгил автомашина сотиб олгансиз. Сиз уни уйингизда сақлайсиз, ёпиқ гаражда бўлса-да, чанг ўтирмасин деб устига ёпиқ ташлаб, ўраб асрайсиз. Бир кўча айланиб келишдан олдин ҳам, кейин ҳам уни артиб тозалайсиз, арақлатиб юрасиз. Унинг эҳтиёт қисмларини эса авайлаб сақлайсиз. Нега энди давлат мулкни шундай қилмайсиз, уни ишлатиб бўлиб тўғри келган жойга ташлаб кетасиз, артиб тозаламайсиз, асрамайсиз?

Давлат ва халқ мулки ҳисобланган ердан, сувдан фойдаланишда ҳам баъзан шу хилда муносабатда бўлганларни биламан. Очиқ айтиш керакки, ўз ерингизга вақтида сув берасиз, ўғит соласиз, қаттиқ ишлайсиз, мўлжалдаги ҳосилни оласиз. Нега энди кўпчилиكنинг ишига келганда, саратонда қўлингиз совқотади?

Жонажон Коммунистик партиямизнинг XXVII съезидан кейин ҳар соҳада чиндан ҳам очик-ойдинлик, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ даври бошланди. Энди ёлғонни ёлғон дейдиган замон бошланди. Шу вақтгача бўлмаган ишларни бўлди, деб оғиз кўпиртириб гапиришларга чек қўйилди.

Дафтарнинг чизигидай кичик бўлса-да, ўз йўлинг бўлгани яхши, дейди халқ. 40 центнер ҳосил дегани бир гектар майдонга деҳқон тили билан айтганда 40 сантиметр калинликда пахта ёйиб чиқиш деган гап. Дабдабозлик ҳам эви билан-да! Деҳқон манфаатдор бўлмаса, ундан иш талаб қилиш қандай бўларкан? Қайта қуришнинг асоси ҳам аслида пунга келиб такалади.

Қишлоқ кадрлари масаласига эътибор қилинаётгани яхши натижалар бермоқда. Лекин, атрофлича ўрганилмасдан баъзан тажрибали, ташаббускор кадрлар фаолиятдан ҳам воз кечиб юборилапти. Кимларнингдир тавсияси билан тайинланган кадрлар давр синовларига дош беролмай, ярим йилга бориб-бормай сафдан чиқаётир. Кадрлар масаласи кенг халқ оmmasининг муҳокамасига ташланапти. Бу борада Наманган области меҳнаткашларининг тажрибасини ўрганишимиз керак. Улар колхоз раислари, совхоз директорлари, бошқа хўжалик раҳбарлари, бригадирларни меҳнаткашларнинг ўзлари ошқора муҳокамага қўйиб, очик овоз билан сайламоқдалар. Бизнинг областимизда ҳам бу масалага жиддий эътибор берилаётир. Халқ ўзи танлаган номзодини сайласагина ишида унум, темир интизом, ҳосилда барака бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бироқ, ҳали ҳам айрим жойларда раҳбарлик лавозимларига ошпа-оғайнингарчилик, ўзи таниган ва билган кадрларни халқдан сўрмай кўтаришга ҳаракат қилиш ҳоллари учрамоқда.

Қишлоқда муаммолар кўп. Уларни оқилона ҳал этишда Коммунистик партиямизнинг шонли XXVII съезди кўрсатмалари, партиямизнинг қайта қуриш ҳақидаги революцион руҳдаги сиёсати биз деҳқонларга дастурил-амал бўлиши керак.

Суҳбатни
Олимжон ХОЛДОР олиб борди.

Тошкент шаҳридаги Г. Дмитров номли 9-ўрта мактабда хельсинкилик бир гуруҳ мактаб ўқувчилари меҳмон бўлдилар. Фин ўқувчиси Сату Сепянен ва ўзбек ўқувчиси Нойба Усмонова шу учрашувда танишдилар.

Р. Шагаев фотоси (ЎзТАГ)



ВАТАНИМ

Бибисора ОТАЕВА

Осмон қадар бағри кенг она,
Эрк деганга ғамхўр, парвона,
Курашларда голиб, мардона,
Совет юрти — менинг Ватаним.

Ўйлаб бутун олам бахтини,
Жон дўстликка боғлаб аҳдини,
Сарф этади харжи, вақтини,
Совет юрти — менинг Ватаним.

Инқилобий байроқ қўлида,
Доим эгу ният кўнглида,
От суради тинчлик йўлида,
Совет юрти — менинг Ватаним.

Кўрар яна бундан кутлур ёш,
Нур улашган чехраси куёш,
Зулумотни қилиб яшар шош,
Совет юрти — менинг Ватаним.



МУЗЛИК ТАҚДИРИ

Австралиянинг Дейвс номида таджикот станцияси жойлашган Антарктика қароғидаги Прюде бўғозида кўбм май ойининг бошидан то июль ойигача уфқда бекинади. Кўёш бекиниш олдидан унинг қия заррин нурлари қалин муз устига бостариб келётган янги музлик парчасига таралиб, ажиб мавзара кашф этади. Бу пайт гляциологик текширишларни ўтказиш учун қулайдир. Олимлар эски музани янги муз билан муқоаса қилишиб, олтинчи қитъада музликнинг пайдо бўлиш жараёни ҳақида муҳим хулосалар чиқармоқдалар.



МУАММО ВА ИМКОНИЯТЛАР

Пойтахтимизда йилдан-йилга бўй чўзаётган маданий-маиший тураржой бинолари, бири-биридан кўркам массивларнинг барпо этилиши партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оилани уй-жой билан таъминлаш йўлида амалга ошираётган тadbирларининг натижасидир. Шу ўринда қурилиш кўламининг кенгайиши билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ҳам ортаётганлигини эътироф этишимиз керак. Айниқса, пойтахт қиёфасига, унинг об-ҳавосига, саранжом-саришталигига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолларга бефарқ қараб бўлмайди.

Ана шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар канализацияси тармоғининг яши қай йўсинда йўлга қўйилганлиги, унинг ўзига хос муаммолари хусусида фикр юритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1271 километрдан ошиқроқ кўламга эга бўлган Тошкент шаҳар канализацияси тармоқларининг иш мароми тез-тез бузилиб туриши, янги барпо этилган тураржой, маданий-маиший биноларнинг канализация қувурлари қурилиши сифатига назоратнинг сустиглиги ёки қабул комиссияларининг масъулиятсизлиги натижасида кейинги бир-икки йил давомида бу соҳа ишлари қониқарсиз аҳволга тушиб қолганлигига гувоҳ бўламиз. Мутахассисларнинг фикрича, бунга асосий сабаблардан бири янги тураржойларни фойдаланишга топширишда қабул комиссияси қаторида канализация тармоқлари ёки авария бригадалари вакилларининг бўлмастидир. Канализация ишининг пасту баландига тушунмаган комиссия ўйламай-нетмай объектларни қабул қилиб олаверади.

Яқинда пойтахтимизнинг Юнусобод массивида қурилаётган объектларнинг канализация тармоқларида қуйидаги аҳвол содир бўлди: массивнинг 15-квартали бўйлаб ётқизилган диаметри 600 миллиметрли коллектор қувурлари лойихада кўрсатилганидек ташқи таъсирдан муҳофаза қилиниб эмас, балки хўжасиз-

ларча, балчиққа бир амаллаб кўмиб кетилган. Бу ишни бажарган Тошкент Уй-жой қурилиш трестига қарашли 10-қурилиш бошқармаси қувурчилари мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш тутдилар. Натижада, муҳофазасиз қувурларни юк босиб, канализация тармоғида жиддий авария содир бўлди. Мазкур массивнинг 14-кварталида ҳам лойихада белгиланган диаметри 600 миллиметрли қувур ўрнига қайсидир «ишбилармон»нинг ташаббуси билан диаметри 300 миллиметрли қувур пала-партиш ётқизиб кетилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бу участкадаги канализация тармоқлари муддатидан аввал капитал ремонтга муҳтож бўлиб қолди.

Шаҳар канализация тармоқларини капитал ремонт қилиш учун 1987 йилга 490 минг сўм ажратилган. Агар юқоридаги каби ҳолларнинг тез-тез содир бўлиб туришини ҳисобга олсак, белгиланган маблағ назарда тутилган мақсадларда сарфланмаслигига амин бўласиз. Бу эса, шаҳар канализацияси ишини қишга ҳозирлаш ишлари баҳорда бошланганига қарамай, ишчи кучининг, техника воситаларининг тарқоқлиги сабабли капитал ремонт ишлари чўзилиб кетишига олиб келади. Булар масаланинг қурилиш объектларига алоқадор томонлари. Энди шаҳар аҳолисига боғлиқ томонлари ҳам борки, жойлардаги маҳалла комитетлари, кварталлардаги уй бошқарувчилари, кенг жамоатчилик шаҳар канализацияси тармоқлари ишини яхшилашга ўз ҳиссаларини қўшсалар, қўнгиладигидек бўларди.

Шаҳримизда ҳаммаси бўлиб 66 минг канализация қудуқлари бор. Буларнинг оралик масофаси бир ярим минг километрни ташкил этади. Табиийки, бу қудуқларни район канализация инженер-хизматчилари доимий назорат қилиб улгуролмайдилар. Ана шундай пайтда жойлардаги қудуқларнинг авария ҳолати ҳақида жамоатчилик томонидан маълум қилинган хабарлар катта роль ўйнайди. Турмушимизда, у ёки бу сабабларга кўра

қопқоғи очилиб қолган қудуқларни кўп учратамиз. Кўпинча бундай қудуқларга ўйинқароқ болалар, баъзан айрим ҳамшаҳарларимиз хонадонларидан чиққан чиқиндиларни ағдарадилар. Натижада, канализация тармоқларининг иш мароми бузилади. Бадбўй чиқинди сувлари қудуқлардан тошиб, кўчаларни, атроф-муҳитни булғайди, қолаверса, тураржой биноларининг, мактаб ва боғчаларнинг ертўлаарига, озик-овқат омборларига тошиб қиради.

Яқинда Акмал Икромов райони территориясига жойлашган «Фарҳод» кафеси ёнида шундай ҳодиса содир бўлди. Шу атрофда назоратсиз қолган қудуқ ахлатнонага айлантирилиши натижасида диаметри 400 миллиметрли қувурнинг иш мароми бузилди. 33 та мактаб, болалар боғчаларига озик-овқат улашадиган омбор ертўласи чиқинди суви билан тўлиб қолди ва минглаб сўмлик озик-овқат маҳсулотидан воз кечишга тўғри келди. «Хўш, Тошкент шаҳар канализацияси тармоқлари бошқармаси бундай қўнгилисиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун қандай тadbирлар белгиланган?» деган ҳақли савол турғилиди.

Айни пайтда бу саволга жавоб бериш учун бошқарма канализация тармоқларини профилактика қиладиган ягона цехга эга эканлигини айтиб ўтиш кифоя. Табиийки, бу қувват билан мавжуд нуқсонларни бартараф этишнинг иложи йўқ. Шунга қарамадан, бу ерда ишни бригада пудрати усулида ташкил этиш ҳисобида профилактика хизматини яхшилашга ҳаракат қилинапти.

— КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил Июнь пленумида ҳам мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш борасида тегишли муносабат билдирилди, — дейди бошқарма бошлиғи Едгор Қодиров. — Пленумда «ҳозир қайта қуришнинг фойдаси ҳақида гап кўп бўлаётгани, лекин кишиларнинг энг оддий эҳтиёжларини қондириш учун амалда жуда кам иш қилинаётгани» ҳақида ҳам гап пирилдики, бу танқидий фикрлар биз коммунал хўжалиги ҳодимларига кўпроқ алоқадордай туюлади. Биз ўз ички резерваримиздан фойдаланаёلمиз. Лекин, ўрни келганда, техник имкониятларимизнинг челканганлигини ҳам эътироф этишимиз керак. Айни пайтда ихтиёримизда ягона янги экскаваторимиз бор. Қолган техникларимиз бугунги талабимизни қондиролмайди. Фойдаланишга яроқлилари ҳам тарқоқ ҳолда ишлатилади. Бунинг учун Тошкент Сув ишшооти трести эътиборига барча цехлардаги техникларни марказлаштирилган автобазага бирлаштиришни таклиф қилардик. Бу умум ишимизнинг самардорлигини таъминлаши мумкин. Қолаверса, авария хизмати цехи қурилишига ҳам эътибор берилиши, ишчиларнинг хизмат шaroитларини яхшилаш тadbирларини ҳам зудлик билан қўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Омон НИЕЗОВ,
ишчи мухбир

МУНОСИБ УЛУШ



1927 йилда феодал ўтмиш сарқитлари — паранжига қарши оммавий «Хужум» ҳаракати бошланди. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Ўзбек хотин-қизларига» шеъри зулматда яшаётган ўзбек аёллари учун мурожаатнома, чақириқ бўлиб янгради:

Келди очилур чоғинг, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишаларни, ҳар томон паршон қил...

Худди шу даврда ўзбек совет адабиётида янги истеъдодлар — шоира ва адибалар етишиб чиқа бошладилар. Ана шулардан бири Ойдин (Манзура Собир қизи) бўлди. Ойдиннинг адабиёт майдонидаги дастлабки қадамлари маориф аёллар институтида ўқиб юрган йиллари билан боғлиқ. Уша пайтда у студентларнинг адабий журнаliga редакторлик қилар, шу журнал саҳифаларида ўзининг ижод намуналари билан қатнашиб турар эди.

1925 йилда Ойдин ўзининг йирик асарларидан бири — «Янгиликка қадам» пьесасини яратди, бу асар хотин-қизларни паранжи балосидан қутулишга даъват этарди. Кейинчалик «Янги йўл» хотин-қизлар газетаси ва журнаliga босилиб чиққан «Хужум», «Пахта терганда», «Ҳашар» каби поэтик асарларида ҳам шу мавзунинг давом эттирди. Бу шеърларида Ойдин социалистик жамиятни қуришда фаол иштирок этаётган ўзбек аёлларнинг ҳур, нури келажакни ёритиб, ифодалаб беради.

1930 йилда ёш адибанинг «Тонг кўшиги» номли биринчи тўплами чоп этилади, тўпламга унинг Октябрь революциясини мадҳ

этувчи, социалистик меҳнат ва асосан, қизларнинг озодик, тенглик учун курашини ифодалаган шеърлари киритилган. Бирок адибанинг 1925—1926 йилларда ёзилган «Қизлар ўйини», «Онамга», «Йиғлама» каби баъзи шеърларида ҳали бирмунча тушунмовчиликлар, англашилмовчиликлар мавжуд эди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1932 йил 23 апрелда қабул қилинган адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш ҳақидаги тарихий қарори барча совет адабиёти вакиллари қатори Ойдин ижодида ҳам катта аҳамият касб этди. Шу қарор юзасидан 1932 йилнинг ёзида Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўша вақтдаги биринчи секретари Акмал Икромов «Ўзбекистонда маданий қурилишнинг асосий вазифалари» темасида доклад қилди. Докладда тарихий қарордан келиб чиқадиган асосий вазифалар алоҳида таъкидланди, адабиётимиздаги бир қатор камчиликларни тугатишнинг аниқ тадбирлари белгилаб олинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика партия ва совет ташкилотлари олдига ёш кадрларга жиддий эътибор бериш, уларни ўқитиш, ёрдам бериш, адабиётга кириб келётган янги истеъдодларни тарбиялаш вазифаларини қўйди.


Республикада адабий ҳаракат кенг қулоқ ёйди. 1933 йилга келиб Қўқонда 7 та адабий тўғарак, Андижонда 4 та, Наманганда 8 та, Фарғонада 9 та, Тошкентда 19 та, бутун Ўзе-

бекистон территориясида 76 та тўғарак ташкил қилинди, уларга 800 дан ортиқ аъзо бирилади. Бу республикамизда сиёсий ва маданий онгнинг тобора ўсиб бораётганлигидан далолат эди.

Ўзбек совет ёзувчилари фаолиятида янги босқич бошланди. Адиба Ойдиннинг ҳам ёзувчилик иқтидори шаклланди. Бу даврга келиб, у ҳикоялар устаси сифатида танилди. Масалан, унинг 1933 йилда ёзилган «Зумрад ёки хайфсан» ҳикоясини олайлик. Бу асарда камбағал, бечорахал халқ орасидан чиққан ўзбек аёлининг социалистик жамият даврида тенг ҳуқуқликка эришганлигини ҳаққоний тасвирлаган. Адибанинг «Чақалокка чакмонча», «Садаган бўлай, командир» номли ҳикоялари ўқувчилар орасида тез оммалашиб кетди, севиб ўқила бошланди.

Ойдин адабий фаолиятини жамоатчилик иши билан узвий боғлаб олиб борди. У 1926 йили «Янги йўл» хотин-қизлар журналининг редактори бўлди. Уша йили у делегат сифатида маориф ходимларининг Бутуниттифоқ съезидида қатнашиш учун Москвага борди ва ўша ерда Н. К. Крупская билан учрашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари (1932—1937) бўлиб ишлаган даврида Ойдин ўзбек совет адабиётининг жонкуяри сифатида катта куч сарфлади. Ўз мақолалари билан гоъвий мухолифларимизга қарши қақшатқич зарбалар берди. Адиба ҳамма вақт ишлаб чиқариш участкаларида, колхоз ва совхозларда бўлар, меҳнаткаш халқ-



Сарқанддаги лифтозали заводи.

А. Жданов фотоси

нинг ҳаёти билан танишиб, улар тўғрисида очерк, шеър ва ҳикоялар ёзар эди. «Ўзбек ёзувчиларининг бурчи — деб ёзган эди у, — ана шу масъулиятли мавзуни бевосита ўз зиммаларига олишдир».

30-йилларда Ойдин билан бир қаторда ўнлаб истеъдодли ёзувчи ва журналист аёллар адабиётимизга кириб келдиларки, бу ўзбек хотин-қизлари қалби ва психологиясининг ҳар томонлама тўла ёритиб берилишини таъминлади. Бу ўринда шоира ва адибаларнинг Музаияна Алавия, Зулфия, Раъно Узорова, Кибриё Қаҳҳорова, Саида Зуннунова, журналистлардан Саодат Шамсиева, Муборак Шермухамедова, Саломат Раҳимова, Хосият Раҳимова, Марьям Сорикулова, Мукаррам Шомансурова ва бошқаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Уша даврда Бутуниттифоқ альманахи редакциясида ишлаган Даржия Оппоқова болаларга бағишланган бир қатор ҳикоялари билан кенг жамоатчиликка танилган эди. Д. Оппоқова адабий фаолиятини Тошкент шаҳрида бошлаган бўлиб, «Ривож» колхозидеги деҳқон муҳбирлари уюшмасини бошқариб борар, уюшманинг жамаи аъзоси 10 кишидан иборат эди. Музаияна Алавия эса кўп йиллар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаш билан биргаликда «Еш тарбиячи» газетасининг ташкилотчиларидан бири бўлди. Унинг шеърлари «Маориф ва ўқитувчи» журнали саҳифаларида чиқиб турди.

Хосият Тиллахонова ҳам ўзининг адабий фаолиятини 1923—25 йилларда бошлаган. Унинг «Озодлик», «Интилиш», «Ўйғониш» каби қатор шеърлари 1926 йилда республика матбуотида босилган. Хотин-қизлар озодлиги, уларнинг ҳаёт ва меҳнатдаги тенг ҳуқуқчилиги Тиллахонова шеърларининг асосий мавзуси эди. У 1928 йилдан «Қизил Ўзбекистон» республика газетасининг хотин-қизлар билан ишлаш секторини бошқарди. Матбуот саҳифаларида унинг дostonлари, шеърлари ва мақолалари мунтазам чиқиб турди.

«Янги йўл» газетасининг биринчи редактори Собира Холдорова ҳам камбағал деҳқон оиласидан чиққан аёллардан бири эди. С. Холдорова кўп йиллар «Шарқ ҳақиқати», «Ишчи» газеталарида, «Янги йўл» журналида ишлади, 1934 йили Бутуниттифоқ ёзувчиларининг биринчи съездида иштирок этди.

Уша йилларда Лола Сайфулина ҳам ўзбек совет адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди. Айниқса унинг «Қулаётган минора» романи, «Олтин харфлар», «Ичкари» ҳикоялар тўплами, «Ўзбек аёли», «Қон ва сув», «Янги ҳаёти йўлида» каби пьесалари ўзбек китобхонлари, томошабинлари орасида зўр қизиқиш билан ўқиларди ва томоша қилинарди. Л. Сайфулина сценарийи асосида режиссёр М. Доронин 1927 йили «Иккинчи хотин» фильмини суратга олди.

Юқорида санаб ўтган мисолларимиздан кўриниб турибдики, Улуғ Октябрь шарофати билан Совет Ўзбекистони хотин-қизлари озодликка эришдилар. Шунинг натижасида ўзбек совет адабиётининг ривожланишига ўзбек аёллари ҳам уларнинг муносиб улушларини қўша олдилар. Биргина ана шу мисолларнинг ўзи ҳам «Хужум» ҳаракатининг мамлакатимизда хотин-қизлар масаласининг марксча-ленинча принциплари асосида тўғри, ҳаққоний ҳал этилганлигига яққол далил бўла олади.

Раъно МАДРАҲИМОВА,

тарих фанлари кандидати,
ЎзССР ФА Тарих институтининг
катта илмий ходими



ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАНГА...

ХОЗИРГИ кунда турмушимизга тобора сингиб бораётган қайта куриш ҳамда жадаллаштириш тушунчаларини тўла амалга ошириш ўз-ўзини бошқаришни таъминлайди. Бир-бирига боғлиқ, ўзаро алоқадор бўлган бу жараённинг дастлабки босқичи меҳнат коллективлари ишини ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг бригада пудратини жорий этишдир. Қолбуки, прогрессив метод бўйича ишлаш кишиларнинг меҳнатга, инсон омилига бўлган янгича муносабатини шакллантиради.

«Меҳнат коллективининг ишлаб чиқаришдаги турмушини назарда тутадиган бўлсак, у ҳолда бу ердаги энг асосий ўзгаришлар хўжалик механизмини қайта куриш бошланганлиги, хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга, ўз харажатларини ўзи қоплашга, ўз-ўзини бошқаришга ўтилаётганлиги билан белгиланади, деса бўлади», — деди М. С. Горбачев СССР Касаба союзлари XVIII съездида сўзлаган нутқида.

Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада методи меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканлиги ҳаммага маълум. Ҳозир Тошкент Тўқимачилик комбинатида 54 бригада хўжалик ҳисоби бўйича иш юритмоқда.

Прогрессив метод усулида иш юритишда пешқадам бўлган коллективлардан бирига Пирмат Турсунбеков етакчилик қилади. Пардозлаш фабрикасининг оқартириш-мерсеризациялаш цехида ишлаётган мазкур бригада корхона бўйича ўтказилаётган ойллик социалистик мусобақада бир неча бор муваффақиятга эришди. Бунинг боиси бригада методининг асосий омилларидан бири — кам ишчи кучи билан юксак самарага эришиш принципини амалда муваффақиятли қўллангани бўлди. Тармок нормативига кўра битта оҳорлаш машинасида уч сменада 14 киши хизмат қилиши лозим. Пирмат Турсунбековнинг бригадасида шу ҳажмдаги ишни 11 киши бажаради, яъни уч кишининг вазифаси бригаданинг бошқа аъзоларига тақсимланган. Айни вақтда коллектив иш сифати ва самардорлигини қарийб 10 процентга оширишга эришдики, бу, ўз навбатида, ишчилар манфаатдорлигининг ошишига ҳам замин яратмоқда.

Пардозлаш фабрикасида корхонада меҳнат қилаётган ҳар бир ишчининг меҳнатига яқун ясалди. Тайёр маҳсулот харидорларга шу ердан жўнатилади. Шу боисдан ҳам бу фабрика фақат маҳсулот ишлаб чиқарибгина қолмай, балки корхонанинг иқтисодий ўсиш даражасини ҳам кўрсатиб турувчи ўзинга хос барометри ҳисобланади. Ҳолбуки, йигирувчи ёки тўқувчининг, қалаловчи ёки пардозловчининг, хуллас, ҳар бир ишчининг ойллик

маоши, мукофот пули миқдори шу фабрика ишига — харидорларга тайёр маҳсулот етказиб бериш ва даромад олиш ҳажмига бевосита боғлиқдир. Фабрика ишидан бутун комбинат аҳли манфаатдор — даромад қўпаяди, — технологияни янгилаш, ишчиларни рағбатлантириш, социал-маиший хизматлар фонди оша боради. Аксинча, мазкур фабрикада иш талаблар даражасида ташкил қилинмаса, корхона даромади кескин камайди.

Тўқимачилик комбинати бу йил 34 миллион сўм даромад олиши лозим. Ўшандагина корхона ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, социал-маданий тадбирлар, рағбатлантириш фондларини тўла ташкил этиш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш имконига эга бўлади. Шундай экан, пардозлаш фабрикасида 1986 йил қандай яқунланди, бу ердаги бугунги аҳвол қандай? Қўзланган мақсадга эришиш режалари қаноатланарлими?

Фабрика шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришнинг 1986 йил планини бажармади — қарийб 10 миллион метр газлама етказиб берилмади. Пардозловчилар маҳсулот тайёрлашнинг ассортимент қондаларига риоя қилмаётганликлари туфайли харидорларини топа олмаётган газлама миқдори ошиб бормоқда. Шу йилнинг январь-февраль ойларида харидорларга 1 миллион 719 минг метр 348 артикулли модоналам газламаси жўнатилган эди. Савдо тармоқлари, тикув фабрикалари шундан 1023,8 минг метрини корхонага қайтарди. Бу харидор талаби ва эҳтиёжи ҳисобга олинмай маҳсулот тайёрлаш оқибатидир.

Иил охиригача бу газламага харидор топила, яъши. Топилмасачи? Корхона олиши лозим бўлган улкан миқдордаги даромад омборларнинг катта-катта қулфлари ортида ўз қийматини йўқотади, маълум қисми чириydi, яроқсиз ҳолга келади. Демак, корхона, биринчи навбатда меҳнат коллективлари зарар кўради.

Утган йили 6,5 миллион метр тайёр газлама лахтакка чиқарилди. Демак, корхона яна 3 миллион сўмлик даромаддан маҳрум бўлди. Таққослаш учун битта факт: 1981 йилда лахтак миқдори 3 миллион метрга тенг эди. Беш йил давомида сифатсизлик сари 3,5 миллион метрга ўсишга «эришилди».

Биз юқорида иқтисодий-ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг фақат энг салмоқли рақамларини (афсуски, рақамлар қувонарли эмас) келтирдик. Сабаби, қуйида бу рақамларнинг юзага келишида муайян даражада ўз таъсирини ўтказган омиллардан бири — фабрикада прогрессив метод бўйича ишлаётган коллективлардаги аҳвол, уларга кўрсатилаётган инженерлик хизмати таъминоти, партиявий раҳбарлик ҳусусида фикр юритилади.

Бригада методини жорий этиш тартибига кўра, 1986 йилда сафига 496 киши бирлаштирилган 14 та бригада ташкил этилиб, янги усулда ишловчилар сонини (умумфабрика ишчилари сонига нисбатан) 45 процентдан 80 процентга етказиш белгиланган эди. Амалда эса бундай усул билан ишлашга 6 та бригадага бириккан 113 киши жалб этилди, холос.

Агар илгор усул тўла амалга оширилганда, шубҳасиз, пардозлаш фабрикаси коллективи олдида турган қатор муаммолар, биринчи навбатда, ишчилар кўнимсизлигининг камайишига, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини яхшилашга замин яратилган бўларди. Хўш, режалар нимага асосланиб тузилди-ю, нега энди уни бажаришнинг имкони бўлмади?

— Графикка кўра газламага гул бошиш цехи ишчиларини прогрессив методга жалб этиш белгиланган эди, — дейди фабрика партия комитети секретари Ф. С. Сеницина. — Лекин, кутилган натижага эришилмади. Бу цехнинг ишлаб чиқариш характери бригада методини жорий этишга бошқача ёндошишни талаб қилади. Масалан, тўкув цехларидан битта комплекта битта, кўп бўлса иккита ассортиментдаги газлама тўкилади. Бизда эса гул бошиш машинасида ой давомида 8—10 ассортиментдаги газламага ишлов берилади. Айни вақтда бир тур газламага 1—2 рангли гул боислса, бошқа тур газламага 5—6 рангли гул боисилади. Бундан ташқари, ишчиларнинг малака даражаси, тажрибаси каби жуда кўп омилларни ҳисобга олиш лозим. Коллективларда инженерлик таъминоти қониқарсиз аҳволда...

Секретарнинг жавоби бизни қониқтирмади. Тўғри, коллективларни осонгина янги ишлашга кўнантириб бўлмайди. Бунга ўта жиддий тайёргарлик кўрилиши лозим. Тайёргарлик жараёнида коллективларга инженерлик хизмати таъминоти муҳим аҳамиятга эга. Аммо, фабрикада аҳвол тамоман аксинча. Биргина мисол: цехларнинг ҳавосини янгилаб, тозалаб берувчи янги вентиляция системасини ишга тушириш йилдан йилга орқага ташланмоқда. Цехларда нормал иқлим — намлик режимини сақлаш масаласи мажлисдан мажлисга, қозғондан қозғонга кўчиб юрибди.

Ягона наряд бўйича ишляётган коллективларга инженерлик хизмати кўрсатиш шу қадар ўз ҳолига ташлаб қўйилганки, техник жиҳатдан асосланган ишлаб чиқариш нормасини ой сайин бажарувчилар 1986 йилда 1985 йилга нисбатан салкам икки ярим баробар ошди. Бу ҳол ёш ишчиларга мураббийлик қилиш, уларга амалий ёрдам беришнинг талаб даражасида эмаслиги оқибатида юзага келди.

Ўтган йили корхонага 3440 киши ишга қабул қилиниб, 3228 киши бўшаб кетди. Пардозлаш фабрикасида ҳам аҳвол яхши эмас. Умуман, пардозлаш фабрикаси кадрлар кўнимсизлиги борасида ўтган йилларга нисбатан бир қадар ижобий натижага эришган бўлса-да, у кўнимсизликда корхона бўйича «рекорди»ни ҳали ҳам сақлаб турибди. Айниқса, ягона наряд коллективларида кўнимсизлик даражаси ошиб бормоқда. 3—5 йиллик тажрибага эга бўлган ишчи моддий жиҳатдан манфаатдорлиги афзалроқ бўлган бригадада ишласа, унга меҳнат ва турмуш шароити яратиб берилса, сабабсиз иш жойини, коллективни тарк этмайди. Бу ерда ишчиларнинг кўним тополмаётганига жиддий асослар бор. Бу меҳнат ва маиший шароитлардан қониқмаслик, раҳбарлар, мураббийлар, партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг ғамхўрлиги ҳис этарли даражада эмаслигидир.

Ишчиларга меҳнат ва маиший шароитлар яратиш, социалистик мусобакани ошқоравийлик асосида ташкил этишни таъминлаш, илгор тажрибаларни оммалаштириш борасида фабрика касаба союзулари комитети қандай тадбирлар кўрапти? Ягона наряд асосида ишляётган коллективлардаги аҳвол таҳлил қилиндими?

— Йўқ, ўтган йили прогрессив метод асосида ишловчи коллективлардаги аҳвол касаба союзулари комитети кенгашида муҳокама қилинмади, — дея гапни чўрт кесади фабрика касаба союзулари комитети раиси С. И. Сольц. — Бу масалани шу йилнинг ўрталарида муҳокама қилишни режалаштирганмиз.

— Шундай муҳим масалани бир ярим йилда бир марта муҳокамага қўйиш... бу муддат жуда узоқ эмасмикин?

— Ишчиларга қандай шароит яратилапти? — деган саволимизга: «Ҳеч бўлмаганда ҳордик хонаси, ишчиларимиз яшайдиган ётоқхоналарда қўнаниш-талабалар учун ошхона ташкил этилди. Устоз — шогирдлик, шогирдларнинг ўзаро мусобақаларини ташкил этганимиз, биз мусобақага оператив яқун ясалди, қоқларга амалий ёрдам кўрсатиляпти», деб аниқ, лўнда жавоб берилганда эди... Аммо, касаба союзулари раиси бундай жавоб қилолмади. Чунки, бу тадбирлар кенгаш қарорларида қайд этилганича қолверган.

«Касаба союзулари комитетлари... меҳнат-кашларни иссиқ овқат, маиший хоналар билан таъминлаш вазифасини батамом ҳал этишлари... керак. Одамлар билан, коллективлар билан ишлашда ниҳоят даражада аниқлик — тартиб ва интизом ўрнатиш асосий вазифадир. Анчагина касаба союз ташкилотларига кўпинча айнан шу нарса етишмайди», — деб таъкидлаган СССР Касаба союзуларининг XVIII съездида.

Фабрика партия ва касаба союзулари комитети прогрессив метод коллективларига раҳбарлик ҳамда ғамхўрлик қилиш борасида ўз фаолиятларини қайта қуришлари учун

вақт аллақачон етган. Масъулият ва эътибор, талабчанлик йўқлиги оқибати ўлароқ, бригада методи коллективларида меҳнат интизомини бузиш камайиш ўрнига ошиб бораётганлиги ачинарли ҳолдир. Ўтган йили бригада пудрати коллективлари аъзоларидан 182 ишчи проғул қилган. Бошқача айтганда, проғулчилар сони 1985 йилга нисбатан қарийб 25 процентга кўпайган.

Фабрика маъмурияти, партия, касаба союз комитети бу ердаги аҳволни ўнглаш, биринчи навбатда ўз фаолиятларини қайта қуришга эришсаларгина қоқоқликдан чиқиш учун мустақкам замин яратилади.

Айни вақтда шундай фикрни таъкидлаб ўтишимиз керак. Биз қоқоқликнинг ҳамма юки, оғирлиги фақат юкорида таҳлил қилинган прогрессив методга муносабатигагина боғлиқ, шуни ҳал этмас, барча ишлар ўнғланми, демоқчи эмасмиз. Қоқоқликни келтириб чиқараётган омиллар анчагина — булар техникани, технологияни янгилаш, фабрикани таъмирлаш, иш жойларини аттестациядан ўтказишни яқунлаш ва ҳоказолардир. Бу ишларни амалга ошириш учун иш сифати ва самарадорлигини юксалтириш, яъни даромад олишни таъминлаш зарур. Бунга эса прогрессив метод ва ҳўжалик ҳисобида ишляётган коллективларга инженерлик хизматини, партивий раҳбарликни яхшилаш орқалигина эришиладики, шу боисдан ҳам биз асосий эътиборни масаланинг шу томонига қаратдик.

Ҳабибулло САЙДУЛЛАЕВ,

кўп тиражли «Тўқимачилар овози» газетасининг ходими



Педиатр врач Е. Юнусметова.

Р. Шарипов фотоси

**500 ЙИЛДА
БИР МАРТА**

Нигирма етти ёшли Сэзан Холтон фарзанд кўриш мақсадида турли доридармонлар билан даволанди. Даволанишлар самараси ўлароқ, еттига эгизак дунёга келди. Врачлар зудлик билан она қорини ёриб, гўдакларни олиншга мажбур бўлдилар. Хайриятки, оқибати яхшилик билан тугаллади. Лекин 400 граммлик ўғил бола 25 минутгина яшади, холос. Қолган олти нафар — тўрт қиз ва икки ўғил маҳсус қаровоналарга жойлаштирилди ва доимий назорат остига олинди. Ҳозирги кунда чақалоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Англияда бундай ноёб ҳодиса — бирданига етти эгизак туғилиши бундан 500 йил муқаддам қайд қилинган эди.

«Ҳар бир халқ ўз тилига, ўз тарихига эга. У ўз аждодларини билишни истаydi. Бу, наҳотки, социализмга зид бўлса? Йўқ, зид эмас, албатта».

М. С. ГОРБАЧЕВ



Нуриддин МУҲИТДИНОВ

АВВАЛО, 40-йилларнинг охири ва 50-йилларнинг бошларида Ўзбекистон жамоатчилигининг Бобурга муносабати аниқлаб олиш борасидаги ишлари ҳақида айтиб ўтмоқчиман.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг номи бундан кўп вақт мукаддам жаҳон тарихидан ўрин олган: унинг адабий-бадий ижоди умумий китобхонларнинг таҳсинига сазовор; шунингдек, унинг саркардалик, давлат арбоби сифатидаги фаолияти ҳам кўпчиликка маълум.

Бобурнинг асарлари кўп мамлакатларда, кўп тилларда қайта-қайта нашр этилган; унинг ҳақида юзлаб китоблар ёзилган. Бобур ҳақида замондошлари томонидан билдирилган фикрлар, айниқса, унинг кизи Гулбадан бегимнинг «Хумоюннома» китоби фоят қимматлидир. Турли халқларга мансуб олимлар унинг таржимаи ҳолини ўрганиш билан шуғулландилар. Н. М. Карамзин ўзининг Россия тарихи бўйича ёзган илмий ишларида, Н. А. Добролюбов «Тарихга қараш ва Ост-индиянинг ҳозирги аҳволи» мақоласида унинг ҳақида сўз юритди, ўнлаб рус тарихчилари, адабиётшунослари, тилшунослари Бобур ва унинг ижоди хусусидаги таассуротларини босиб чиқардилар. Бу борада йirik шарқшунос академик В. В. Бартольднинг илмий ишлари алоҳида қимматга эгадир.

Карл Маркс ўзининг «Ҳиндистон тарихи бўйича хронологик ёзувлар (1664—1858)» асарида Бобур ва унинг шажараси тўғрисида кизиқарли фикрлар билдиради. Бобурнинг ўзи эса, рубойларидан бирида ўқинч ва пушаймон билан шундай дейди:

Толеъ йўқи жонима балониг бўлди,
Ҳар ишники айладим хатониг бўлди,
Ўз ерин кўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Е раб, нетайин, не юз каролниг бўлди.

Демак, Бобур ва унинг ижоди ҳақида турли-туман талкилар «кашф этаверш»нинг ҳожати йўқ. Бирок, шу билан бирга,

совет олимлари Бобурнинг шахсига, ижоди ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига баҳо беришда марксча-ленинча методология, коммунистик идеология асосида иш кўриб, мавзунини тадқиқ этишлари, ёритишлари ва бу масалага аниқлик киритишлари лозим. Зеро, тарихий воқеаларни марксча-ленинча методология асосида, ёшларни давримизга мос юқори ахлоқ руҳида тарбиялаш вазифаларидан келиб чиқиб, умуминсоний маънавиятнинг бебаҳо дурдоналарини муносиб баҳолаш нуқтаи назаридан ёритиш энг тўғри йўлдир.

Тўғри, урушдан кейинги йилларда бу борада айрим чекланишлар бўлганини эсдан чиқармаслик керак. Ҳақиқатан ҳам, ўша йилларда халқларнинг ўтмишидаги феодалларини, айрим шоҳлар, хонлар, амирларнинг фаолиятларини мақташнинг олдини олишга эътибор анча кучайди. Бобур эса, 1483 йили Андижонда шоҳ оиласида туғилган, 12 ёшида Фарғона водийсидаги феодал давлатга раҳбарлик қилган. У ота тарафидан — Темурнинг эвараси, она тарафидан эса — Тошкент ҳокими Юнусхоннинг неварасидир.

Бобурнинг Соҳибқирон (Темур) империясини ва темурийлар ҳокимиятини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани рост. Ўзининг шу мақсаддаги юришларида муваффақиятсизликка учраганидан сўнг, 23 ёшида ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлади ва шундан кейин бу ерга қайтиш унга насиб этмайди. У 20 йилдан кўпроқ вақт давомида Афғонистонда туриб қолади ва ўша ерда давлат арбоби, ҳарбий саркарда сифатида шаклланади. У ердан бир неча марта ҳарбий юришларида муваффақиятсизликка учраганидан сўнг, Ҳиндистонни босиб олади ва «Буюк Мўғуллар империяси»ни тузади. 1526 йил 27 апрелда ўзини шоҳ деб эълон қилади, 1530 йилнинг 26 октябрида 48 ёшида вафот этади. Дастлаб ҳарбий қўшинлари аҳоли ўртасида ғалаёнлар юз бермасин, деган мақсадда унинг ўлимини сир тутадилар. Тахтини ўгли, ворис Хумоюнга топшириб, ўзи дарвиш-қаландарларга қўшилиб кетди, деб эълон қиладилар ва яширинча Аграга дафи этадилар. Бир

қанча вақт ўтганидан сўнг унинг хокини Афғонистонга олиб борадилар ва Кобулда қайтадан дафи этадилар.

Ана шу айтилганлардан маълумки, Бобур ўзининг келиб чиқиши, тарбияланиши, бутун ҳаёти ва фаолияти билан аслзода подшолар вакили ва у феодаллару ҳоким синфлар манфаатини ҳимоя қилди. Яна, шунингдек, унинг шахсий ҳаётидаги айрим нуқталар ёшлар учун намуна бўла олмайдди. Маълумки, биз ҳозирги ҳаётимизда кўпхотинлиликка, ёши етмаган қизларни турмушга беришга қарши курашамиз. Бобур эса беш марта уйлانган, биринчи хотини Ойша бегимни бир қизи билан қўйиб юборган; Ойша бегим 17 ёшида Тошкентда бева қолган. Бобур Кобулда яна тўрт марта уйлانган. Хотинларидан бири — Маъсуда бегим туғиш пайтида вафот этади. Бобур бир вақтнинг ўзида учта хотини: Моҳим бегим, Гулруҳ бегим ва Дилдор бегим билан яшайди.

Бобур ҳаётининг ҳозирги ёшларимизга намуна бўлолмайдиган нуқталаридан яна бири унинг ичкиликка ружу қўйганлигидир. У дастлаб 24 ёшидан бошлаб майхўрликка берилади ва фақат ўлимидан икки йил аввал — оғир касаллиги пайтида ичмасликка қасамёд қилади, ичкиликни таъқиқлаш ҳақида фармон чиқаради; шу билан тайёр винолар тўқиб ташланади ёки сиркага айлантиради, саройдаги вино солинган олтин, кумуш, мис ва сопол идишлар синдирилади ёки ёритиб юборилади.

Бобур ҳаётидаги бу ва бошқа салбий нуқталарга бугунги кун нуқтаи назаридан баҳо беришимиз лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида қилган докладыда И. В. Усмонхўжаев Бобур шахсига нисбатан худди шундай ҳолисона адолатли баҳо берди.

Бобур — истиснодди шоир, олим, йиринч саркарда, узокни кўра билган давлат арбоби. Ўзбекистоннинг ижтимоий, илмий ва адабий намояндалари қардош республикалардаги, Москвадаги ва қўшни мамлакатлардаги ҳамкасбалари билан ҳамкорликда Бобурнинг Ўзбекистон ССР, Советлар Итти-



Жавоҳарлал Неру Н. А. Муҳитдинов билан. Деҳли, 1959 й.

фоки ҳамда бутун дунё тарихидаги муносиб ўрнини белгилаб олишга, ўз улуг ҳамюртларининг ижодини кенгроқ оммалаштиришга бурчлидирлар.

Менинг Бобурга қизиқишим болалигимда унинг ҳақида отам ва бувамдан эшитганим ривоятлардан бошланган; ўша пайтларда унинг бобоси Юнусхон мақбарасини бир неча бор кўрдим. 1947 йили биринчи марта ва шундан кейин кўп бора Андижонда, Ахсида, Бобурнинг дунёга келиши ва болалиги билан алоқадор бошқа жойларда бўлдим. 1949 йили унинг машҳур асари «Бобурнома»ни ўқиб чиқдим. 1950 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пропаганда ва агитация бўйича секретари бўлганимдан бошлаб бошқа ўртоқлар билан ҳамкорликда Бобурга алоқадор тадбирларнинг ҳаммасида иштирок этдим.

1954 йили Ҳиндистон бosh министри Жавоҳарлал Неру ўз қизи Индира Ганди ва асраб олган ўғли Муҳаммад Юнус билан биргаликда СССРга ташриф буюрди. Ўша вақтларда СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаётган В. В. Кузнецов ва мен уларга ҳамроҳ бўлдик. Биргаликда Самарқандга бордик. Неру

барча қадимий обидаларга, янги иншоотларга алоҳида қизиқиш ва иштиёқ билан тикиларди. Тушликдан кейин борда айланиб юрганимизда, унинг Бобур ҳақидаги фикрлари билан кизиқдим. У олим, сиёсатдон сифатида ўз Ватанининг тарихини жуда яхши биларди. Менинг саволим, чамаси, унга ёкиб тушди. Ўша суҳбатимизнинг мазмунини келтириб ўтаман. Гарчи суҳбатдошимнинг сўзларини тирноққа олиб баён этаётган бўлсам-да, ўша пайтларда тўла ёзиб олмаганим учун, хотирам бўйича қайд этмоқдаман.

Неру шундай деди:

«Ўзбек халқи — қадимий ва донишманд халқлардан бири. Бу халқ умуминсоний маданият тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган. Унинг адабиёт ва санъат, фан ва ишлаб чиқариш тараққиётига қўшган ҳиссаси аynиқса каттадир. Ўзбек халқининг мўъжизакор ижоди — Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги ёдгорликлар шундан далолат беради. Ўзбекистоннинг энг қадимий даврлардан ҳозиргача ўсиб етишган улуг фарзандлари сафида Бобур ўзининг муносиб ўрнига эга. Уни бизнинг Ҳиндистонда ҳам ҳурмат билан тилга оладилар. Унинг ўзи адабиёт, санъат ва фан билан шугулланди, бу борадаги тараққиётга рағбат билдирди.

Унинг ана шу соҳалардаги асарлари ҳали-гача ўз қадр-қимматига эга.

Шунингдек, — дея давом этди Неру, — бизда унинг хизматларини ҳурмат қилиш ва қадрлаш билан бирга фаолиятидаги қоронғи томонларни ҳам эсдан чиқармайдилар».

Неру бир оз жимликдан сўнг гапини давом эттирди:

«Масалан, унинг динга муносабатини олайлик. Ҳиндистон — юзлаб тилларда сўзлашувчи, ҳар қайсиси ўз тарихига, маданиятига, анъаналарига эга бўлган турли элатларга, қабилаларга мансуб кўп миллионли аҳоли яшайдиган тигиз мамлакат бўлибгина қолмасдан, у турли диний эътиқодли кишилар мамлақати ҳамдир. Бобурнинг ўзи «Бобурнома»сида ўз кўшинларини ислом лашкарлари деб атайти ва ўз юришларини Муҳаммад пайғамбарнинг яшил байроғи остида амалга оширади. Ҳиндистонда эса, авваллари ҳам, ҳозир ҳам, мусулмонлардан ташқари, индуслар, бутпарастлар, жайнистлар яшайдилар, бирмунча христианлар ҳам бор. Бобурнинг кўшин бошлиқлари бошқа эътиқоддагилар билан шафқатсиз муносабатда бўлдилар. Шундай воқеалар ҳам бўлганки, бутун-

бутун қишлоқларда исломни мажбуран қабул эттиришга уринганлар, акс ҳолда аҳоли қиргин қилинган.

Ҳиндистонда қадимий даврлардан буён ёзувликка қарши турмаслик гоёси ривожланиб келган, яъни босқинчиликнинг қонли формаларини, ҳарбий асирларга ва аҳолига шафқатсиз муносабатда бўлишни қўллаганларни Ҳиндистонда номард кишилар ҳисоблаганлар. Бобурнинг амрлари, беклари, султонлари эса, худди шундай шафқатсизлик ҳаракатларини кенг қўллаганлар, ҳатто асирларнинг, шу жумладан, князларнинг, амалдорларнинг, руҳонийларнинг ва бошқа ҳурматли кишиларнинг бошларини кесганлар ва уларнинг бошларидан миноралар ясаганлар».

Мен бу гапларнинг тарихий ҳақиқат эканлигига қаноат ҳосил қилдим ва биз ҳақоратимизнинг босқинчилик уруши олиб борганлигини оқлаётмайми. Юқорида келтирилган рубоийдан кўриниб турибдики, бундай шафқатсизлик учун Бобурнинг ўзи ҳам ўзини кечиролмаган.

Неру менинг фикримни эшитганидан кейин шундай деди:

«Бирок, шундай бўлса ҳам, бизнинг Ҳиндистонда ҳеч қим унинг қадр-қимматини ва тарихдаги ўрнини қамситганини истамайди, менинг ўзим эса, Бобур ҳақидаги фикримни аллақачон «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» номли китобимда ёганман».

Неру мазкур китобиди шундай деб ёзади: «Бобур дилбар шахс, Уйғонш даврининг тилик подшоҳи, жасур, урдабуррон инсон эди, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан лаззатланишни хуш кўрарди...» (Жавоҳарлал Нерунинг мазкур китоби 1954 йили рус тилига таржима қилинган ва 1955 йили Москвада босилиб чиққан. Бобур ҳақида китобнинг 371—372 саҳифаларида эслатиб ўтилган).

Неру билан бўлган суҳбатимизга қайтамиз. У яна сўзини давом эттириб, шундай деди:

«Бизнинг мамлакатимизда Ҳиндистон давлати бошида бўлган бобурийларнинг олти авлоди орасида Акбарни катта ҳурмат ва қадр-қимматга эга деб биладилар. Бобур давлат тузди, бироқ уни фақат беш йилгина бошқарди. Уша йиллар ҳам бўйсунмаганлар билан курашларга тўла эди. Шу сабабли унинг ҳокимияти бир неча ўз вилоятдан тахминан 30 тасигагина тарқалган эди. Акбар эса, бутун мамлакатни, Ҳиндистоннинг барча халқларини бирлаштиришни охирига етказди».

Мен ундан Бобурнинг бадий ижоди, унинг шеърини ва «Бобурнома»си хусусидаги фикрларини сўрадим. Неру ўз жавобиди «Бобур лирикасининг кўтаринкилигини, бадий юксаклигини» таъкидлади. «Бобурнома»га келганда, — деди у, — бу асар хотира-ёзувлардан таркиб топган. Бу асарни у ўз она тилида — ўзбек тилида ёзди. Табиийки, ўша пайтларда бу асар билан фақат ўзбек тилини тушунадиганларгина таниша олди. Бобурнинг ўлимидан сўнг 40 ёки 50 йил ўтиб, унинг невараси Акбар мазкур асарни ўзбекчадан форсчага таржима қилдири, XVII асрдан бошлаб бу асар Европадаги кўпгина тилларга ўғирилди.

Гарчи, Ҳиндистон ва Ҳиндистонликлар ҳақида мулоҳазалар маҳаллий аҳолини ҳайратга солса ҳам, ҳар ҳолда, «Бобурнома» — Урта Осиё, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон мамлакатлари тарихини, маданиятини ва бошқа жиҳатларини қамраб олган йирик сиёсий, илмий асардир; унда ёрқин тилда ифодаланган қимматли маълумотлар жуда кўп».

Кейинроқ Жавоҳарлал Неру ўзининг «Жаҳон тарихига бир назар» номли уч томлик китобиди Бобур ва Акбарга алоҳида боблар бағишлайди, улар ҳақида муфассал ёзади:

«Бобур шу пайтгача ўтган маданиятли ва жозибали кишилар орасида энг етуқларидан бири эди. У мазҳабпарастлик каби

чекланишдан ва диний фанатизмдан йироқ эди — ва бу борада аждодлари сингари диний иморатларни буздиришга йўл қўймади. Бобур санъат ва адабиётга қизиқарди ва ўзи форс тилида шеърлар ёзарди. (Бу нуқтага аниқлик киритиш лозим: Бобур асосан ўзбек тилида, фақат онда-сондагина форс тилида шеърлар ёзган. — Н. М.) У гулларни ва боғларни севарди ва жазирама иссиқ Ҳиндистонда яшаркан, Урта Осиёдаги ўз ватанини тез-тез эслаб турарди. «Фарғонада гунафшалар чиройли гуллайди, — деб ёзади у ўз хотираларида, — у ерда лолакизгалдоқлар билан гуллар шунчалик кўпки...» (Дж. Неру. Взгляд на всемирную историю. Москва, 1975 г. том 2, стр. 57).

Жавоҳарлал Неруни кузатиб қўйганимиздан кейин икки кун ўтказиб Тошкентдаги шарқшуносларни, адабиётшуносларни, тарихчиларни ва бошқа олимларни таклиф этиб, уларга Неру билан бўлган мулоқотим ҳақида сўзлаб бердим. Бобур ва унинг мероси хусусида, асарларини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш ва кенгроқ ёйиш борасида батафсил фикрлашдик.

Олимлардан Г. Шамсиев билан С. Мирзаев 1948 йили «Бобурнома»ни икки жилдада нашр эттирдилар. Улар «Бобурнома»нинг янги, мукаммал нашрини тайёрлашга киришдилар ва 1960 йили бу асарни йирик бир китоб ҳолида нашр эттирдилар. Таниқли тарихчи, бир қанча шарқ тилларининг билимдони М. А. Салье «Бобурнома»ни рус тилига таржима қилишга киришди. Михаил Александрович ўта камтарлиги ва меҳнатсеварлиги билан ҳаммамни ҳайратга соларди. У бир неча хил касалликдан, айниқса, оёқ оғригидан азоб чекарди. Шунга қарамастан, тинимсиз ишларди. Мен унинг истиқоматгоҳида бир неча бор бўлганман. Хоналарда китоблар қалашиб ётарди. У, кўк чой билан ўз иш қобилиятини сақлаган ҳолда, эрта тонгдан ярим кечагача ишларди. Ҳар бир бобнинг таржимасини тугатган кунни менинг хузурига келарди ёки ўз уйига таклиф қиларди-да, завқ-шавқ билан ўқиб берарди. М. А. Салье «Бобурнома»нинг таржимасини белгиланган муҳлатда тугатди, китоб рус тилида 1958 йили босилиб чиқди.

Таниқли шарқшунос олима С. Азимжонова Бобурнинг кизи Гулбадан бегимнинг «Хумоюннома»сини тайёрлади ва 1959 йили нашр эттирди. Аслида, бу олима бобуршунослик бўйича олиб борилаётган ҳамма ишларни бошқарарди. Бир қатор адабиётшунослару шоирлар Бобурнинг шеърӣ асарларини йиғиш ва тайёрлашга киришдилар. Натжида, унинг шеърини ҳам китобхоналарга етказилди.

Бобурнинг лирик асарлари таржимаси бўйича шоирлардан А. Наумов, С. Н. Иванов, Л. М. Пеньковский, Р. Д. Моран, Н. И. Гребнев, Д. И. Лукашевич ва бошқалар тинимсиз, ўз маҳоратларини ишга солиб меҳнат қилардилар. С. Азимжонова ҳамда А. Қаюмов зўр ғайрат билан ишлаб, «Бобур. Танланган асарлар» тўпламини тайёрладилар. Тўпلام 1959 йили босилиб чиқди.

Республикамизнинг бир қатор олимлари Бобурнинг шахси ва унинг тарихдаги ўрнини илмий асослаш билан шуғуллангилар. Академик В. И. Зоҳидов 1956 йили Ўзбекистон зиелиларининг биринчи съезида ва 1957 йили Бутуниттифоқ шарқшуносларининг Тошкентда бўлиб ўтган конференциясида сўзлаган нутқларини бутунлай Бобурга бағишлади.

Ёзувчи Пиримкул Қодиров кўп йиллик машаққатли ижодий меҳнатдан кейин 1980 йили Бобур ҳақида «Юлдузли туналар» номли ажайиб роман нашр эттирди. Бу истеъдодли адибининг ўз ижодий фаолиятига нисбатан айтилган мулоҳазаларни ҳисобга олади, деб ишонгимиз келади.

Рус ва совет олимлари бобуршунослик билан кўпдан бери ва ҳар томонлама шуғулланиб келадилар. Шу нарса маълум бўлдики, «Бобурнома»нинг қўлёмаси 1714 йили Бухоро шахрига келтирилган.

Бу асар рус тилига таржима қилиниб, биринчи марта 1857 йили Қозон шахрида нашр эттирилган. «Бобурнома» ана шу қўлёмалар асосида ўзбек ва араб тилларида босиб чиқарилган.

Умуман олганда, бобуршунослик билан шуғулланган олимлар анча-мунча. Масалан, Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети нашриети томонидан 1982 йили чиқарилган «Бобур» мажмуасининг иккинчи китоби сўзбошисиди Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан шуғулланган олимлардан В. В. Вартольд, А. М. Бельяницкий, А. А. Семёнов, А. Ю. Якубовский, Я. Ф. Ғуломов, Р. Н. Набиев, А. Мухторов, С. А. Азимжонова, Е. Э. Бертельс, А. Н. Болдирев, В. И. Зоҳидов, А. Н. Маляев, А. П. Қаюмов, Ҳ. С. Сулаймонов, И. В. Стеблева, А. К. Боровков, А. Н. Кононов, Х. Назарова ва бошқаларнинг номлариёқ мавзунинг актуаллигини билдиради. Шунингдек, Ҳ. Муҳаммадхўжаев ва бошқа олимлар бу мавзу билан яқиндан шуғулланмоқдалар.

Жавоҳарлал Неру билан 1954 йили биринчи учрашувдан кейин Ҳиндистонга 5 марта ташриф буюрдим ва бу мамлакатнинг Ассам штатидан бўлак барча штатларида бўлдим, бобурийлар шаҳарасининг барча авлодларига алоқадор ёдгорликларни кўрдим, хинд олимлари билан, давлат арбоблари билан, оддий одамлар билан суҳбатлашдим.

Ана шулар асосида ўзимнинг айрим мулоҳазаларини айтаб ўтмоқчиман.

Виздаги адабиётларда негидир Бобурнинг Афғонистондаги давлат арбоби сифатидаги фаолияти етарли ёритилмайдми. 1977 йили С. А. Азимжонова ўзининг «Кобулда ва Ҳиндистонда Бобур давлати» китобини нашр эттирди. Бироқ бу мавзу янада ҳар томонлама ўрганишга ва омаллаштиришга муҳтождир. Мен 1958, 1966, 1980 ва 1983 йилларда Афғонистонга сафар қилиб, Зоҳиршоҳ билан, президент Муҳаммад Довуд билан, АДР Министрлар Советининг Раиси Султон Али Кештманд билан, кўпгина афғон олимлари, министрлари, ёзувчилари билан суҳбатлашишга муяссар бўлганман. Суҳбатдошларимнинг барчалари Бобурнинг Афғонистондаги фаолиятига юқори баҳо берганлар.

Гулбадан бегим «Хумоюннома»да ёганидек, Бобур 1504 йили ўз атрофида қолган салкам икки юз чокли улосвиз ва қуролсиз одами билан Амударёни кечиб ўтади. Дарёдан кечиб ўтиш пайтида одамлар кийимларини белларига туғиб, қўлларига ҳасса ушлаб олганлар... Бобур Афғонистонда турли-туман тароққ қабилаларни бирлаштириш, марказда ва жойларда ҳокимият тузиш, шаҳарларни ободонлаштириш, ер очиб, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ишлари билан шуғуллангани, олимларга, шоирларга ҳомийлик кўрсатади, илм-фан, санъат, маданият ривожига ёрдам беради, ўз вақтига нисбатан кучли ва яхши қуролланган кўшин тузади. У Афғонистонни севарди, бу юртга боғланиб қолган эди. Ҳазилакам гапми, 48 йиллик умрининг 20 йили Афғонистонда ўтди, 18 нафар ўғил-қизининг 16 нафари Кобулда туғилди.

У Ҳиндистонга ўтгандан кейин Афғонистонга ҳукмронлик қилишни ўғиллари Хумоюн билан Комронга топширди, ўзи ҳам бу мамлакат ҳақида муттасил ўйлаб, ғамхўрлик қилиб турди. Кобул ва унинг атрофидаги воҳаларни расмий равишда «давлатга қарашли ерлар» деб ёзлон қилди. Умрининг сўнггида ўзини Кобулга дафи этишларини васият қилди. Бобурнинг бутун Афғонистон миқёсида (ўша пайтларда фақат Кобул атрофида жойлашган катта бир вилоят Афғонистон деб аталар эди) амалга оширган ишларининг изи ҳалигача ўчган эмас. Буларнинг ҳаммаси совет олимларининг афғон олимлари билан ҳамкорликда ўша даврни чуқурроқ ўрганишларини ва ёритишларини талоққа этади.

(Давоми бор)

ОЛТИНЧИ МИЛЛИОН

Биринчи миллионлар ўйнаб терилар,
Кейинги миллионлар ўйлаб терилар.
Лекин энг қийини бешинчи миллион —
Белларни, кафтларни қийнаб терилар.

Майдон қораяди, қайтмайсан биров,
Беш метрда бир оқ, ўн метрда бир оқ,
Ушани ҳам қўймай теришинг керак,
Йўқса тафтишчилар бошлайди сўроқ.

Фасл кутолмайди, келар қора қиш
Совуғини бошлаб, қиличин қайраб.
Планинг тўлмайди, планинг мудҳиш.
Сени йўқлаб турар микрофон сайраб.

Агар режанг битса, мажбурият бор —
Мажбурсан термоққа сўнг чаноқни
хам.
Аслида кўнглингда оппоқ ният бор,
Кимдир қорайтирар бор оппоқни ҳам.

План қолаверса етмай ҳадига,
Бошинга ёғилар маломат тошлар.
Сўнги тийинингга, кўрпанг қатига
Сур кўзлар, зўр кўзлар қадала бошлар.

Ҳа, дастлаб миллионни терарсан ўйнаб,
Тўртинчи миллионни терарсан ўйлаб.
Бешинчи миллионда тугайди имкон,
Сендан олти миллион қиларлар талаб.

1982 йил.



АЖНАБИЙ ХОНИМГА

Ҳа, Мурашова хоним!
Соғмисиз?
Ишларингиз жойидами?
Бориб турибсизми олис шаҳарларга
ўша аввалги сафарингиз сингари?

Хоним!
Эсингиздами?
Ўша хайрлашув зиёфатида —
Самарқанд ресторани шийпонида
бир гап айтдингиз.

Биз, дедингиз,
бу атлас совғаларингизни,
қаҳқаҳа, сафсата, говғаларингизни,
кула-кула эслаб юрамиз.

(Эслаш мумкин, аммо нега «кула-кула?»)
Бизда, дедингиз,

йигитлар бундай қилишмайди,
бир сўм йигит сарфласа
бир сўм қиз сарфлайди,
текин шароб қуйиш қаёқда?
Атлас совға қилиш қаёқда?
Йўқ, бизда бошқача дедингиз

ва кулдингиз.

Хоним!
Биласизми?
Мен истамайман сизларнинг бундай кулишингизни!
Менимча, инсонни хурматлаш керак
кўрсатган эҳтироми,
иззат-икроми учун.

Бу оддий меҳнаткаш йигитлар
ер очиб, чигит экиб,
ўстириб,

хар ғўза қошида минг бора
эгилиб,

энгашиб,
куйманиб,

яккалаб,
дорилаб,

сугориб,

то пахта пишгунча
бош букиб, тиз букиб

ишлашган,
терлашган,
хоришган,

яшашни унутиб юборишган.
Муҳташам оромлар қандай бўлишини,
қизлар билан дам олиш қандай бўлишини,
нозик беллар,

қирмизи юзлар,
мовий киприклар завки

қандай бўлишини
билишмайди улар.

Улар ўзларининг вафоли,

жафокаш,
қўллари тошдек,
20 ёшида юзлари ажинли
хотинларидан бўлак
нимани ҳам кўришипти, дейсиз?

Илтимос, Мурашова!

Бизнинг деҳқонлардан кулманг,
агар иложи бўлса.

Сизларда тартиб бошқачадир, балки.
Бизларда ҳам тартиб бошқача,

одатлар бошқача,
қарашлар бошқача.

Бизда инсонларни хурматлайдилар
кўрсатилган эҳтиром,
иззат-икром учун.

Ҳамда, хоним, ёдингизда бўлсин:
бу йигитлар

сизни, мени — ҳаммамизни
кийинтирадилар.


Бизнинг деҳқонлардан кулманг,
агар мумкин бўлса.

* * *

Қоронғилик чўкаётир денгизга.
Ботаётган куёшнинг сўнги нурларидан
уфқ узара булутлар қизариб турипти.
Қизғиш булутлар шуъласи акс этар сувларда.
Шуълалар сари силкина-силкина

бир елкан кетаётир ёп-ёлғиз,
қирғоқлардан безгандай кетаётир,
Робинзон қиссасин такрорлашга
кетаётгандай...

Эҳ, елкан, елкан!..
Билмаски, денгизга қочиб бўлмас.
Билмаски, ёлғизликда ҳеч нима йўқ.
Биз ҳаммамиз яшашга мажбурмиз
турфа хил одамлар орасида.



ХАЕЛ

Шунчаки ўлиш ярамайди энди.
Бошқача ўлишим керак
агар ўладиган бўлсам.
Янгича ўлишим керак,
Ҳисларни тарбиялаши керак

ўлимим.

Очкўзликдан қайтариши керак:
молга очкўзликдан,
дунёга очкўзликдан
ва айниқса маконга очкўзликдан,
қуролга очкўзликдан.

Шунчаки ўлсам ҳам ўламан,
янгича ўлсам ҳам ўламан.
Демак, янгича ўлишим керак
соф жамият қуриш учун
гиналардан холи
зулмлардан холи
талон-торождардан холи.
Ўлимим ҳам хизмат қилиши керак
соф жамият қуриш учун.

ХОЗИРГИ масъулиятли даврда ёш авлод, аниқроқ қилиб айтилган бўлса, XXI асрда хизмат қиладиган кадрларимиз етув ва баркамол, билимдон, ўз ишнинг мохир устаси бўлиб етишув талаб этилади. Ҳаммамизга маълумки, бу борада бирмунча ишлар қилинаёпти. Аммо, бизнингча, ҳали етарли даражада ва самарали ҳолда эмас, балки ўзибўларчилик, хотиржамлик ва моддий томонлар тўла ҳисобга олинмаган равишда қилинаёпти.

Республикаимиз пойтахтида мактаб ўқувчиларининг кимё бўйича Бутуниттифоқ олимпиадаси бўлиб ўтди. Аммо қўриқда республикаимиз ўқувчиларидан ҳаммаси бўлиб иккитасининг учинчи мукофотни олиши қаноатли ҳол эмас.

Тошкентда биринчи бор ўтказилган бу олимпиадада электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида масалалар ечиш бўйича туранглик бўлди ва бундан буён уни қўллашга қарор қилинди. Бундай тур илгариги олимпиадаларда қўлланилмаган эди.

Ўтказилган тур ҳали ўқувчиларимизнинг бир қисми ЭҲМ машиналари билан таниш эмаслигини, ҳатто уларни кўрмаганлар ҳам борлигини исботлади. Бу борада республика мактабларида ҳали қилинаётган ишлар сунт, Маориф вазирлигини бунга алоҳида эътиборга олиши керак. Ўқувчилар олимпиадасининг тажриба (экспериментал) тури Политехника институтида ва В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университети кимё факультети кафедраларида ўтказилди.

Ўқувчиларнинг асосий қисми тажриба ишларига қунт ва алоҳида қизиқиш билан қарадилар. Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан, Ўзбекистонлик ўқувчиларимизда қайта кристаллаш, моддаларни тозалаш, эриш ва қотиш температураларини аниқлаш, қуришиш, қатор органик моддалар тузилишини ҳамда формулаларини чуқур билмасликлари каби камчиликлар кўзга ташланди. Мактаб ўқитувчиларимиз бундай масалаларга жиддий аҳамият беришса, дарсларда тажрибалар намойиш қилинса ва илжои бориша кимёвий мавзуларга оид фильм ҳамда диафильмларни кўрсатишса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ўқитувчилар республика мактабларидаги истеъдодли ўқувчилар ҳисобига Тошкентда бир қатор аниқ фанлар, Кичик Академиялар мавжудлигини, буларда қатнашиш мумкинлигини мактаб талабаларига уқтириб боришлари лозим.

Кичик Академиянинг ташкил бўлганига уч йилча бўлиб қолди. Мактаб олимпиадаларида ғолиб чиққан ўқувчилар, фан сирларини чуқур билишни истаган ва унинг чуққиларини эгаллашни истаган ёшларимиз аъзоликка қабул қилинадилар. Зукко ва билимдон ўқувчиларимиз йилгига уч марта сессияга йнгилиб, беш кун давомида мактаб-интернатларда ўқийдилар, масалалар ечиб, машқ қиладилар.

Шу куннинг муаммолари

ЁШЛАР ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Ажратилган вақт ичида ўқувчилар билимларини чуқурлаштирадилар, олимлар, педагоглар, илмий ходимлар билан мулоқотда бўлган ҳолда кўп нарсаларни ўрганиб, уйларига қайтадилар. Масалан, Политехника институтининг умумий кимё кафедраси қошида 7-синф ўқувчиларидан ташкил топган Ёш кимёгарлар клуби аъзолари ҳам Кичик Академияга қабул қилиниши мумкин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган қатор қарорлар мамлакатимизда олий ўқув юртлири ишини тубдан яхшилашни кўзда тутади. Бу борада барча олий ўқув юртлиридаги сингари Политехника институтида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кафедралар ўз иш планларини қайта кўриб чиқдилар. Айниқса, махсус кафедралар бирмунча амалий ишлар қилинди. Қатор сановат бирлашма ва корхоналарида кафедраларимиз филиаллари ташкил қилиниб, дарсларнинг маълум қисми ўша жойларда олиб борилмоқда. Йирик инженерлар, мутахассислар институт ўқитувчи-профессорлари билан бир қаторда бўлажак инженерларга дарс беришмоқда. Юқори курс студентлари ўқишни иш билан қўшиб олиб бориб, муайян ихтисосликларни эгалламоқдалар. Тошкент ёғочни қайта ишлаш, Чирчиқ электрокимё комбинати, Ўзбекистон маиший пластик буюмлари илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тректор

заводи ва бошқа корхоналарда студентлар ўқишларини иш билан қўшиб олиб бормоқдалар. Янги ўқув йилидан бошлаб ҳафталик ўқиш ҳажми 24—28 соатни ташкил этиб, қолган вақтлар иш ёки мустақил ўқишга сарфланиши кўзда тутилади. Ўйлаймики, бу ишлар олий ўқув юртлирининг сановат корхоналари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, талабаларнинг ишчилар орасида кўпроқ бўлиб, технологик жараёнларни чуқурроқ англаб олишлари ҳамда мустақил ишлашларига замин яратди. Ўқувчиларимизнинг бир-икки йил давомида сановат корхоналарида стажировка ўташларига имкон яратилиши ҳам бу ишларнинг амалга ошувида ўзининг самарасини беради. Ҳозирги долзарб кунларда бизни бир нарса ташвишлантиради. У ҳам бўлса, қайта қуришни ҳисобга олувчи дарслик ва ўқув қўлланмалари. Беш йиллик режалари тузилиб, алақачонлар тасдиқлиниб кетган. Янги планлар тузилиб, дарсликлар ёзилгунча, анча вақтлар ўтиб кетмасмикан? Афсуски, давр талабларига жавоб бера оладиган сермазmun дарслик ва ўқув қўлланмалари кам ёзилаяпти. Яна бир бор афсуски, бу борада мақтанарли бир нарса ҳам қилинган йўқ. Аналитик кимё, биоорганик кимё, биокимё, экология ва шу каби бошқа соҳаларда китоблар яратиш долзарб масалалардан бўлиб турибди.

Олий мактабни қайта қуриш бўйича эълон қилинган қарорларда аспирантурага катта ўрин берилган. Аспирантура билан

бир қаторда юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда докторантура ҳам очилди. Бу тадбирлар ҳам кадрлар сифатини яхшилашни кўзда тутади. Лекин кейинги йилларда ёшлар ўртасида аспирантурада ўқиш, яъни илмнинг «қудугини» нина билан қазишга иштиёқ нисбатан пайсаянглигини кўпчилик билади. Бунинг сабабларига тўхталиб ўтирмасак ҳам бўлади. Олий таълимни қайта қуриш программасида бу масалага катта ўрин берилганлигини мамнуният билан қайд қилган ҳолда аспирантлар моддий шарт-шароитларининг яхшилануви, маошининг кўпайиши ва бошқа энгилликларнинг тугилиши ёшларда аспирантурага қизиқишни кучайтиради, деб умид қилишга имкон беради. Урни келганда, бир масалани кўпчилик ҳаволисига ташлашни истардик. У ҳам бўлса, ерли миллат ёшларининг чет тилларни ўқишдан озод қилиниши ёки яхши ўқитилмаслиги оқибатида кандидатлик минимуми ҳамда кириш имтиҳонлари топириш пайтида анча қийинчиликлар туғилмоқда. Бу муаммони Олий таълим вазирлиги ўйлаб кўриб, қоникарли ҳал қилса, фойдалан холи бўлмасди.

Республикаимиз олимларининг дунёга маълум ва машҳур ишларини яратишда чет тилларнинг роли муҳим оқанлиги шубҳасиздир. Академик М. С. Юнсовнинг ўсимликлардан ажратиб олиб, медицинага татбиқ этган аллопинин номили препарати юракнинг норитмик урушини яхшилашда энг самарали дори-дармон эканлиги эътиборга моликдир. Академик Е. Чазов бу препаратни «теги Йўқ дори» деб таърифлагани бежиз эмас, албатта. Республика Фанлар академияси академиги К. Зуфаров бошчилигидаги бир гуруҳ олимларнинг она сутининг болалар ошқозонидидагина эмас, балки буйрағида ҳам ҳазм бўлиши давом этишини аниқлашлари катта аҳамиятга эга бўлди. Академик Ғ. Мавлонов бошчилигидаги олимларимизнинг ер қимирлаш олдидан ер ости сувларида радон миклдори ортиши, профессор Н. Дехқонхўжаевнинг ламбдиоз касаллигининг келиб чиқиш сабабини аниқлаш каби кашфиётлари фанимизни бойитди. Чет тилларда эълон қилинаётган ишларни оригиналда ўқинмай ёки танишмасдан туриб, бундай катта кашфиётларни амалга ошириш мумкин бўлмас керак.

Мактабда ва олий ўқув юртида ўқувчи-студентлар қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилинмас, айна муддао бўларди. Бу масалага жиддийроқ қараш керак. Мана, қардош Тожикистонда ўтган йили студентлар қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилинмадилар. Бизда ҳам шундай қилинса, беш йил давомида машғулот муддати 5—6 ой ортади. Бу ўқув-ўқитиш савиясини ошириш учун катта имкониятдир.



Доцент Муршида Одилова химиядан машғулот ўтказаяптир.

К. Аҳмеров фотоси.

Мирхожи АСҚАРОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси
Қудратилла АҲМЕРОВ,
Тошкент Политехника институти
умумий кимё кафедрасининг
муддир, профессор

БАНГИЛИКНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
ЎзССР прокурори ёрдамчиси,
катта юстиция маслаҳатчиси

Шанба кунни эди. Олим дўстлари хузурга келади. Улар беш киши, битта ёш жувон ҳам улар билан бирга эди. Улар чақчақлашардилар. Столда эса на ароқ, на вино — ҳеч қандай ичимлик йўқ.

— Утдан тайёрланган мана бу «беозор» доридан сен ҳам татиб кўр, кувнаб ўтирасан, — деган таклифга Олим ҳеч қандай эътирозсиз рози бўлди. Ёш жувоннинг илтимоси билан қон томирига қилинган ва қонига юборилган, «беозор» доридан хузурланиб, ширакайф бўлган Олим бир зумда жуда очилди ҳам кетди. Уйига ўта хурсанд қайтган Олим эрта-лабгача шундай ширин ухладикни, гўё «жаннат»да ётгандек туюлди. У эртасига «дўстлари»ни ўзи излаб топди. Бу ҳол ҳам хафта сурункасига давом этди. Энди у ёш жувоннинг ёниб турган кўзларисиз ва унинг ёрдамисиз, уйда ўзига-ўзи «олов» юбораверадиган бўлиб қолди. Ҳатто унинг «маза»сидан ишга ҳам бормайдиган, бировлар билан гаплашмайдиган, онаси билан энди бирга тушда ҳам, кечда ҳам овқатланмайдиган, соатлаб ваннахонани бекитиб ўтирадиган одат чиқарди. Бу аҳвол бир ой давом этди. Ишга бормаётганлигини ҳеч ким тергамади. Она ҳайрон, лекин сабабини аниқлашга негадир ҳаракат қилмасди. Боласининг ёлгон сўзларига ишониб қўяқоларди.

Шу алфозда кунлар ўтаверди. Ниҳоят, Олим руҳий беморлар касалхонасига тушди. Ҳар кунни нечта беморни кўрадиган врачлар ҳам уни кузатишиб ёқа ушлашди. Унинг баданида игна тегмаган жой қолмаганди. Ҳатто товон ҳам тилиб ташланган ва натижада касал юктирилган эди...

Сўхбат чоғида Олим қандай қилиб ўзининг бундай аҳволга тушганини яхши эслолди. Гиёҳвандликка олиб барча китобларни ўқиганини ва энди тушуниб афсусланганини, бу «беозор» дорига ўргатганларни, уни сотадиганларни жазолаш кераклигини айтди. Ахир, 25 ёшлардаги бу йигит Тошкентдаги йирик бир корхонада етук мутахассис бўлиб ишларди. Уч хонали шинам хонадонда она-бола турарди. Уч ой ичида мана шу аҳволга тушиб қолди.

Ҳўш, одамларни шундай оғир аҳволга солиб қўядиган наркотик моддаларнинг ўзи нима? Улар қаердан олинади?

Наркотик моддаларнинг кенг тарқалганларидан бири афюн — таракдир. Тарак — кўкнор ўсимлигининг гунчаси пишиб этилиши арафасида унинг ёнлари юпка кесилиб, оқадиган ширасидан тўпланадиган модда.

Тарак — афюн истеъмол қилинганда дастлаб ёқимли хис, организмда бўшаниш, ҳордиқ олиб лаззатланишга ўхшаш сезги пайдо бўлади. Ҳунчадан олинган тарак шираси кўнғир рангли, нам ер хидига ўхшаган иси сезилади. Таъми аччиқ. Ендирилганда ёруғ алағна чиқариб ёнади ва ёқимли оқ рангли тутун ажратилади.

Тарак таркибида морфий, наркотик, кодеин, папаверин, табанин каби 20 га яқин алколюидлар мавжуд. Шунингдек, таркибида смола, шакар, органик кислоталар, ёғ, оксил кабилар ҳам бор.

Табобатда 1976 йилга қадар оғрикни бо-

садиган дорилар таркибида тарак кукуни, унинг алколюид ва галоген препаратлари ишлатилиб келинган. Ҳозир медицинада ишлатилмайди. Лекин амалда жинойтчилар қўлида учраб туради.

Иккинчи бир кенг тармоқ отган наркотик модда морфий деб аталади. Морфий — афюннинг асосий алколюидидир. У афюндан кимёвий йўл билан ажратиб олинади. Табобатда морфиннинг хлорид тузи — морфий ишлатилади. Морфий майин, баъзан игна-симон кристаллардан иборат оқ кукун шаклида бўлади. У сувда, айниқас спиртда тез эрийди. Морфий оғрик қолдирувчи кучли наркотик моддалар туркумига кириди. У табобатда, асосан марказий нерв системасига таъсир этишда қўлланилиб, оғрик сезгисини камайтириш, нафас, йўтал ва қусиш марказлари фаолиятини сусайтириш, адашган ҳамда кўзни ҳаракатлантирувчи нервлар марказини қўзғатиш лозим пайтларда кам миқдорда ва эҳтиёткорлик билан қўлланилади.

Морфийнинг хавфи шундаки, уни бир неча марта ўзбошимчилик билан қабул қилинганда, киши унга ўрганиб қолиши мумкин. Медицинада, лозим топилганда, операциялардан сўнг, қаттиқ оғрикларни босишда, рақ касалиги, оғир жароҳат, миокард инфаркти, оғир кўчувчи невралгия, баъзан юрак астмаси ва ўпка шишган пайтларида жуда кам миқдорда ампулаларда чиқарилгандан фойдаланилади. Айрим ҳолларда морфий кукуни бошқа моддаларга аралаштириб ичирилиши ҳам мумкин. Одатда ёш болаларга бу тартиб тавсия этилмайди.

Морфий (морфий) ёки афюн истеъмол қилишга ўрганиб қолиш бангилик хилларидан биридир. Врач руҳсатсиз ва кўпроқ миқдорда бу моддани оғрикни қолдириш учун бир неча бор қўлланилганда, одам организмда ўрганиш бошланиб, истеъмол этишга мойиллик туғилади. Оқибат организмни ҳалок қилишгача олиб келадиган талаб кучаяди. Киши руҳияти бузилади, баъзан талаб пайдо бўлиши биланоқ бадан тириша бошлайди, тинка қуриydi, юрак-томир, меъда-ичак ва жинсий аъзолар фаолияти, организмда моддалар алмашинувида кескин ўзгариш сезилади. Вақтида организмга морфин етказиб берилмаса, уйқусизлик бошланади, кўзи илниниши билан ҳар хил кўрчинчи тушлар кўради, қўрқув босади, мушакларда қаттиқ оғриклар пайдо бўлади, юрак уриши тежалашади, ҳатто тез-тез хушидан кетиб қолади. Ҳозирги замон табобати бу дардни тўлиқ даволай олади.

Махфират Л. бир касалхонада катта медицина ҳамшираси бўлиб ишлаб юриб, касалларга қаттиқ оғрикни босадиган укол қилган. Лекин касалларнинг оғриги босилмаган. Врачлар ҳам безовталана бошлаганлар. Текшириб кўришса, ҳамшира бир неча наркоманларга «ҳамроҳ» экан ва «ҳожатбарорлик» қилиб наркотикли ампулалардан 500 дан ортинги ўғирлаган ва пуллаб юборган экан. Касалларга эса...«укол» қиларкан. Бу жинойтда икки болали аёлга нисбатан суд ҳеч қандай енгиллаштирувчи ҳолат тополмади. Махфират Л. узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Нуриддин Р. Киров район халқ судида ўзини меҳнат ахлоқ тузагиш муассасасига юбормасдан, шартли жазо беришларини сўраб, талаб қўяди. 27 ёшли, ўрта маълумотли, ҳеч қаерда ишламай кун кечираётган Нуриддин Р. ўз манфаати деб ўзгаларни касалликка дучор қилганлиги, тўғрироғи, шу доридек деб турли гуноҳларга қўл уришга бошқаларни мажбур этгани учун Киров район халқ судида адолатли жазоланди. Ёки 23 ёшга кирган Александр К.ни олайлик. Бу анча тажрибали йигит: 15 ёшидаёқ наставандлиги учун қамалган эди. Лекин у бундан тегишли хулоса чиқармади. «Ёски» қилиқларини қилaveraди. 1986 йилда икки марта — бир гал 57,7 грамм, иккинчи марта 10 грамм наша билан қўлга тушди. Чилонзор район халқ суди бу қилмишлари учун уни уч йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Геннадий Н. ҳам наставандликда устаси фаранг чиқиб қолди. У 1980 йилнинг август ойида Жиззах областида командировка пайтида наша ўсимлигиндан териб келди ва сотиш мақсадида уйда ундан наша тайёрлайди. Жами 1184 грамм бўлган нашанинг 384 граммини 62 пакетга жойлайди. Қолган 800 граммни пакетга жойлашга улгуролмайди. Наша чекиб «кайф» қилиб олган эр ўтган йил 25 сентябрь кунни хотини билан жанжаллашиб қолади. Хотини милиция қақиради. Шунда у шошиб барча нашаларни уйининг ертўласига яширади. Милиция ходимлари бунни билиб қолишади ва дорилар текшириб қаралганда, наша ўсимлигини майдалаб тайёрланган гиёҳ эканлиги ва унда тетрагидроканнабинал борлиги аниқланади. Акмал Икромов район халқ суди уни 3 ярим йилга озодликдан маҳрум қилди.

Жиддий камчиликлар медицина муассасаларида ва дорипунослар фаолиятида аниқланди. Масалан, фақат Тошкент медицина институтига қарашли тиббиёт тармоқларида наркотик ҳисобланган дориларни сақлаш ва фойдаланишда йўл қўйилган жиддий нуқсонлар оқибатида 1500 дан ортик наркотик ампулалар ўғирланган. Бу қанчадан-қанча одамларни йўлдан урди, заҳарлади, ҳаётига хавф солди, жинойтга йўллади, деган гапдир. Лекин, қонунга хилоф равишда наркотик моддаларни экиб етиштирувчилар ҳам учрайди. Чунончи, 1987 йилда амалга оширилган тадбирлардан бирида Тошкент шаҳрининг нақ бикинида, Қалинин район «Хасково» совхозида 23 сотих ерда туркираб ўсиб ётган кўкноризорга дуч келинди. Ер шу совхозда бригада бошлиғи бўлиб ишловчи С. Содиқов деган шахсга қарашли экан. Самарқанд область К. Маркеномли колхозда яшовчи Т. Қурбонов эса, ўз томорқасининг бир қисмига наша экади. Андижон област Ленин номли колхоз аъзоси Т. Султонов ҳовлисида бир ярим сотих кўкноризор яшнаб турган...

1987 йилнинг беш ойи ичида Ўзбекистоннинг турли районларида 33 гектар ерда экилган наркотик ўсимликлар аниқланди, йўқ қилиб ташланди. Бу ишда кейинги пайтда ҳаво техникасидан кенг фойдаланилапти.

Юкоридан эса ҳамма нарса қафдек кўри-ниши маълум. Кўм-кўк кўкнори ва наша пайкаллари яққол кўзга ташланиб қолади. Сурхондарё областининг Боботоғ тизмалари оралигида, Нурота тоғлари, Зарафшон во-диши ва Қизилқум кенгликларидан кўндан-кўп гиёҳвандлик моддалари берувчи ўсим-ликлар ва уни экувчиларнинг жиноий хатти-ҳаракатларини фош этишга эришилиди.

Тахминларга кўра, мана шу майдонлар-дан олинган наркотик ҳосил камида икки юз минг кишининг ҳаётини захарлашга етар экан.

Қозғистон республикаси территорияси-даги Чу водийсида жуда катта территория-да наша ўсимлиги ёввойи ҳолда ўсиб ётиши илгаридан маълум. Бир қанча ҳалол ме-ҳнатдан қочган одамлар техникхўрлик йўли-ни ахтариб, шу водий атрофида ўралашиб қолади. Турли йўллар билан нашани «ха-ридор»ларга пуллаш аэвазига мўмай пулга эга бўладилар. Бу иш айримларнинг кунда-лик касбига айланади, ёш — воғга етмаган-ларни ҳам бу ишга жалб қиладилар. Қозғи-стон Ички ишлар министрилигининг тегиш-ли хизматчилари томонидан кўлга олинган Абиш В. ва Серёжа Т. каби ўндан ортиқ 13—17 яшар болалар катталарининг, шу жумладан, ота-акаларининг топшириғи билан наркотик ўсимликларни йиғиб кетаёт-ганлиги аниқланди. Чу водийсида даромад манбаи сифатида фойдаланишга ружув қил-ган «заҳар сочар»лардан А. Колесников, М. Костилев каби бир қатор шахслар ушланди. Улар «заҳар» ҳисобига енгил автомаши-налар, қимматбаҳо буюмлар ва минг-минг-лаб пуллари кўлга киритганлар. Айрим манбаларда айтилишича, 1986 йил декабрь ойида Олмаота шаҳрида тўполон кўтарган безориларнинг кўпчилиги наркотизм таъси-рида ярим телба ҳолда бўлганлар.

1987 йил бошларида Ленинград шаҳар тергов идоралари томонидан бир гуруҳ гиёҳ-вандлар кўлга олинди. Ушланганлар нар-котик моддаларни қаердан ва кимдан олган-ликларини яширишга уринадилар, «таъми-нот манбаи»ни асраб қолишга интиладилар. Лекин уларнинг ўйлагани бўлмади. Таш-кент, Олмаота, Фрунзе шаҳарлари маъму-рий идоралари ва жамоатчилик ёрдамида гиёҳвандлар гуруҳи кўлга олинди. Улар-нинг сони 43 киши экан. Тадбирлар натижа-сида 50 килограммдан ошқ тайёрланган наша, бир неча минглаб пул, ҳатто қонунсиз сақланаётган бир қанча ўқотар қуроллар олинди. Ҳозирги кунда «наркомания ўчо-ғи» деб аталаётган Чу водийсида ёввойи ҳолда ўсиб ётган кўкнор ўсимликларини йўқотиш, бангилик йўлини тўсиш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Текширишлар шунинг тасдиқладики, Хо-разм область Хазорасп район Жданов номли колхоз бригадари Р. Йўлдошев, Урганч район Ленин номли колхоз граждандан му-дофааи штаби бошлиғи С. Бобоназаров, Қар-ши район Шредер номли совхоз бўлим бош-қарувчиси С. Раҳматуллаев ва бошқалар (бу рўйхатни тўлдириш мумкин) бир неча йиллар давомида, бутун жамоатчилик кўзи олдида ўзларига ажратилган ер майдонла-рида наркотик ўсимликлари экишиб, «заҳар тарқатиш» ҳисобига текин бойлик тўплаб келганлар. Уларни «жилов»лайдиган мард топилмаган. Тергов идоралари бу ишларга «тегишли нуқта» қўйди...

Наркотикфурушлик — техникхўрлик билан кун кўриш, қонунсиз бойлик ортириш-дир. Бу жиноятлар амалда жуда ниҳоблан-ган ҳолда, жиноий гуруҳ аъзоларининг алдаш ва куч ишлатиш, қўрқитиш, ҳаётига тажовуз қилиш шаклларида содир этила-ди.

Судланувчи Г. Алиев бир неча марта са-молётда наркотик моддаларни ёш қизлар орқали шерикларига жўнатади. Уларга пул ва буюмлар сотиб олиб бериб, бу ишга кўн-диради. Кейинроқ қизлар рад жавоби бе-ришганда, уларни турли уйдирмалар билан қўрқитади, шарманда қилиш мумкин бўл-ган материалларни рўқач қиладди ва топши-

риқларининг бекаму-кўст бажарилишига бўйсундиради.

СССРда 1986 йил охирида рўйхатда турган наркоманлар сони 46 мингга ташкил қила-ди. Булар медиклар томонидан касал деб расмий тан олинганлари, холос. Яна қанча ҳисобга тушмаганлари мавжудлиги ҳам сир эмас. 1984 йилда ҳали наркомания каса-лига чалинган гиёҳвандлар 75 минг киши-ни ташкил қилган бўлса, 1987 йил бошига келиб, бу рақам 123 мингга етди. Шулар-дан 14 мингтаси эса, ҳали балоғат ёшига ҳам етмаганлар эди. Албатта бу рақамларни абсолют — аниқ дейиш қийин. Лекин кўп-роқ бўлса борки, кам эмас.

Бундай салбий ҳодисаларнинг жамияти-мизда содир бўлишига сабаб нима? Маълум-ки, капиталистик мамлакатларда наркоман-иянинг илдиз отишига турли сабаблар бор. Зеро, бизнинг мамлакатимизда наркомания-нинг тугилишига бирор бир ижтимоий асос йўқ. Шундай экан, қандай қилиб бу аҳволга тушиб қолдик? Бугунги кунга келиб бу ма-сала муаммо бўлиб қолишининг сабаблари йўқ эмас. Лекин, жамиятимизда бундай иллатлар бўлмаслиги керак, деган яхши ниятда бундай ҳолатлар яшириб келинди, кенг жамоатчиликдан сир тугилди. Ваҳо-ланки, 60—70-йиллар жамиятимизда содир бўлган камчилик ва хатолар, табиийки, бу соҳага ҳам тегишлидир. Кўп нарсани бор қилиб кўрсатиш, бандларвозлик, танта-навозлик ва бошқа иллатлар сўз билан иш ўртасида катта ажралишга олиб келди. Кам меҳнат қилиб кўп пул топишга интилиш, ўз манфаатини халқ, жамият манфаатидан устун қўйиш кучайди, ичкиликбозлик авж олди. Булар ёшлар тарбиясида ўз салбий изини қолдирди. Ёшларнинг бир қисми эса, капитал ҳукмрон бўлган мамлакатларнинг турмуш тарзидан андоза олдилар, уларнинг кийимидан тортиб, музикасигача сажда қила бошладилар. Қомсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари эса бу ҳолни кўра туриб, ўзларини кўрмаганга олдилар. Ана шу хато ва камчиликлар ўсмирлар, ёшлар ўрта-сида турли салбий ҳолатларнинг вужудга келишига олиб келди. Ичкиликбозлик, гиёҳ-вандлик, токсоманлик ривожланди. Ёшлар ўртасида бундай кайфиятларнинг пайдо бўлиши ва ўсишида ўтмишдан сарқит сифа-тида сақланиб қолган шахсиятпарастлик, хусусий мулкчилик тузюгига илинган айрим тутуриги йўқ шахслар раҳнамолик ролини ўйнади. Буни 80-йилларнинг биринчи ярми-да республикамизда фош қилинган Ш. Қур-ратов, Х. Холиқов, А. Музаффаров, А. Қари-мов, Ҳ. Яхёев, А. Одиллов, М. Худойберга-нов ва бошқа порахўрлар, «мулк шайдо-лари»нинг ишлари тасдиқлади. Маълумки, буржуа мамлакатларида бойлик ортириш-нинг «бизнес» орқали амалга ошириладиган йўли ривожланган. Бизнеснинг турларидан бири — бу наркотик савдо ҳисобланади. Бизга ҳам ярим ўтмишдан ўтган, ярим бу-гунги кунда четдан кириб келадиган мана шу бойлик издан қувиш, текинга, мўмай пул топишга интилиш наркоманиянинг тар-қалишига сабаб бўлаётти, десак хато қил-маймиз.

Назаримда, яна бир сабаб бу — ўқиш, ўрганиш, таълим-тарбиянинг ҳамма жараён-ларни тўла қамраб ололмаганлигидадир.

Қонунбузарликка йўл қўймаслик, жа-миятни жиноятчилик ва жиноятчилардан тамомила соқит қилишнинг бош мезони олдини олишдир. Олдини олишнинг муҳим қирраларидан бири эса — ошқоралик. Ҳар бир қонунга хилоф ҳаракат, сунистеъмолич-лар кенг муҳокама қилинмоғи, радио, теле-видение, матбуот имкониятларидан макси-мал фойдаланилмоғи зарур. Лекин қатор йиллар давомида бу имкониятдан фойда-ланилмади, айниқса, наркомания каби иллат ҳақида нафақат кундалик пропаганда, умум-ман бу ҳақда гапириш чегараланган эди. Оқибатда, кишилар, асосан ёшлар гиёҳванд-лигининг келтириладиган қулфати ва дахшатли «мева»сини чуқур англаб ололмади қолдилар

ва деярли кўр-кўрона бу ишга берилиш ҳол-лари рўй берди.

Бангилики «туғдирувчи» факторлардан яна бири илгари турли муҳит таъсирида касалланиб, банги бўлиб қолганларни даво-лашда муваффақиятга эришган эмасмиз. Ҳозир нафақат СССР медицинасида, умуман, жаҳон медицинаси соҳасида ҳам бу масала ўз ечимини кутаётти. Агар бор бангиларни даволаб, унга интилувчиларни вақтида одам-лардан «ажратиб» қўйишга эришсак, аввало ўзларининг «шахсий намуна»си билан атрофга хавф туғдириб, ёшларни бузаётган-лардан холи бўлинади, «оқ билан қора»ни ажратиб олишади. Шунингдек, яна бир му-ҳим масала табиат ато қилган — ёввойи ҳолда ўсиб ётган наркотик экилларни «эрка-латиб» қўймаслиқдир.

Наркоманиянинг олдини олиш ва бата-мом тугатиш борасида ҳозирги амалга оши-рилаётган тадбирлар етарлими? Нималар қилина таскорлик, жадаллаштириш таъ-минланади, барвақт ижобий натижаларга эришилади? Сўз билан амалий иш бирли-гини таъминлаш йўллари қандай? Мана шу саволларнинг ечими бугунги кунда тегишли мутахассис, олим, юрист, врач, педагог, пар-тия ва жамоат активи, қолаверса, бутун жамоатчилик диққат марказида бўлиши керак. Бунинг уқат лоқайдиқка, кўриб-кўрмасликка олувчиларга қарши ҳам кураш бошлаш лозим.

Хуллас, республика жамоатчилиги олди-да наркомания — бангилик муаммоси ту-рибди. Бу муаммоннинг тўғри ечими республи-камизда соғлом муҳитни таъминлашга олиб келиши муқаррар.



Термиз районидagi Жданов номли колхоз механизатори, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ишондори Т. Жўраева.

В. Мосин фотоси

ДОРИВОР ҲУСИМЛИК МУАММОЛАРИ

ДОРИВОР ҳусимликларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида гап кетганда, кўпчилик женьшенни тасаввур қилади. Негаки, бу шифобахш ҳусимлик неча минг йиллардан буён инсониятга беҳимнат хизмат қилиб келмоқда. Турли-туман халқлар уни «одамгиёх», «ҳаётбахш ҳусимлик», «ҳаёт илдири», «тириклик гули», деб эъзолашадди.

Женьшенъ — аралия гулдилар оиласига мансуб кўп йиллик ҳусимлик бўлиб, табиий ҳолда Шарқий Осиёда ўсади. Бўйи 30—50 сантиметрли бу ҳусимликнинг гули кўкиш оқ рангда, меvasи серсув. Қизиги шундаки, бу қимматбаҳо доривор ҳусимликнинг айрим жиҳатлари инсоннинг тана аъзоларига ўхшаб кетади: барглари инсон панжасига рамс бўлса, қизил мевалари буйраксимон шаклда. Хушбўй илдилари эса инсоннинг турли ҳаракат ҳолатига ўхшаш.

Ҳусимлик таркибиде турли-туман ноёб дармондорилар бўлиб, илдиридан тайёрланган суюқ эритма ва талқони вужудни қувватга киритиш хусусиятига эга, бундан ташқари, улар қон босими ва турли асаб касалликларини даволашда ҳам кенг ишлатилади. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда женьшендан ҳар хил дорилар тайёрлашга эътибор берилаятир. Шу мақсадда Приморье ва Хабаровск ўлкаларида женьшенъ плантациялари қўллаб ташкил этилмоқда.

Ўз-ўзидан савол туғилади: женьшенга монанд шифобахш ҳусимликлар кўпми? Бу саволга «ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Фақат шуну эътибор ўтиш керакки, бошқа ҳусимликлар женьшенъ каби узоқ вақт синовдан ўтмаган ва улар ҳали тузук текшириб қўрилмаган. Ноёб дориворлик хусусиятига эга бўлган юзлаб ҳусимликларни тадқиқ этиш ва улардан кенг суратда самарали фойдаланиш мумкин ишлардан биридир.

Ўзбекистон табиати ўзининг бетакрор гўзаллиги, кўеши, ҳавоси, тупроғи ва суви билан алоҳида ажралиб туради. Унинг ҳусимликлар дунёси гоят бой ва ранг-баранг. Республикаимизда 4 минг 230 дан ортиқ ҳусимлик тури мавжуд. Шундан 577 тасининг дориворлик хусусияти аниқланган. Мамнуният билан қайд этиш керакки, жуда кўп доривор ҳусимликлар халқ табибатида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Халқ табибатидаги «оммабоп билим» авлоддан авлодга ўтиб, сайқалланиб бормоқда, десак хато бўлмайди.

Кейинги пайтда кучли ва тез таъсир этувчи синтетик препаратларнинг кўпайиши натижасида табиий даволанишга ва доривор ҳусимликларга бўлган эътибор бир қадар сусайди. Синтетик дори-дармонлар турли хилдаги дориларга нисбатан «гиёҳвандликни» келтириб чиқарди, бундан ташқари, ҳар хил аллергия касалликларининг авж олишига сабаб бўлди. Фармацевтика санаятида тайёрланган айрим сунъий дориларнинг асорати кучайди. Бу эса, ўз-ўзидан, янги

хасталикларни келтириб чиқарди. Ана шундай ҳаётий тажрибалар оқибатида табиий дорилармонларга эътибор ортди. Негаки, шифобахш ҳусимликлардан тайёрланган дори-дармонлар инсон вужудига ҳеч қандай асорат қолдирмаслиги жиҳатидан сунъий препаратлардан устундир.

Республикада ўрмон хўжалиги министрлиги қаромоғидаги доривор ҳусимликлар етиштирувчи махсус хўжаликлар ташкил этилганлиги мақтовга сазовордир. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги дорихоналар Бош бошқармасига қарашли доривор ҳусимликлар етиштирувчи совхоз фаолият кўрсатмоқда.

Ўрмон хўжалиги министрлиги қошида шифобахш гиёҳлар тайёрловчи махсус бошқарма беvosита доривор ҳусимликлар етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланади. Ўрмон хўжалиги ходимлари кучи билан биргина ўн биринчи беш йилликда медицина санаяти учун 926 тонна, ЎзССР Соғлиқни сақлаш министрлиги дорихоналар Бош бошқармаси учун эса 200 тонна доривор ҳусимликлар хомашёси тайёрлаб берилди. Бу рақамлар йилдан йилга кўпаймоқда.

Четдан қараганда, ҳамма иш дуруст кетаётгандай кўринади. Аслида бундай эмас. Республикаимиз ўрмонлари ва далаларидаги беҳисоб доривор ҳусимликлардан фойдаланиш қониқарсиз аҳволда. ЎзССР ФА Ботаника институти, ҳусимликлар кимёси институти, Ф. Н. Русанов номидаги Ботаника боғи, Тошкент фармацевтика институти, Самарқанд Давлат университети ва бошқа жойларда кўп йиллардан буён доривор ҳусимликлардан фойдаланиш муаммолари билан машғул бўлсалар-да, амалий ечимлар ҳаётга султ тадқиқ этилаётгани ҳеч кимни безовта қилмапти. Нега шундай? Аввало илмий муассасаларнинг фаолияти анчагина тарқоқ.

Айрим мамлакатларда бу масала ижобий ҳал этилган. Масалан, Мўғулистонда халқ табибатида қўлланиладиган доривор ҳусимликларни ўрганадиган алоҳида илмий-текшириш институти кўп йиллардан буён самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу институт ўз плантацияларига, ўз лабораторияларига ва ўз фармацевтика санаятига эга. Узи етиштиради, ўзи тадқиқ этади ва ўзи медицинага тавсия қилиб, илк намуналарини буюртмачиларига жўнатади.

Республикаимизда (қолаверса, мамлакат миқёсида) ана шундай шифобахш гиёҳлар устидан мутасадди бўлган нуфузли ташкилот тузиш пайти келмадимикан?

Қашқадарё областида доривор ҳусимликлар етиштиришининг жуда катта ресурслари бор. Юқори Қашқадарё, Ҳисор ва Зарафшон

тоғларида, қирлар бағрида 300 дан ортиқ шифобахш ҳусимликлар, буту ва дарахтлар ўсади. Қуйи Қашқадарё эса чўл зонаси бўлиб, Қарши чўлининг ҳали ўзлаштирилмаган даштларида ўндан ортиқ доривор ҳусимликларни учратасиз. Афсуски, бу доривор ҳусимликларни ўрганиш, улардан фармацевтика санаятида фойдаланиш кўнгилдагидек эмас.

Оддий бир мисол: Қарши даштларини қоплаб ётган хазаршифо — исирик ҳусимлигини ўриб олиб, дастасини бир сўмдан пуллаётган «ҳожатбарор» кимсаларни бозорларда қўллаб учратасиз. Нега энди бу шифобахш ҳусимликни давлат йўли билан савдога чиқариш мумкин эмас?

Область дорихоналар бошқармаси ходимлари кучи билан ҳар йили 12—15 тонна атрофида наъматак, шунингдек, сув қалампир, маккажўхори полуги, аубтурум, итузум йиғиб олинмоқда. Бу оз, албатта. Область дорихоналар бошқармаси ихтиёридаги бир неча гектар ерга нимани екиш ва қанча миқдорда ҳосил етиштириш мумкин дейсиз? Оз бўлса-да, ер берилгани — яхши. Аммо шу ерни чўл зонасидан эмас, айтايлик, тоғ зонасига яқин Яккабоғ ёки Шахрисабз районлари территориясидан ажратилса, айни мудиоа бўлар эди. Ушбу районларнинг тоғ олди зоналарида минглаб гектар қир ва адирлар буш ётганини кўриб ачинасан киши. Область дорихоналар бошқармаси учун тоғ эта-

гидан майдон ажратилганда эди, ноёб доривор ҳусимликларнинг йўқолиб бораётган турларини асраб қолиш ва кўпайтириш имкони ҳам юзага чиқарди. Ахир, ўнлаб доривор гиёҳлар аллақачон «Қизил китоб»га киритилгани ҳеч кимга сир эмас-ку!

Бир масалага тўхталиб ўтиш жоиз. Урта Осиё халқлари ўзларининг жуда бой табибатига эга. Аммо халқ табибатини ўрганиш талаб даражасида эмас. Халқ табибатидаги дори-дармонларни чуқур ўрганиб, улардан қўлланишни кенг йўлга қўйиш керак. Зеро, улуг аллома Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари»да «мижознинг ҳолига қараб» даво белгиланиши бекорга қайд этмаган.

Ҳозир Қашқадарё областининг юздан ортиқ дорихоналарида шифобахш ҳусимликлардан тайёрланган дори-дармонлар бўлими ишлаб турибди. Яқинда Қарши шаҳрининг гавжум чорраҳаларидан бирида доривор ҳусимликлар билан савдо қилувчи «Яшил аптека» иш бошлади. Буларнинг барчаси шифобахш ҳусимликлардан тайёрланган дори-дармонларга бўлган талаб ва эҳтиёжни бир қадар қондиради.

Доривор ҳусимликлар ва улардан тайёрланадиган дори-дармонлар муаммоларини ечиш — кун тартибидеги долзарб вазифалардан биридир.

Камол ХОЛИҚОВ,

Қашқадарё область дорихоналар бошқармасининг бошлиғи



Ўзбекистон ССР халқ маорифи аъlochлари, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилар — фарғоналик Отажон Фармон ва Гулсум Фармонанинг ибратли йўллари ёшлар учун намунадир.

Суратда: набиралар сеvimли бобо ва буви ҳузурда.

М. Саримсоқов фотоси

ЎЗИНГГА ЎХША

Алижон ИҶДШОВЕВ

Қуёшга ўхшама, жон дилбаргинам,
Қалбимда чексиз армон ётади.
Биласанми, қуёш ҳаммага бирдай
Нурларини сочиб, хандон отади.

Гулларга ўхшама, жон дилбаргинам,
Қалбимда сўнгсиз рашк уйғотади.
Биласанми, гуллар қўлма-қўл ўтиб,
Қайсидир бағрда хиссиз ётади.

Юлдузга ўхшама, жон дилбаргинам,
Қалбимга юлдуз бўлмаган меҳмон.
Биласанми, юлдуз вафосиз учун,
Қундузлар ёниб ўртанур осмон.

Оловга ўхшама, жон дилбаргинам,
Қалбларни олов иситмайди ҳеч.
Биласанми, чўғнинг кулнинг остиди
Қолиб кетиши бор эрта ёки кеч.

Ишондим сўзингга, боқиб кўзингга
Илтмосим битта, ўхша ўзингга.



МЕНДАН ҲОЛ СЎРАМА

Табиатнинг бағрида
Бир тилсим кўрдинг-ов.
Сахар пайти майсазорда
Оёқланг юрдинг-ов!

Во ажаб, нозик оёқларингни
Лолалар бош эгиб силайди.
Қадамингга ҳасанот айтиб,
Майсалар бир иқбол тилайди.

Шалодада ғалати ғулу,
Ортингдан тойчоқдек чопқиллар.
Атлас кўйлагингнинг

этакларидан
Шўх сабо антикиб тортиқилар...

Майлига, дилбарим, ўйна, кул,
Алам дуррасини ҳеч вақт ўрама.
О, сенга шу қадар борлиқ лол..
Қўяқол, менадан ҳол сўрама?!
этакларидан

ҲОЛАТ

Дейдилар: мард бўлсанг яхшилик қилгин,
Елгон, ёмонлардан бўлма жонсарак.
Душман қаршисида титрасанг, билгин,
Сендан воз кечаман, жафокаш юрак!

Хайҳот! Синма зинҳор, кўнглиг шишаси,
Ярим бўлиб қолма, муқаддас ният.
Сотқинлик қилса гар дўстнинг биттаси,
Сендан юз ўғиргум шу кун, табиат!

Бир увоқ нонни ҳам кўргандек баҳам,
Меҳрим булоқ эмас эди, зўр дарё..
Ошно тутинганим чиқса муттаҳам,
Сенга ҳам қўл силтаб кетама, дунё!

САХИЙ ДАРВИШ АҶСОНАСИ



Шамси ОДИЛ

Сендан бўлса мурувват,
яхши билан ёмонга,
Қайтиб келур не қилсанг,
шудир асли ҳақиқат.
Абу Таййиб Ал Мусъабий

1

Одамларни лол қолдириб сўзига
Кезар экан қадим замон бир гадо.
«Ҳар бир инсон, неки қилса, ўзига»,
Ҳикматини ўқир экан доимо.

Уйга қайтар чоғи хайр-аҳсондан
Бир кулча нон қолдираркан у холос.
Оч-юпунга улашаркан қолганин,
Ўзи гадо: феъли эса шоҳга хос...

У чўп экан хасисларнинг кўзига,
Қўли очик этмас экан эътибор.
«Ҳар бир Инсон, неки қилса ўзига...»
Жумласини қайтараркан у тақрор.

2

...Шу воҳада яшаркан тўқ оила —
Олтинга ўч заминдор уй хўжаси.
Элга номи машҳур бўлганкан жуда,
Тайин экан ҳатто шахсий мирзаси.

Бой билмаскан неча мингта қўйи бор,
Йилки, туя, бия, моли ҳаддан кўп.
Мирза ҳисоб-китобга-чи, устувор,
Тилла, кумуш, ёмбилар ҳам шунда тўп.

Иккиси ҳам хасисликда эмас кам,
Бирин олиб, бирисига ургилдик..
Номозшомда қайтар экан бой илдам,
Кавуш қўлда, «ейилмасин» дер
«таглик».

3

...Бой йўқ, мирза ёлғиз кезмиш
қўрғонда,
Чўри аёл ёпар экан иссиқ нон.
Дарвиш кириб, кафтин очиб дуога,
Ўз эски тилагин қайтармиш шу он.

Мирза уйга кириш — кўзида хатар,
Дарвиш сўзи гўё унга ўқ-камон.
Иссиқ нон ичига жойлаб у заҳар
Чолга тутар: «Олинг нонни, бобожон!»

Қўлида нон, дуо қилар чол шодон:
«Ҳар бир Инсон, неки қилса, ўзига...»
Дарвозадан ҳатлаб ўтаркан, шу он
Икки бола кўринмиш чол кўзига.

Иккаласи қўл чўзиб дер: «Беринг нон!»
Чол қисинмай иссиқ нонни узатар:
«Икков бўлиб енглар, бўлинглар
омон!»
Не билсин сахий чол борлигин заҳар...

4

Нонни ея икки гўдак питирлаб,
Тупроқ узра мангуликка қўймиш бош.
Бой маҳитдан қайтаркан, беҳос тўхтаб
Ҳайрон бўлмиш: беҳуш ётмиш икки ёш...

Тойчоқларнинг бири эди ўз ўғли,
Иккинчиси мирзасин арзандаси.
Дод солмиш бой: «Қилган қайси
бойўғли?
Кимга керак, норасталар қазоси?!»

Икковисин кўтармиш бой қўлтиқлаб
Дарвозадан йиглаб ҳовлига кириш.
Шу чоқ мирза турар юрагин тиглаб,
Бой депсиниб, қотил устига юрмиш.

Ноннинг қолдигини олиб қўлига
Иўлақдаги итин қақирибди у.
Ташлаганкан нонни ити йўлига,
Ит еб ўлмиш, бой дер: «Ким берди
оғу?!»

— Менмас, — дебди чўри хотин
қалтираб, —
Улар ўйнаб кетишганди эрталаб.
— Мен билмайман, — дебди мирза
дилдираб,
— Балки гадо? — дер бой кўзи
қонсираб...

Дарвиш чолни шу он келмишлар тутиб:
«Гўдақларга заҳарли нон берган ким?»
Чолга тиг ўхталар бой жавоб кутиб
Дарвиш азобланар, мирза турар жим...

5

Дебди дарвиш: «Эвоҳ, бу — мирзанг
иши!
Нон узатиб у ўлиминг истади.
Болалардан жонин аяр қай киши? —
Иккиси нон сўраб мени қистади...»

Даҳшатлидир содир бўлмиш воқеа,
Хасисликнинг оқибати мана шу:
Бой тиг санчмиш мирзасига жаҳлда
У ҳам бойга пичоқ урмиш, аҳ-ёху...

6

...Аммо увол бўлмиш эсиз гўдақлар,
Бу хил аза кўрмаганди ер юзи.
Ғунчаламай поймол бўлмиш
куртақлар,
Бераҳм давр панжасида ризқ-рўзи.

Бир ҳовлида қатор турар тўрт тобут,
Тўрт тобутга боқиб юраклар зада.
Икки марҳум бой-тўралар мустабид,
Оналар фарёди — дарди фазода...

Ҳиссаси шу: сахийлик улуг ҳислат,
Хасислик-чи? Инсонга қони зиён.
Неки қилсанг, ўзингга қайтар албат,
Жоҳилликка йўл бермагил, эй, инсон!

Туғилган кунига 80 йил тўлиши муносабати билан



А. АБДУЛЛАЕВ. ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЕЗУВЧИСИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ПОРТРЕТИ.

Чуст районидаги «Ўзбекистон» колхози теримчиси Азизахон Қурбонова.




Наманган район, Свердлов номидаги колхоз пахтакорлари — Дилором Мирзаабдуллаева, Зулфия Абдурахмонова, бригада бошлиғи Хошимжон Қосимов, Майрамхон Мухитдинова, Ойша Абдуллаева.

М. Пенсон фотолари



«Зангори кемалар».

А. Жданов фотоси



Г. РАҲМОНОВА.

ШОИР УСМОН АЗИМОВ ПОРТРЕТИ.



Марғилонлик 90 ёшли ўймакор
уста Маҳмуд Мадалиев ўғиллари
Абдуҳамид ва Абдурашид билан.
А. Кошкин фотоси (ЎзТАГ)

СЕҲРЛИ ОҲАНГЛАР СИРИ

УЛУҒ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди композитор М. Бурхоновни ҳар доим илҳомлантириб келмоқда. У 1943 йили Ҳамза номли Ўзбек академик драма театри сахнасида қўйилган «Алишер Навоий» номли (Уйғун ва Иззат Султон) драмасыга куй басталаган. Шоир сиймоси, шунингдек, унинг машҳур «Алишер Навоийга қасида» номли вокал-симфоник поэмасида тўла гавдаланади. Композитор 1987 йилнинг бошларида «Алишер Навоий» (Уйғун ва М. Бурхонов либреттоси) номли йирик операни ёзиб тугатди. Яқинда музика жамоатчилиги бу операни Ўзбекистон Композиторлар союзида эшитиб, муҳокама қилди. Опера маъқулланиб, Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта опера ва балет театри коллективига тавсия қилинди.

Тарихий-биографик мавзуда ёзилган бу операда композитор турли вокал ансамбллар, оммавий хор, рақс садолари орқали улуг шоир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий ҳаётининг драматик даврини ифодалайди. Операнинг мусиқий драматургияси ёркин ва бақувват. Ижобий ва салбий образлар, рўй берган тўқнашувлар кўз олдинда жонлана борадики, М. Бурхонов опера устида кунт ва маҳорат билан ишлаб, унинг музикасини қиёмега етказа олган.

Ҳар куни эрта тонгда радиоэфир тўлқинларида Ўзбекистон ССР Давлат Гимни янграйди. Шу Гимн садоси остида халқимизнинг иш куни бошланади. Бу Гимн музикасининг муаллифи Ўзбекистон халқ артисти, истеъдодли композитор Мутаваккил Бурхоновдир.

Мазкур асар 40-йилларда республикамиз профессионал музика оламига яна бир истеъдодли композитор кириб келаётганидан дарак берди. Шунингдек, ёш композиторнинг студентлик йиллари ёзилганига қарамай, биринчи марта ҳаммага маъқул келган бу бадий мусиқий «фортепиано трио» асари шу жанрни ўзлаштиришда янги йўл очиб берди. Бу умрқоқий, жозибали, рангбаранг, ширали, миллий оҳанглар билан бойитилган асар ўзининг тебраниш оқими ва руҳияти орқали ҳар қандай тингловчини ўзига ром қилади, унинг мусиқий тўлқинлари киши ҳаёлларини олис-олисларга олиб кетади, яхши кайфиятлар пайдо қила-

ди. Улкамиз табиат манзараларини турли мусиқий рангларда жилолантириб, дилимизда гўзаллик, шодлик хисларини уйғотади.

Композиторнинг яна бир — Бобораҳим Машраб газалига басталанган «Ишқ ўти» номли балладаси ҳақида ленинградлик музикашунос В. И. Вунимович-Музалевский шундай деб ёзади: «М. Бурхонов лирикали-вокал жанрида самарали ишлаб, ўзбек кўшиқчилигини Европа музикаси анъаналари билан узвий боғлаб, муваффақиятга эришмоқда. Унинг «Ишқ ўти» номли балладаси симфоник оркестр жўрли-

соз ёзди. Ҳар бир асари устида кунт билан ишлади, ижроғига бергандан кейин ҳам асарни ташлаб қўймади, уни қиёмега етказгандан сўнггина музика шинавандаларига тақдим қилди.

Композиторнинг ҳамма катта-кичик асарлари ўзига хос. У қайси бир жанрда ижод қилмасин, барчасида оригиналликка эришиб келмоқда. Кўпқиррали композитор ҳар бир асарга илҳом келгандагина катта кунт билан куй басталаб, асарни миллий оҳанг, ҳеч ким ишлатмаган, ўз руҳий оламига яқин янги мусиқий интонациялар билан бойитишга интилади. Шунинг учун

Асар мазмунидан келиб чиқиб, композитор бу поэма-романсда музика садолари орқали инсон қалбига тебранувчи қайғу-интизорлик, соғинч туйғуларини, турли руҳий кечималар ва дил фарёдини акс эттиради. Лирик-драматик мусиқий образ тасвирини қайғули оҳанг тўлқинлари билан суғориб, гармоник воситаларни бир-бири билан узвий боғлаш ва симфоник оркестр садо оқимларининг тебраниши орқали яққол ифодалайди. Бу мураккаб, теран мусиқий драматик, бадий мусиқий асар биринчи мартаба Д. Муллақандов ижросида ҳаммани мафтун қилган эди. Бу асарни Ботир Зокиров ҳам катта маҳорат билан ижро этган.

Композитор ижодиётида романс ва вокал-симфоник жанрлар асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Уларнинг кўпчилиги эпик-романтиклиги, теран драматик ҳаяжонга эғалиги, жозибаси, ёркинлиги, табиий ва мантқиқли мазмуни билан ажралиб туради. «Ишқида» (Уйғун шеъри), «Табассум қилмадинг» (Навоий шеъри), «Дилбари соҳибжамол» ва «Юрак садоси» (Т. Тўла шеърлари) ва 1981 йилда Бобораҳим Машраб шеърига басталанган «Шоир орзуси» номли баллада шулар жумласидандир.

Композитор классик ва ҳозирги замон Шарқ шеъриятини яхши билади, уларнинг гоёсидан, образ мазмунидан келиб чиқиб, музика басталашга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам у яратган асарлар ўзининг яққол мелодик оқими, шаклининг баркамоллиги, миллий бўёқлари ва романтик руҳияти билан ҳар қандай тингловчини ўзига тортади ва ром этади.

Композиторнинг «Ленин партиясига қасида» вокал-симфоник асари ҳам таҳсинга сазовордир. Бу асар биринчи марта 1959 йили Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасининг тантанали очилиш концертида янграган эди. Шу даврдан бери бу асар турли концерт программаларида доимо жанранглаб келмоқда. Хор коллективларида ва музика ўқув юртиларида эса асосий репертуар ва ўқув қўлланмаларидан бири бўлиб қолди. Асар ҳажман қисқа бўлса ҳам, лекин унинг гоёси, мазмуни, жозибали-тантанавор жўшқинлиги, кўтаринкилик руҳидаги мусиқий садоларнинг ривожланиши билан тингловчини мафтун қилади.

Бу асари билан М. Бурхонов республика композиторлари орасида биринчи бўлиб мусиқий санъатда ўзбек Ленинномаси саҳифасини очиб берди. Эндликда ўзбек композиторларининг шу мавзуда яратилган асарлари,



гида серзавқ, ҳаяжонли монологдир. Оркестр жўрлиги асарда бир неча қисмдан иборат бўлиб, вокал партияси эса, бошида оқик ҳолатда тобланиб, аста-секин жаранглаб ва охирида драматик чўққисига кўтарилади, маънодор гармоник услублар орқали оркестр садолари билан биргаликда ривожланиб, тингловчини ўзига ром этади. М. Бурхоновнинг истеъдоди, собитқадамлиги, ўқиниш ва ижода яқиндий қарашлари Ўзбекистон яқин орада етуқ композиторга эга бўлишдан дарак беради.

Атоқли музикашуноснинг бу фикри келгусида тасдиқланди. М. Бурхонов студентлик давридан бошлаб ўз ижодига талабчанлик билан ёндашди, баъзи бир бастакорларга нисбатан оз ёзди, лекин

бўлса керак, М. Бурхонов яратган музика асарлари тингловчини бепарқ қолдирмайди.

Масалан, композиторнинг шох асарларидан бири бўлмиш машҳур вокал-симфоник «Номини билмайман» поэма-романсини олиб кўрайлик. Ҳофиз Шероий қаламига мансуб бу шеърнинг қисқача мазмуни шундай: шоир ниҳоятда гўзал, назокатли, қомати келишган, нозик, санъатда жуда ҳам катта маҳоратга эга бўлган бир раққосани кўриб, ҳаёли паришон бўлиб қолади. Ҳушига келиб қараса, раққоса гойиб бўлибди. Шоир номини ҳам сўрашга улғура олмабди. У раққосанинг санъатига ва табиат яратган гўзаллигига мафтун бўлиб, яна бир лаҳза уни кўришни орау қилади...

МУЗИКА

беихтиёр Бурхонов қасидасига солиштирилиб, баҳоланади.

Композиторнинг яна бир вокал-симфоник асари — «Марсия» («Эпитафия») 1975 йили буюқ Галабининг 30 йиллиги муносабати билан Тошкентнинг Ления майдоида, Номаълум солдатга ўрнатилган ёдгорликнинг очилиш маросимига бағишланди. Улуғ Ватан урушида совет халқининг қаҳрамонларча ҳалок бўлган фараздлари хотирасига атаб ёзилган бу вокал-симфоник асар киши юрагига жаз этиб ёпишади, тингловчини ўйга толдиради. М. Бурхонов бу асарни ёзишда умумлашган мусиқий образни юракларни жимирлатадиган, кайгули ҳислар билан бирга қаҳрамонлик туйғулари, жозибador турли интонациялар билан сугориб, фашизмга нафрат ёдгори, совет халқининг мислсиз галабасини улдувгор руҳда олқишлайди. Асардаги фожиавий ва қаҳрамонона туйғулар узвий боғланиб, инсон қалбининг мусаффо оламига оқиб киради.

Автор «Марсия»ни ёзишда Номаълум солдатга ўрнатилган ёдгорлик гулхани остидан, магнит лентаси орқали, керакли вақтда жарангловчини кўзда тутган эди. Архитекторларнинг фикри ҳам шундай эди. Афеуски, шу иш техниклар ва ёдгорликни қуришда раҳбарлик қилган шахслар томонидан амалга оширилмай қолиб кетди. Ҳар йили 9 май — Галаба куни ёдгорлик устига гулчамбарлар қўйиш маросиминда симфоник оркестр ва хор коллективлари бу асарни ижро қилишар экан, кўпгина ноқулайликларга дуч келадилар. Тегишли идоралар фикримизни инобатга олиб, ёдгорлик гулхани ёнига махсус аппарат ўрнатиб, магнит лентаси орқали бу асарни ёдгорликка гулчамбарлар қўйиладиганда жаранглатишса, қандай таъсирчан бўлур эди. Москва, Ленинград ва бошқа иттифок-

дош республикаларда шу каби ўрнатилган ёдгорликларда махсус ёзилган мусиқий асарлар жаранглаб келмоқда.

Ўзбекистонда мураккаб а капелла (яъни жўрсиз хор) га санъатини ривожлантиришда М. Бурхонов ижодининг аҳамияти катта. У республикамизда шу жанрга асос солди. 50-йилларга қадар ўзбек элида айрим бастакорлар томонидан а капелла хор қўшиқлар ёзишга, халқ куйларини шу жанрда ишлашга интилишлар бўлди. Лекин уларнинг бирортаси ҳам ҳаммага маъқул келадиган, халқ мероси руҳини ва колоритини ифодалаган миллий ва бадий хор қўшиқлар бўла олмади. М. Бурхонов 50-йилларда биринчи бўлиб Ўрта Осиё халқлари қўшиқларидан бир нечаси асосида, Европа кўп овозли системаси восита ва услубларидан ижобий ва моҳирона фойдаланиб, уларга янги сайқаллар бериб, ҳаммага маъқул бўлган жўрсиз қўшиқларни яратиб, бу катта муаммони ечишга миясасар бўлди. М. Бурхонов қайта ишлаган, машҳур бўлиб кетган а капелла қўшиқлардан «Гўзал қизга» ва «Ёрларим» ўзбек халқ қўшиғи, тожикча «Сари кўхи баланд» («Тоғ чўққисида») ва «Зарра гул», қорақалпоқча «Бибигул», «Айрилик», уйғурча «Сайёра», қозоқча «Дударай» каби а капелла қўшиқларини ким билмайди дейсиз?

Ҳақиқатан, Ўзбекистон совет профессионал музыка санъатининг бошланғич даврларида, Европада такомиллашган мусиқий жанрларни ўзлаштиришга республикамизда яшаб, ижод қилган рус композиторларидан: В. Успенский, Н. Мизоров, С. Василенко, Р. Глиэр, А. Козловский, Г. Мусель ва бошқалар биринчилардан бўлиб қўл урдилар, ўз асарларини ўзбек кекса бастакорлари билан ҳамкорликда яратдилар, шоғирдлар тайёрла-

дилар. Ўзбек композиторлари 40-йиллардан бошлаб турли жанрларда, 50-йиллардан эса мусиқали сахна асарларига куйлар ёза бошладилар. Шу соҳада М. Бурхоновнинг ижодиёти самарали ва ибратли бўлди.

1973 йили Олмаота шаҳрида ўтказилган Халқаро «Осиё минбари» номли анжуман Осиё халқлари замонавий музыка санъатининг ривожланишида тўққинлик қилаётган муаммоларга бағишланди. Маълумки, Европада такомиллашган мусиқий жанрлар айрим Шарқ мамлакатларида ва, айниқса, бизнинг Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари композиторлари ижодларида кенг қўлланилмоқда. Лекин хожирий давлатларнинг айрим санъат арбоблари бу услуб мутлақо нотўғри йўл, умуман Европа музыка санъати жанрларини Шарқ мусиқасида қўллаб бўлмайдиган ва унга қўл уришининг ҳам хожати йўқ, деган гоёни олдинга суриб келмоқдалар. Минбарга чиққан нотиклардан турли-туман бир-бирига қарши фикрларни эшитишга тўғри келди. Анжуманнинг концерт программаларида эса жуда кўп, турли жанрларда ёзилган асарларни тингладик, уларнинг айримлари ўртага ташланган муаммони ечишга катта ёрдам берди. М. Бурхоновнинг эрон халқ куйи асосида қайтадан ишлаган «Гуле-Гандом» ва «Дамкул-Дамкул» а капелла қўшиқлари катта олқишга сазовор бўлди. Ҳатто фикрлари чалқаш санъат арбоблари ҳам тан бериб, композиторни бу ютуғи билан қизгин табриқлашди. Шундай хулосага келиндики, Ҳарб музыка воситаларини Шарқ замонавий музыка санъатида ижобий қўлланса бўлади, бунинг катта истеъдод ва маҳоратга эга бўлган композитормизга ҳал қилган олади, давр эса сивовдан ўтказди.

М. Бурхоновнинг асарлари давр

сивовидан муваффақиятли ўтиб келмоқда.

Замонавий ўзбек қўшиқчилик санъатининг ривожланишида ҳам М. Бурхонов ижодининг аҳамияти каттадир. У қайси бир мавзуда қўшиқ ёзмасин, барчаси устида муфассал ишлаб, метёрига етказишга ҳаракат қилади. Унинг ширали, таъсирчан, яққол образли қўшиқлари замонавини, эркин инсоний муҳаббатни улуглаш руҳида яратилган. Шунинг учун ҳам композиторнинг «Дўстлик қўшиғи», «Уйғур қизига», «Пахта очилса», «Баҳор қушлари», «Мафтунингман» ва «Олдуз қўшиғи», «Дуппи тикдим», «Дилбари мо» («Бизнинг гўзалимиз») «Ерим бор» каби қўшиқлари хозирги давр кишининг бунёдкорлик, яратувчилик меҳнатини, халқ, Ватан бахт-саодати йўлидаги фидойилигини, инсонга меҳр-муҳаббат, инсоний севгининг улдувворлигини ифодалайди. Ҳамма қўшиқларида лирик қаҳрамон устун туради ва катта инсоний муҳаббат соҳибии сифатида гавдаланади.

Композиторнинг ўзбек кинофильмларига басталаган оҳанглари ўзи бир олам. «Бой ила хизматчи», «Иби Сино», «Қайтарилган келин», «Самолётлар қўнолмади», «Сурайё», композиторлар М. Левиев ва И. Акбаров билан ҳамкорликда «Мафтунингман» ва «Орол балиқчилари» фильмларига басталаган куйлар қайси қалбни ҳаяжонлантирмайди, дейсиз.

Катта санъаткор, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳама номли Ўзбекистон ССР ва Бердак номли ҚҚАССР Давлат мукофотининг лауреати, Ленин ордени нишондори М. Бурхонов бундай салмоқли ютуқларга эга бўлгунга қадар машаққатли ижодий йўлни босиб келмоқда.

А. ЖАББОРОВ,
музыкашунос



ҚАЛИНСИЗ ТҲЙЛАР

Бойсуи... Чор атрофи баланд-бавад тоғлар билан туташган бу гўша — Сурхон воҳсининг энг қадимий ва кўркам жойларидан бири. Бу ернинг аҳолиси ўзининг янгича урф-одатлари, замонавий анъаналарини давр талаби асосида ўтказиши билан ажралиб туради.

Бойсуликлар Бешкўтон чўли бағрида кўркам богроғлар, обод қишлоқлар, бепойён ҳосилдор майдонлар барпо этганлар. Гагарин районининг ташкил этилишида уларнинг хизмати жуда катта. Масалан, биргина «Янгиобод» совхозида 13 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг кўнчилиги 60-йилларнинг бошида тоғли Бойсуи районининг

Дарбанд, Панжоб, Сайроб, Кўчак, Пасурхи, Чинор, Авлод, Саринсёё қишлоқларидан кўнчб келганлар ва чўли обод қилиб, шу ерда нуқум яшаб қолганлар.

Бойсуликлар тўйларини қалинсиз, дабдабасиз, кам харажат, ихчам ва дигма монанд ўтказадилар. Келин туширишда қалин пули бериш — улар учун тамомила ёт нарса. Тўғри, пул сарф қилиб бозордан мол сотиб олинади. Буомлар, нарсалар харид қилганда пул берилмайди. Бироқ келин учун қалин тарзида миң-миң сўмлаб пул бериш одати бу ерда йўқ. Ахир, қиз чикарапман, деб фарзанди ҳисобидан чўнтакни қаппайтириш, мол-дунёга ҳире қўйиш инсонийлик фазилатига зид эмасми?

Йигит-қизлар ўзаро келишиб, янги оила оstonасига қадам қўядиган бўлсалар, унча ота-оналар ўртасида юз берадиган муомала қишлоқ фаоллари ва тўй

комиссияси аъзолари маслаҳати асосида биродарона ҳал этиладди.

Эндилликда қудаларга 40—50 та сарпо бериш, келинга 40—50 та куйлак қилиш, «товоқ қайтариш», «келин кўрди», «хайитлик» сингари бачкана одатлар бу ерда умуман барҳам топди.

Масалан, 1986 йилда «Оқ олтин» маҳалласининг 3-, 4-, 5-, 6-участкаларида 60 та никоҳ тўйи бўлди. Уларнинг бари тўй комиссияси аъзолари ва қишлоқ фаоллари кенгашининг фикри билан шинамгина ва ихчамгина тарзда ўтказилди.

Янгича анъаналарини жорий этишда Бешкўтон қишлоқ Совети вакиллари (райси И. Раҳимов, котиби М. Аллиёқулов), жойлардаги маҳалла комитети аъзолари Б. Аҳмедов, Ф. Равшанов, М. Кенжаев, Н. Мисирюлар алоҳида фаолият кўрсатаётдилар.

Биз тилга олган жойларда тўйларга катта пул билан

узукдан санъаткорлар чақиришга ҳам чек қўйилган. Бунинг ўрнига, «Октябр 50 йиллиги» клуби қошида ташкил этилган ансамбль коллективи жойлардаги тўйларга беминнат маданий хизмат кўрсатишапти.

Муслулмон Турсунов, Турди Дўстов, Равшан Омонов, Жума Пардаев, Турди Худойкулов, Олақул Мажидов, Кўчар Поёновлар қондонда бўлиб ўтган бахт тўйлари кам харажат билан гоёт кўнглили ўтди.

Биз бошқа жойлардаги тўйлар ҳам қалинсиз, дабдабасиз, дилхиралисиз, файли ўтишини истардик. Одамлар бу борада меҳр-оқибат билан ўйлаб иш тутсалар, оилалар бузилинми, гўдакларнинг тирик етим бўлиб қолиши ҳам камаярди.

Ҳа, тўйларимиз замонавизга мос бўлсин.

Жўрамухаммад
РУСТАМОВ

МУСА ТЕГИРМОНЧИ

(«БУСАФА» РОМАНИДАН ПАРЧА)

Турсун ИБРОХИМОВ

ДЕВОР нахрасидан шитирлаб тупроқ гўкилди. Куз офтобининг шалҳақ нурида мудраб ётган калта-кесак эндигина беҳи узиш учун келган Каромат холанинг оёги устидан югурилаб ўтди. Унинг аъзойи бадани жимирлаб, кўлидан савати тушиб кетди. Мунча турки совуқ бўлмаса?! Каромат холанинг кўзига тупроқ томи устига шифер ётқизилган бир уй, бир даҳлиз; мўриси-дан тортиб, эшигию деворларига гача қурум босган ошхона, қаровисизликдан чакалақзорга айланган боғ; ёгин-сочинда сархови ювилиб, чўккан туядек чўки қолган деворлар совуқ кўрииб кетди. Атрофни туман қоплаётгандай. Назарида ўр-кач-ўркак деворлар даҳшатли калта-кесакларга айланганлар-у, қандайдир қоронғулик, рутубат қаърига югургилаб бормоқдалар.

— Ишқилиб, яхшилик бўлсин... — пичирлади у.

Кунлар, йиллар елдек ўтаркан.

* * *

Каромат отасининг тушлик овқатини келтирди. Ҳар кун шундай: уйдагилардан кимдир пиширилган куюкми, суюкми овқатни олиб келиши керак. Дўлга соладиган бир кафт дон борми-йўкми, бари бир Муса тегирмончи тегирмонни ташлаб кетмайди. Ҳақ деб ётиб олган: уйига ҳафтада бир-икки борса боради, бормаса йўқ. Хотинининг диморфироқлари, «болалар ота меҳридан бебаҳра қолаётир», деб гап билан узиб-узиб олишлари унга заррача қор қилмайди. Гоҳо ўзини эшитмаганликка солади, гоҳо ҳазиломуз «хотин нобоб бўлса хонадондан, чойхоначи, тегирмончи нобоб бўлса юртдан барака қочади; сочинг узун, ақлинг калталик қилиб саннай-бераркансан-да», деб баста жавоб қилган бўлади. Узи шундай, уйда ҳам, кўчада ҳам бирдай одамохун; ҳеч кимнинг дилини оғритмайди, қулдиради, кулади. Етти даҳага Муса тегирмончи — Кўса тегирмончи аталиб, довруғ қозонганлиги ҳам бежиз эмас.

Тегирмонча кимлар келиб кетмайди. Бугдойми, жўхориими, биров қонда — от-уловга ортиб келади, биров халтада — қўлтига қистириб келади. Тезариқдами, Эшботирдами, қайси қишлоқда бўлмасин қайси хонадон аъзоларининг қандай яшаётгани фақат хонадон қишлоқларигагина эмас, Муса кўсага ҳам маълум. Ҳаммага бирдай муомала қилиб бўлмайди: бирида бору бирида йўқ, биров очу биров тўқ... Ким тегирмонча олиб келган бугдо-

йими, арпасини унга алиштириб кетади, ким ўзимники баҳори бугдой, деб туриб олади, кунни ўтса ҳам ёнида эзмалик қилиб ўтириб, тортириб кетади.

Матонинг ўнг-терси, яъни авраси-астари бўлади. Авраси — бежирим, силлик; астари бўлса дағал, кўримсиз. Уни ушлаб ҳам, кўриб ҳам билиш мумкин. Аммо, кўнгилинг-чи? Кўнгилинг авра-астарини билиш қийин... Шундай кунлар бўладики, тушми, оқшомми, ён қўшни ё атроф қишлоқлардан аллакми бекорчиликдан Муса кўса билан суҳбатлашиб ўтирган бўлади. Аввалига ҳол-аҳвол сўрашиш, бола-чака, ёр-биродарларнинг сихат-саломатлигини сўраб-исташ, яхши тилаклар билдиришдан бошланган суҳбат аста-секин баҳорнинг қуруқ келганлигига, лалми ерлардаги галланинг бош тортмай қовжираб қолганлигига, эқилган жўхорининг эса сўтаси ярим қулочга етган бўлса ҳам ҳали тегирмонча етилмаганлигига келиб тақалади. Муса кўса нима қилсин? Суҳбатдошининг асл мақсадини тушунади, кетарида: «Йўғ-е, бу нима қилганингиз, худога шукр, қора қозонинг тағида ўт ёниб турибди, сувга ташлаганимиз йўқ...» дейишига қарамай: «Ҳеч қиси йўқ, тегирмонча келиб, лоақал гард юқтириб кетмаслик яхшимас, бу тегирмон ҳақидан, топаннингизда барерсиз», деб беш-ўн қадок урни халтачагами, агар у бўлмаса, белидаги қўша белбоғининг бирини еча солиб тугбими, қўлтигига қистириб юборади.

Муса кўса тегирмон орқасидан чиққанида қизи Каромат гулзор ичида райхон, жамбилларнинг шохларини силкитиб, хузур қилиб юрарди.

— Яхши кепсан, — деди Муса кўса, қўлидаги човғумини супа ёнига қўйиб, юз-қўлини артган қийқчасини тол шохига иларкан. — Яхши кепсан, қизим.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум...

У хужрасига кириб, янги яктак, иштонини, анчагина уринган қовушини кийиб чиқди.

— Бир ёққа бормоқчимисиз? — сўради Каромат.

— Ҳа, — деди Муса кўса белбоғига қистириқлик носқовондан кафтига нос солиб отаркан. — Бандаси меҳмон... Ризқ-насибаси узилдими, бўлди, гардай соврилади, кетади... Воллоҳи алам, раҳматли билан кунни кеча худойида бирга бўлгандик.

— Қаримидилар? — сўради

Каромат эътиборсизлик билан қўлидаги райхонни ҳидлаб.

— Мен тенги эди... — Муса кўса сўлиш олди. У йўга чўмганча туксиз иякларини сийпалаб бир зум турди-да, қизига қув назар ташлади, қулумсиради. — Ҳа, айтгандай, онанг менга кўлдан кўп дуойи-салом деб юборгандир?

— Ойимла кир юваётгандила...

— Шунақа дегин?..

Новдан отилиб тушаётган сувнинг шовуллаши, ўқи мойсираб қолган парракнинг гичригичири, ҳаммасидан ҳам дўлни оқиста силкитиб айланаётган тошнинг гусир-гусири Муса тегирмончининг кўнглига кўчгандек бўлди. Унинг хаёллари икки тош орасига тушиб майдаланаётган бугдойдай майдаланмоқда эди. У гоҳ гавжум — отларнинг қишнаши, эшакларнинг ханграши билан тўладиган, гоҳ хувиллаган — новдан сиқилиб оқаётган бир қулқ сувнинг «уввоси», гала-гала мусичаларининг «хув-хув»си билангина қоладиган қадрдон маконига назар солар экан, ўзини алланечук ҳис қилди. Кечагина олқиндидек силлик даҳанини сийпалаб, соқол чиқишини, йигит бўлишини орузлаган Муса бола эди. Кейин бойнинг эшигида қарол бўлди. Мана шу тегирмончи ўз кўли билан қурди, хузурини бой қурди. Кейин... инқилоб бўлди, қолхоз тузилди. Ҳамма қолхозга от-арава билан, сигир-бузоқ билан кирганида, у йўқчилик боис кўлдан уни ёнган тегирмончи билан кирди.

— Ҳа-я, бунни қара-я?... — Муса тегирмончи қизига қаради.

Кароматнинг отаси юзига ўхшаган оқ-сарик ва лекин қизилга мойил лўппи юзларига қулги ёйилди, қўлидаги райхон дастасини тўйиб-тўйиб ҳидларкан, ёноғидаги майин туклар қуюқ тол шохлари орасидан тушган офтоб шуъласида олтин зарраларидек я-ял товланди.

— Ҳа, — деди у ҳамон димоғида тугтиб турган райхон баргларидак алланечук бутун вужуди ила қалқиниб, — кўлдан-кўп дуойи-салом деб юбордилар. Кири қуруқ ишқалаётиб, совун ўлғур ҳам тугади, дедилар. Яна, бўзчи белбоққа ёлчимагандек тегирмончи бўлатуриб биз унга ёлчимаймиз, дедилар. Ундан кейин, ёғ эритиб, озгина жизза қилган эканлар, оқроқ ун топилса жиззалек нон ёпардим, дедилар.

— Шунақа дегин, — Муса кў-

са қутилмаганда соқол битгандек чайир, дағал бармоқлари билан яланг даҳанини сийпалади. — Онангга айти, қуйруқ ёғи бўлса, жизза бўлса, ун топилади.

У пешин қизигида қатор тўрқовоқлардаги сайроқдан қолган беданаларининг сувдонини бир-бир кўздан кегира-бошлади. Сувдонларда сув тўла, беданалар бўлса тарик, наша уруғи ҳамда ўзларининг қумалоқлари тўла тўрқовоқ тубига тўшларини бериб, хурпайганча мудрардилар. Кўсанинг беданаларидан кўнгли тўқ бўлди. Қайтиб келгунча ичарга сувлари, еарга доналари бор. Фақат биронта ишқибоз ҳожатманд келиб, киркий-миркийини «чуч»латиб безовта қилмаса, бас.

— Хўп, мен бораё, — деди Муса тегирмончи тол шохидидаги белбоғини олиб, бошига салла ўрнида ўраркан. — Тез келаман. Мен сенга айтсам, дунёда тобутдан тез юрадиган нимарса йўқ. Биз фақат шошамиз... Э-ҳа, шобиб қаёққа ҳам борардик! У бўлса бир пасда маконга етказиб қўяди... Шунақа... Ҳай, майли! Дўлда дон кўп, мен ҳозир қайтаман. Мабодо, биронта ҳожатманд келса, юкини ҳампадаги унга алмаштириб кетаверсин.

Муса тегирмончи юртга тинчлик, тўқис-туғаллик, инсофсизларга инсоф-товфиқ тилай-тилай тупроғи билқиллаган кўча бўйлаб иштонни почасини чанга ботирганча жанозага йўл олди.

«Қизик, — деди Каромат, кўнглида анчайин адл қадди букилиб, букчайиб бораётган отаси орқасидан ўйчан кузатиб қоларкан, — шундай гапга чечан, ҳазилкаш, кўчадагиларни ҳам, уйдагиларни ҳам икки оғиз гап билан хандон оттириб қулдирадиган одам бирдан бўшашиб қолдилар-а?! Наҳот, бировнинг ўлими бошқа бировни куч-қувватдан қолган қари туядай чўктириб кетса?! Улим шунақа даҳшатми?! Отам бечора...»

Улган одам тенгдошлари экан, ич-ичларидан ачинаётибдилар... Нега ҳам ачинмасинлар, бирга ўсиб, бирга юришган бўлса, худди мен билан Саломатдай... Бирдан мен ўлиб қолсам, Саломат қай қолга тушарди?! Саломат ўлиб қолгудай бўлса, менчи? Е, товба!..»

Қизнинг ҳали етилиб улғурмаган нозик вужудига қалтироқ кирди, даҳшатли ваҳм босди. «Уладиган бўлса нега туғилади одам?! — Ногоҳ новдан шовуллаб ўтаётган сувдек қаёққадир, нимтагидир ошиқётган мудҳиш хаёллар унинг янаш учун, яйраш учун қиндан чиқадиган даражада қаноатсиз ураётган юрагини ҳибсага ола бошлади. — Нега ўлади, а? Улғайиб, энди ерининг ерлигини, осмоннинг кенглигини, гулнинг чиройини, ҳидини анлаганда

ўлиб кетиш... Йўқ, йўқ!.. Ана, тепалар саргайиб ётибди. Кечанига кўм-кўк эди. Майсалар, бир тутам сочдек чучумалар, гулбарглари сингилчан Нафисанинг юзчасидай кип-кизил қизгалдоқлар шабадада ҳилпираб турарди. Буғун бўлса, қуриб, қовжираб ётибди... Ҳа, ҳаёт шунақами?!»

Кароматнинг қўлидаги бир даста райхон, жамбил сирғалиб ерга тушди. У оч-яшил рангини, ажиб бўйини йўқотгандек эди. Қизнинг гунчалаган, нафис гулбарг ёзабошлаган кўнгли зил-замбил хаёлларга дош беролмади, оёқларидан мадор қочди, ўтириб қолди.

— Муса амаки, хо, Муса амаки!

Қиз даванги эшакда кўча чангитиб, тегирмонга юк олиб келаётган ёш ҳожатмандага ҳайратомуз кўз ташлади. У мингирлаб ашула айтиб келарди. «Мунча хушчақчақ бўлмаса?! Гўё бир қоп бўғдой эмас, чексиз чегарасиз осмонни олиб келаётгандай, ўлмайдигандай...»

— Муса амаки, э-ҳэ, ким бор?!

Йигит чакиришга чакирди-ю, тегирмонда бировнинг бор-йўқлигига парво ҳам қилмай тепа бағрига, қатор қозиклар қоқилган жойга келиб эшагидан тушди. Айрим қозиклар ёнида беда, гумай нишхўрди бўлиб, атрофни от, эшакларнинг ҳўл-қуруқ тезаклари босиб ётарди.

— Мана, етиб ҳам келдик, — деди у. Кейин юкни тушириб, бир чеккага қўйди-да, эшагининг сувлигини оғзидан чиқариб, қозиқча боғлади. — Ол, е, ўзингга ўхшаган шаллангуюқдан қолган нишхўрд. Бу ерларни Тезариқ дейдилар. Қорининг тўғзазиб ол. Ишимиз тез

битиби, Эшботир қайдасан, деб йўлга тушсак, толиқиб қолма тагин.

Йигит эшагига яна алланималарни уқтирган бўлди. Оғир юкдан халос бўлган жонивор гўё эгасининг ўғитларини маъқуллаётгандай қулоқларини динг қилар, хумдай бошини силкиб-силкиб қўярди. Ниҳоят, у ёзилиб-силкинди, чўзиб-чўзиб хангради, сўнг, бурун катакларини кериб пишиқриди-да, ўзини нишхўрдга урди.

— Бу бошқа гап, — деди йигит курт-курт хашак чайнаётган эшагига қараб, — озиқлик от ҳоримас, деган гап бор. Хангинликнинг ҳавоси, йўрғаликнинг давоси — емак. Чимхўрлик қилмасдан еб ол, кейин ўзинг хурсанд бўласан.

Хали-хамон қора хаёллар оғушида бу дунёда бордай-йўқдай ўтирган Каромат пик этиб кулиб юборди. Кулишга қулдию уятданми, қўрқувданми нимчаси чўнтагидаги дастрўмолини олиб, лабларини яшириб, салчиб ўрнидан турди. «Дунё шунчалик ширинми?! — ўйлади у қарахт танасига қандайдир илиқлик югураркан. — Оламни сув босса тўпиргага чиқмайдигандай-а!.. Узиниям яхши кўради, эшагиниям...»

Бир қоп юкни осонгина қўлтиғига олиб, тегирмон ичига кириб кетган йигит ҳеч кимнинг йўқлигидан ҳайрон бўлиб ташқарига чиқди. Осмонда қайсидир болохнадан кўтарилган хонаки каптарлар чарх уриб, ўйин тушарди. Каптарларга кўзи тушган йигит узоқ тикилиб қолди, ҳўштак чалиб, уларнинг ўйинига ўйин, парвозига парвоз қўшган бўлди, завқланди. Кейин, тегирмонга юк олиб келганли-

ги, уни тортириб тезда қайтиши кераклиги хаёлига тушди шеклили, атрофга аланг-жаланг қарай бошлади:

— Муса амаки! Ҳай, қаёқдасиз?!

— Отам йўқлар...

Каромат анҳор ёқасидаги толга суянганча оғзини рўмолчаси билан ярим ёпган кўйи жавоб қилди.

— Э! Сан... сиз кимсиз?

— Кароматман, қизлари...

Қизнинг биринчи марта йигит зоти билан ёлғиз қолиши, сўзлашиши эди. Унинг юрагини шу пайтгача бошидан кечмаган ҳаяжон, ширин бир кўрқув қоплади. Йигитнинг ахволи ҳам бир ҳол-бир сар эди. Ниҳоят, у Кароматга шошқин кўз ташлади-да, томоғи қақраб қолаётгандек ютиниб, тилга кирди:

— Мен — Содикман. Эшботир гузаридан келдим.

— Яхши, — деди Каромат гўё кўлдан билдигандай.

— «Қизил тонг» колхозиданман. Ҳисобчиман... Муса амаким қанилар?

— Жанозага кетдилар.

— Ҳа... Ҳа, кун ҳам исиб кетди... Энди мен нима қилай?

— Қайдам, — деди Каромат халигина оламни сув босса тўпиргага чиқармайдиган йигитнинг додиррашидан ичида кулиб, — ўзингиз биласиз. Хоҳланг, юкингишни тайёр унга алмаштиринг, хоҳланг, дўлдаги дон тугагач тортиб олинг... Отам шундай деганлар.

— Ҳисобчимани тортириб кетардим-ку... Келинг, алмаштириб кетганим маъқул.

— Ихтиёрингиз.

Содик тегирмон ичига кириб кетди. Каромат энтиқиб нафас олар, ҳозиргина Содик билан

нима ҳақда гаплашганини қанча ўйламасин, эслолмасди.

Кўп ўтмай афт-башараси ун, қоп орқалаб тегирмондан Содик чиқди. Эгасини кўриб, нишхўрдан бошини кўтарган эшак пишиқирди. У юкни эгарга юклади, эшакни ечиб, юкнинг орқасига ирғиб миниб олди-да, ҳайкиб-гина Кароматга қаради.

— Кетаётибман, Каромат, — деди ерга тегай-тегай деб саланглаб турган оёқларининг тиззалари билан эшакни ниқтаб. — Тегирмон ҳақини колдирдим, ортиқроқ қолдирдим... Яна келаман, юк олиб келаман...

У орқасига қараб-қараб борар, йўргалаб кетаётган эшак туёқларидан енгил чанг кўтарила эди. Каромат Содик бурилиб, тепа орқасига ўтгунча қараб турди. Тепа устида қуёш ялғини ловуларлар, қизнинг назарида узоқ-узоқларда юрадиган қуёш нимагадир адашиб-улоқиб Тезариққа келгану дала-дашт у ёқда турсин, суяниб қолгани толни, вужудини лов-лов ёндираётгандек эди.

* * *

— Каром... Каромат, болам...

Каромат хола чўчиб йўлакка қаради. Кейин, ўзи ҳам билиб-билмай охори тўқилган, яшил-оқ, pista гулли кўйлагининг у ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлди. Қайнотаас Турон бобо ҳеч қачон мунчалик майин тортиб, қунишиб муомала қилмасди. Юраги ҳаприқди, тўғри ёқасини қайтатдан тўғрилаб, ёнига қаради: ярим сават беҳи. Қўлида беҳи... Нима учундир ичидан эзилди, нима учундир дадил тортиди ва деди: — Ҳозир, дада!..

Болаларингизга ўқиб беринг

Болтажон СОДИҚОВ

НОН

Бизда кўпдир ер-майдон,
Дон сочар бободехқон.
Донлар бўлар олтин дон,
Донлар бўлар ойдек нон.
Безалади дастурхон,
Нон лазиздир, нон азиз,
Эъозлаймиз ҳаммамиз.
Меҳнат қилган боғирлар
Нонни доим қадрлар.
Нон лазиздир, нон азиз,
Эъозлаймиз ҳаммамиз.
Доннинг бири ҳам дондир.
Нон ушоғи ҳам нондир.
Тежамкорлар инсондир,
Элига меҳрибондир,
Исрофчилар нондондир.
Нон лазиздир, нон азиз,
Эъозлаймиз ҳаммамиз.

Маликжон яхши бола,
Эшитинг: Норжон, Райхон.
Бир қилиги ортиқча,
Кўрганлар қолар ҳайрон.
Усти боши бутундир,
Қорни тўқдир, ғами йўқ.
Ҳар оқшом овқат пайти,
Жим туради, дами йўқ.
— Қани ол, овқат егин!
— Бу овқатни емайман,
Ахир унда илик йўқ!
Буни овқат демайман.
«Илик йўқ» деб ҳар оқшом,
Тезда эмас ошини.
Қорни очиб Маликнинг,
Сўнг қашийди бошини.
Шундай қилиб бир кеча
Маликжон-чи, оч қолди.

Ичаги «қурр-қурр» этиб,
Уйқуси ҳам йўқолди.
Аён бўлиб бормоқда,
Маликвойнинг қимлиги.
Лўм-лўм гўштни ермикан,
Бўлмаса ҳам илиги!

ДАДАЖОНИМ КЕЛДИЛАР (ҚУШИҚ)

Уйимизнинг қуёши,
Ҳаммамизга иш боши,
Ухшаб қонимга қоши,
Дадажоним келдилар.

Бизга меҳрибон ўзи,
Ҳар сўзи ақлим кўзи,
Ухшаб кўзимга кўзи,
Дадажоним келдилар.

Ишлайдилар қондузи,
Кўксига бор юлдузи,
Ухшаб юзимга юзи,
Дадажоним келдилар.

Пешвоз чиқайин шошиб,
Севинчим лим-лим тошиб,
Меҳнатдан завқи ошиб,
Дадажоним келдилар.

МОЦАРТ АСАРЛАРИ— БЕБАҲО

Лондоннинг «Сотби» аукционда буюк композитор В. Моцартининг ўз қўли билан ёзилган 9 симфонияси партитураси 4,34 миллион долларга сотилди.

510 бетдан иборат бу мажмуага машҳур композиторнинг дастлабки қўлёзмалари (№№ 22—30) кирган бўлиб, мутахассисларнинг фикрича, бу, XX асрда энг қимматга сотилган муслиқий қўлёмадир. У, И. Стравинскийнинг «Муқаддас баҳор» балети партитурасининг кейинги вақтда ўзига хос рекорд хисобланган қимматидан саккиз марта ортиқ баҳоланди.

Бир қатор музей ва кутубхоналарнинг партитураларни ўз фондларига олиш учун қилган ҳаракатларига қарамай, Моцартнинг қўлёзмаларини бир шахсий коллекционер сотиб олди.

БАДИИЯТ — ОБРАЗЛИ ТАФАККУР

ШОИР МИРЗА КЕНЖАБОВЕВ ШЕЪРЛАРИ ҲАҚИДА

«Ошкоралик принципиал масаладир», дейилади КПСС Марказий Комитетининг XXVII съезиди қилинган Сиёсий докладда. Гапнинг очиги: «Муножот» шеърий санъатдан узоқ бўлган айрим мансабдор шахсларнинг беҳуда шубҳаю таъзики билан қўлэзма ҳолида бир неча бор тақрирга берилган эди. Хайрияти, социал адолат ўз иродасини кўрсатди — китоб босилиб чиқди...

Мирза Кенжабоевнинг аксарият шеърлари халқона оҳангларда битилган. Халқнинг содда, лекин турмаъно самимиёти, бегубор, қувнок, шўҳчан кайфияти, имони бут ҳақпараст, бўйсунмас руҳияти, ўткир киноя ва истиораларга, гамзаю лутфларга мойил тили шеърларнинг стихиясига айланса, мисралар қонига сингиб, асаб тодаларига куч бағишласа... Бу — шоир армонигина эмас, балки эстетик принципи деиш мумкин. Мана ёрқин мисоллардан: «Бу ширин ҳаётнинг алами аччиқ, Сўзлар эзгилайди ёмон дилимни», «Дўстим, унинг билан орамиз очик: Фақат сўнг бор кўрай Омонгулимни...», «Беомон экан-ку, қўзинг, Омонгул, Исминг-ку ватанда оздир, Омонгул, Ёмон гул экансан, ўзинг, Омонгул, Исмингга уйланса арзир, Омонгул... Мухаббат хурмати, дўстим томонга Вир бор қарамадинг, Омонгул... Бу ёғи жимжитлик; доллар юраклар. Юраклар устидан поездлар кечар. Дўстимнинг сўзларин шум гилдираклар Ҳижжалаб борадир Кумқўрғонгача...» Ийигитнинг тўзимсиз изтиробларига лоқайи поезд чин севолмаган қизни Тошкент вокзалидан узоқларга олиб кетади. Қанчалик «алами аччиқ» бўлмасин, шунчалик самимий, ҳаққоний кечинмалар ифодаланган «Омонгул» шеърида. Алданган ё рад этилган севгига на дилдиддан билдирилган ҳамдард тасалли, на «Елғиз сенинг севишинг кифоями, севилишинг ҳам керак-ку!» қабилидаги дўстона аччиқ танбех қор қилармикин, аксинча, бу яраланган юракни баттар ўрташи, поралаши мумкин...

Шоир «Теримчи қизлар» шеърида анъанавий «ёр-ёр»дан

ижодий фойдаланади. Бир қарашда халқ ўлини тилида пахтакор элнинг саҳармардондан то шомгача чўзиладиган меҳнат жараёнига ўзига хос ритмик сайқал берилётгандай туюлиши мумкин. Аслида «келин» сўзи билан силсилалаи таносибни ташкил қилган ташбиҳ-нисбатлар (бу классик адабиётдаги «ташбиҳи мусалсал» санъатини эслатади) нафақат муסיқий образ вазифасини ўтайди, балки ҳеч муболағасиз ҳозирги ўзбек даласининг, моҳият эътибори билан инсоннинг бугунги моддий-маданий ва маънавий-эстетик эҳтиёжлари ўқитган назаридан теранроқ ёндошганда, нормал ҳолат деб атаб бўлмайдиган рўй-рост манзараси, ўзбек қиз-жувонларининг ўзлари гўё тақдир асли шу бўлса керак, деб ўйлаган, кўникми ҳам қолган, лекин замирида гоҳ пинҳоний, гоҳ ошқор дард-армонлари жойланган Ўзбекистон пахтазорларидаги одатий ҳаёт тарзи халқона ўлан лавҳаларига айланади:

Қуёшни осмонга келин қилади,
Тушликни шийпонга келин қилади,
Кундузни юлдузга келин қилади,
Чарқоқни қўшиққа келин қилади —
Ёр-ёр айтар теримчи қизлар.

«Сафар Сайис» шеърида халқчил характер зохиран кинояли юмор, контраст-полюмик деталлар орқали берилади. Аслида, шоир чуқур ҳамдардлик, оддий инсон қисмати учун чин безовталик ҳисси билан нафақат қаҳрамоннинг ҳасрати, арази дили, пинҳоний тугғени ҳақида, балки социалистик мулк формаларига муносабатда яқин ўтмишда йўл қўйилган хатоларнинг оғир касофати ҳақида ошқор, рўй-ростлик билан кучли лавҳалар яратади:

«Бошимиз кал, қўнгимиз нозик»,
Дейди, бағри тилқаланади.
Кулай деса, сабот йўқ унда,
Долдай деса, тилида дод йўқ.
Улай деса, зурёд йўқ унда,
Боқай деса, колхозда от йўқ...
Хотира йўқ, бирор имлод йўқ,
Энди додга етгувчи зот йўқ!...

Шоир баъзан халқимизнинг неча-неча авлодлар тажрибасида синалган доно, пурҳикмат удум-

ларига муносиб эҳтиром сақлар экан (аксинча, уларга худписандларча муносабат охири элнинг қаҳр ўқиға дучор бўлиши турган гап), ўша халқчил одатга замонавий руҳ, ҳатто космик қамровлик бағишлайди — қутилмаганда оригинал поэтик нисбат яратади: «...Мен ҳануз Мирзомаи ётаман тўлиб, Онамнинг қорнида ётган сингари Ер шари ичида гужанак бўлиб. Бошимда чарх уриб айланаиб юрган Фазовий кемалар уйғотар мени... Аста уйғотаман сўнг қўлларимни: Сийпалаб кўраман — юзларимда ёш... Сенга бир сўзим бор, товущисиз айтсам: Мен сенинг қорнингда йиғладим... Бир кунни туғилсам — бағриндан кетсам, Исминини Машраб қўй, Она — сайёра!..» Бундаги фақат шоир зотиға мушарраф бўладиган фавқуллода бадий мантиқ Мирзанинг бошқа шеърлари учун ҳам бегона эмас: «Ухласам ҳам, уйғоқдирман бағрингда, Улди дема, бир кун ўлган чоғимда, Дунё! Сенинг келажакинг ҳақида Мангу гўзал тушлар кўриб ухларман! («Уйку»); «Вир туйғу бордирким, покдан ҳам покдир; бир исм бордирким, унинг кўйида Мангу тупроқ бўлиб яшамок бахтдир — Поездлар хоҳ елсин, Хоҳ юрсин кел, Дўстлар, бир фалсафа куюлар дилга: Юракдан Ватанга ватан бермасдан, Етиб боролмайман ўша манзилга» («Паровоз хўрсиниб...»)

Мирзанинг «Катта танаффуслар» шеърини, «Тошкентдан гапирман» балладасини, лирик қаҳрамон туйғуларининг самимийлиги, ҳаққонийлиги, «тарҳи тоза, беандоза» (Навоий) ранглар, оҳанглари ва айниқса асло унутиб бўлмас хотирот образлари эътибори билан болалик, ўсмирлик йиллариға бағишланган яхши қўшиқлар сирасига киришиш мумкин.

Қалбимда бир синф боладек сўзлар
Сикилиб ётади бағримни тилиб,
Умид қўнғирогин чалса бу кўзлар,
Бари ташқарига чиқса отилиб...
Тириклик дарслари бунчалар қийин,
Ҳижрон танаффуси бунчалар узоқ...
Оҳ, менинг илк дардим, илк афсусларим,
Энг узун — энг қисқа танаффусларим...

Шак-шубҳа йўқки, фақат ўзига хос истеъдоднинг «образли тафаккур» (Белинский) қудрати билангина мактаб ҳаётидан олинган оддий бир тафсилни том маънода бутун ва ёрқин бадий умумлашма даражасига кўтариш мумкин. «Тошкентдан гапирман» балладасида шоир қутилмаган рамайи образлар яратади; бадий сўзинг рангин полифоник қирралари — ҳиссий, фалсафий-таҳлилӣ, тасвирий-интонацион имкониятлари истеъдоднинг давомли изланишлари билангина кашф этилиши мумкин, деган азалий ҳақиқатга изчил амал қилади ва ғаройиб натижаларға эришади: «Бир кўзларни кўрдимки, чўкиб кетсанг арзир тугиға... Ул кўзлар Қараб турган каби туюлган кезлар Сўзлар бўғзимда музлар... Қани у дунёлар, қани у сўзлар, дўстим Ислом! Кетди: Тўққизинчи синф, ўнинчи синф. Кетди кўзлар, кетмади Юраклардан исёнкор қизлар, дўстим Ислом... Дунёда ҳис деган дунё бор экан!.. Мунглиг шоирларни кўп кўрдим

Кўзга раҳми келиб бўзлармиш... Қайғу бўлибдими ҳазонрезлик ҳам — Одамреаликлар бор оламда, Ватанрезликлар бор, дўстим Ислом. Кўзга раҳм на ҳожаат, Ўзга раҳм қилиб бўзлайлик. Кўзларини йўқотган Кўзга раҳм қилиб бўзлайлик... Аввал кўзлар, кейин-кейин ўсмирлик, секин-секин далалар... Кетди, кетди кўп насим, Келди, қолди фақат бир исм — Ватан. Ватаники, мен ҳануз ёлғиз чоғларим Хилват анғизларға бағримни бериб, Ўқириб-ўқириб йиғлайман: «Нечун, нечун дейман, Бу муқаддас тупроқ устида Юрурмиз биз оёқлар ила, Нечун юриб бўлмас юраклар ила, дўстим Ислом?.. Яшаш учун таскинларим кўп. Умирим ғавғоларға чўнгарим бир кезлар Йилларим ортидан чиқиб келадир Кўзларимға қараган кўзлар...» Шоир бу кўпқиррали рамайи образда шахсан кечириб, унинг асл ҳаётӣи заминини — ғаройиб болалик, мактабдошлик йилларининг ҳар қандай губордан, ридан холи, боқиралик ва самимиёт уфуриб турган азиз хотираларини янғидан жонлантиргани сезилиб турпти... Не ажабки, бир умр сеvimли, дард-армонли дунё тимсолиға айланган ўша кўзлар... фақат Мирза яхши биладиган оламни, унинг зиддиятларини ўзида ақл эттира олганиға биз тўла ишоч ҳосил қиламиз...

Мирза Кенжабоевнинг ўзига хос поэтик мушоҳада тарзини турк шоирға бағишланган «Доларжа ҳасрати» шеърининг яна бошқача, бетакрор мисралариға кўрамиз: «Тўрт ён ташланман боғланган итдай, Озодик ҳидини сезмайман киттай. Боғлик бўлса ҳамки занжир, ипларда, Овоз эркинлиги бордир итларда». Еки «Веруний глобуси» шеъридаги оламни шоирнинг ўзигагина хос нисбатларда бадий идрок қилиш қобилиятини айрича қайд этмасдан бўлади: «Мен куярман, ёнарман тарих билан келиб дуч, Ярим тунарл қийнайди Ярим хаёл, ярим туш... Мен сўз десам ғазабдан, Кечир, азиз шарқий ер, Султонларинг азалдан Ярим хотин, ярим ёр». Шоирнинг ўйлари, мушоҳадалари, таассурот-кечинмалари қанчалик эркин-бемалол, самимий бўлса, унга конкрет поэтик нисбат бўлиб хизмат қилган турли предметлар, жараёнлар шунчалик табиийлиги, ҳаётӣи лиги билан ажралиб туради: «Субҳидам, нафасинг берсанг, етади, Сўзсиз тилларингни бер менга, гўдак. Руҳим дарёсидан оқиб ўтади Қуёш нурларини ичган бир юрак — Сени узоқларға олиб кетаман» («Шеър дунёсига саяҳат»).

Назаримда, Мирзанинг «Мухаббат ҳибёни» шеъридаги жўшқинлик, комил эътиқод уфуриб турган мисралар Навоий шохбайтлари, шу жумладан:

Аёл Ватан ичра то жони бор,
Киши ҳарб ётар токи имкони бор —
байтидан ижодий таъсирланиш самарни сифатида шакланган бўлиши керак: «Аммо бу дунёда йиғласа Арзир фақат аёл учун, фақат Юрт учун. Улсанг бу дунёда увол кетмас жон фақат аёл учун, фақат Юрт учун». Шеър-

МАРВЛИК ҲАКИМ ЁХУД НИҚОБЛИ БЎЁҚЧИ

АНХЕЛИКА ОКАМПОГА БАҒИШЛАНАДИ

Янглишмасам, ал-Муқанна ёки Парда (Ниқоб) тутган пайгамбар ҳақидаги маълумотларнинг тўртта манбаи бор: а) Баллазурий, Халифалар тарихининг қисқача баёни; б) Аббосийларнинг расмий тарихчиси Абу Тоҳир ибн Тайфурунинг «Китоб ал-Кабир ёхуд Равшанилик ва мушоҳада китоби»; в) «Қора атрул» ёки «Ғайб гули» китобидаги манфур ва кўфрона қондаларни инкор этувчи, «Атрул раддияси» номи арабча кўлзма; г) Транскаспий темир йўли қурилиши вақтида ижтимоий Андроусов топан бир қанча сийқа танга. Бу тангалар Техрондаги нумизматика идорасига топширилган, уларда «Раддия» китобидаги айрим хулосаларни ифодаловчи ё уларга оидлик киритувчи форсча байтлар битилган. «Атрул»нинг асл нусхаси сақланмаган, 1899 йилда топилган ва «Шарқ архиви» журналида енгил-елпи эълон қилинган кўлзма нусха аввалроқ Хорн, сўнгра Жаноб Перси Сайкс томонидан кўфрона асар деб эълон қилинган.

Мазкур пайгамбарнинг Ғарбда шухрат қозонишига ирландиялик исёичи Мурнинг армон ва ҳасратларга тўла поэмаси сабабчи бўлган.

ҚОНЛИ ЛИВОС

Мазкур Ҳақим ҳижрий 120 ва милодий 736-йил Туркистонда туғилган, ўша замон кишилари, кейин ўтганлар ҳам Шарқда уни Ниқоб тутган пайгамбар деб аташган. Унинг Ватани — Марв буглари ва ўлкалари ҳувиллаган даштлар орасида қисилиб қолган эди. У ерларда чашмоқ пайтлари жазирама кўш тикка келиб, борлиқни оқариб, кўзни қамаштиради, қоп-қора узум бошларини оқширд гард қоплайди.

Ҳақим мана шу сўниб бораётган шаҳарда ўсди. Маълум бўли-

шича, тоғасидан бўёқчилик касбини ўрганади. У пайтларда бўёқчилик алдоқчи ва кўзбўямачи фирибгарлар касби ҳисобланарди. Мана шу бўёқчилик уни кўфрона ҳаёт йўлидаги илк қарғиш дуоларини ёзишга илҳомлантирди. «Менинг юзим олтиндан, — деб ёзади у машҳур «Раддия» саҳифаларидан бирида, — лекин мен алвон рангни суюлтириб, иккинчи кечаси унга таралмаган юнгни ботирдим, учинчи кечаси эса унга таралган юнгни ботирдим, ана шундан бўён жазиралар аҳли мазкур қонли ливослар устида баҳслашиб келинади. Мен ёшлик чоғларимда ана шу гуноҳ ишларни қилиб, жониворларнинг асл ранглари ўзгартириб янглиштирдим. Фаршита айтдики, қўйлар ранги билан йўлбарслардан фарқланади. Аммо, иблис айтдики, қўйларнинг йўлбарс сиеқида бўлиши эгамга мақбулдир. Ва (Иблис) менинг ана шу қувлигим ва ана шу (қонли) қўйлагимдан фойдаланади. Энди менга Фаршита ҳам, Иблис ҳам янглишганлиги, ҳар қандай ранг нафратга сазовор эканлиги маълум бўлди».

Ҳижратнинг 146 йили Ҳақим кадрон шаҳридан ғойиб бўлди. Унинг уйдан одамлар синган қозон ва бўёқ тоғораларини, шунингдек, шерозий шамшир ҳамда жез кўзгуни топишди.

ХҲКИЗ ҚИЕФАСИДА

158 йилнинг шаъбон ойида одамлар магрибнинг тиниқ осмонида янги рамазон ойи туғилгани томоша қилишарди, бу ой вужудни ўлик ҳолига келтирувчи рўза кунлари бошланишидан дарак берарди. Булар — қуллар, гадолар, чайқовчилар, туя ўғрилари ва қассоблар эдилар. Улар Марв йўлидаги карвонсарой дарвозаси олдида қўр тўкиб ўтирар, осмон аломатларини кутар эдилар. Улар магрибга (қиблага) қараб, уфқда чанг-тўзон кўтарилганлигини кўрдилар.

Улар одамни ақлдан оздирувчи (кўёши — безгакка учратиб, ойи — тутқаноққа йўлиқтирувчи) сахро қаърида осмон бўйи уч мавжудот пайдо бўлганини кўришди. Иккаласи одам вужудда, ўртадагиси эса ҳўкиз бошли эди. Бу шарпалар карвонсаройга яқинлашиб, тўхтаганларида ўртадаги одам ниқобли, чеккадагилари кўр эканлиги маълум бўлди.

Худди минг бир кеча эртақлариди каби, кимдир бу ғаройиботнинг сабабини сўради. Шунда ниқобли одам: «Булар кўрлардир, чулки булар менинг жомалимни кўришган», деб жавоб берди.

Аббосийлар ровийси хабар беришича, ниқобли одам ширин овозда бундай деган (ёки қўпол ҳўкиз оғзидан чиққан одам овози ширин кўрингандир): «Сизлар аттанг ойнининг бир қуни аломатини кутиб ўтирган эдиларинг. Мен эса сизларга хушхабар келтирдим. Сизларнинг бутун умрингиз аттанг (табба-тазарру) билан ўтгусидир ва сизлар шармандаларча ҳалок бўлғайсиз». У айтдики: «Мен Ҳақим ибн Усмандирман, ҳижратнинг 146 йилда уйимга бир киши келди, таҳорат олиб, номоз ўқига, шамшири билан менинг бошимни кесиб, осмонга олиб чиқиб кетди. У Ў киши (Жаброил эркан) ўнг қафтада бошимни тутиб, Оллоҳ хузурига олиб борди. Оллоҳ менга пайгамбарлик иқтидорини берди, тилимга шундай қадимий сўзларни жойладики, уларни такрорлаганларнинг ози қуяди ва ул зоти олий менинг жомалимга шундай нур ота этдики, оддий бандалар унга қарай олмайди». Ҳақим ўзини, худонинг расули, деб эълон этгач, барчани муқаддас урушга — жиҳодга ва (ҳақ иш учун) шаҳид бўлишга чорлади.

Аммо, қуллар, гадолар, чайқовчилар, туя ўғрилари ва қассоблар унинг сўзларига ишонмадилар. Аллаки: «Жодугар!» деб, бошқаси: «Товламачи!» деб қичқирди.

Карвонсарой мусофирларидан бири ўзи билан ваҳший ва қонхўр қоплон олиб юрар эди. Одатда форс овчилари шунақа қоплон асрашади. Шуниси равшанки, қоплон қафасдан қочиб кетган. Ниқобли пайгамбар ва унинг икки ҳамроҳидан бошқа ҳамма ҳар тарафга тумтарақай қочган. Одамлар қайтиб келиб, кўрсаларки, йиртқич кўр бўлиб қолибди. Қоплоннинг нурсиз ялтираб турган кўзларини кўрган одамлар Ҳақимнинг қароматини, қудратини эътироф этиб, оёғига йиқилишган.

Луис Борхес бу ерда янглишган, Муқанна ва Хорун-ар Рашид замонларида Марв обод пойтахт шаҳарлардан бири эди. — М. М.

Ҳозирги замон Лотин Америкаси адабиётининг йирик вакили, Аргентина ёзувчиси Хорхе Луис Борхес 1899 йили Буэнос Айрес шаҳрида, врач оиласида дунёга келади. Швейцарияда ўқийди. 1919 йилда Испанияга бориб, ўша ерда ижодий фаолиятини бошлайди ва ультранизм (киши онгидан ташқари жараёнлар) адабиётига асос солади. 1921 йилда Ватанга қайтиб, Аргентина адабиётда мураккаб, кўзга ташланмас руҳий жараёнлар, онг оқими адабиётининг етакчисига айланади. Луис Борхеснинг кўпчилик асарларида қаҳрамонларнинг руҳидаги зиддиятлик кураш диалектикаси, инсон психикасидаги сирли ҳодисалар чуқур ифодаланади. Унинг ижодида кучли реализм ортодоксал дин томонидан қоралланган мистицизм унсурлари билан қўшилиб кетади. Унинг ҳикояларида Римнинг варварлар томонидан талон-торож этилишида қатнашган ёввойи йигит бирданга

юксак маданият ҳимоячисига айланади; баъзан аксинча, европалик нозиктаъб аёл ёввойилар ҳаётига интилади; ўлимга ҳўкм этилган талантли шоир ўқ отилгунча ўтган лаҳзада дурдона асарини ҳаёлида бутунлай бошқатдан ёзиб чиқади. Борхес кўпчилик ҳикояларида қадимги ва ўрта аср Шарқнинг буюк меросини, унинг сирли муаммоларини тушунишга интилади, гоҳо адашди, гоҳо уларга равшанлик киритади. Ҳар қандай ҳолда, адиб қизиқиш доирасининг чексизлиги ўқувчини ҳайрон қолдиради. У кўпчилик асарларида ўзинга ўзи қарши курашади. Баъзи ҳикояларини тушуниш эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Аммо унинг кўпчилик ҳикоялари гоҳ соддалиги, гоҳ фавақулда ғаройиблиги, метафоралари ва метаморфозалари, теран ва пинҳоний маънолари билан ўқувчиларини олам сирлари ҳақида ўйлатиб қуяди. Борхес ижодида бутун инсоният маданияти тарихи

манзараларини кўриш мумкин.

Луис Борхес ижодини ҳатто Пабло Неруда, Габриэль Маркес, Хулио Кортасар каби проза усталари ҳам тушунишга қийналиб, у билан қизгин баҳсларга киришган.

«Луис Борхес ҳозирги адабий оламнинг афсонавий шахсларидан бирига айланган», — дейди атоқли олим И. Тертерян. У, Италия республикаси коммендантореси, «Адабиёт ва санъат соҳасидаги Фахрий легион ордени» командори, Британия, Испания фахрий мукофотлари лауреати, Сорбонна, Оксфорд ва Колумбия университетларининг Гонорис Хауза доктори. У дунёдаги ҳар қандай урушларни ва бошқа ёвузликларни кескин қоралайди. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу ҳикоялар адибининг «Радуга» нашриётида босилган «Турли йиллар прозаси» тўпламидан олинди.

Таржимон

НИҚОБЛИ ВАЛИЙ

Аббосийларнинг расмий тарихчи Ниқобли Ҳақимнинг Хуро-сондаги зафарларини, табиийки, истар-истамас тасвирлайди. Уша вақтда бу вилоятнинг шавкатли йўлбошчиси оғир мағлубиятларга учраган, устунга парчинланиб, шаҳид бўлган, шу воқеалар боис бу ерда турли ғалабалар кўтарилиб турарди. Марв аҳолиси ана шундай ғам-кайфиятда, тушкунлик пайтида Нурли Жамол соҳибининг таълимотини қизғин қабул қилди ва унинг гоғларни учун жонини ва молини нисор этишга тайёр эканлигини билдирди. (Бу аснода Ҳақим ҳўқиз ниқоби ўрнига юзига оқ шойдан тўрт қаватли парда тутиб юрарди, пардага қимматли жавоҳирлар қадалган-ди. Бани Аббос хонадонини наслининг тисмоли қора ранг бўлганидан марвлик Ҳақим ўз пардаси, байроғи ва салласи учун аксинча, оқ рангини танлаган эди.) Муқанна ҳаракати муваффақият билан бошланди. Тўғри, «Равшанлик китоби»да халифанинг ҳамма ерда доимо зафар қозонгани ҳақида ёзилади. Аммо, бу зафарлар оқибатида кўпинча саркардалар ишдан четлаштирилиб, мустаҳкам қалъалардан чиқиб кетилганлиги назарга олинса, нозикфаҳм ўқувчи ғалабани қандай тушуниш кераклигини билиб олади. Ҳижрий 161 йилнинг ражаб ойда шоншавкатли Нишопур шаҳрининг темир дарвозалари Ниқобли Пайгамбарларга ланг очилади. 162 йилнинг бошида у қўшини билан Астрободга кириб боради. Ҳақим жанг авжи қизиган жойларда малла туясининг ўрқачида ўтирганича ёқимли овоз билан тиловат қилар эди. (Ундан омадлорроқ ўзга пайгамбар ҳам худди шундай қилар эди.) Атрофиди визиллаб учаётган ўқлар негадир Ҳақимга сира жараҳат етказмади. Ҳақим гўё ўзини хавф-хатарга урар эди — бир кеча у саройи олдиди ўрлашиб юрган бир неча моховларни хузурига олиб келишни буюрди, сўнг уларни юзқўзидан ўпиб, олтин, кумушлар ҳада қилди.

Ҳақим олти-етти сафдошига ҳўқмдорликни тошириб қўйиб, ўзи фикр-ўйларга берилар ва ором олар эди. Ҳарамидаги 114 та ожиза чўри Ҳақимнинг муқаддас жисмига хузур-халоват бағишлар эдилар.

ДАҲШАТЛИ КЎЗГУЛАР

Ислод дини худо сийлаган валииларга ҳамиша ижобий қараб келган. Улар ҳар қанча нокамтар, такаббур ёхуд жоҳил бўлса ҳам, ишқилиб, ҳўқмрон ортодоксал дин пойдеворига тил теккизмаса бўлгани эди. Бизнинг пайгамбаримиз ҳам ана шу муроса-сонликдан фойдаланиб, кўп нарсаларга эришиши мумкин эди. Аммо у кетма-кет ғалаба қозониб,

халифанинг ошқора ғазабига учрагач, кўфрона фикрларга берилиб кетди. Кўфрона фикрлаш Ҳақимнинг бошига етди, лекин у қисқа муддатда ўзи кашф этган алоҳида дин асосларини баён қилишга улгурди. Унинг татлимоти, гарчи ғностицизмдан озиқланган эса-да, ҳайтовур янглик эди.

Ҳақим космогонияси ибтидосида олий руҳ — худо туради. Илоҳий моҳиятига кўра унинг на зоти, на сифати, на оти, на қиёфати бор. Бу барқарор, ўзгармас Худодир, аммо унинг тўққиз сояси пастроқда ҳаракатга келиб, биринчи осмонни ташкил этади. Мана шу биринчи ибтидо ҳисобланмиш осмондан иккинчи, янада пастроқдаги осмон пайдо бўлади ва унда ҳам фаришталар, турли руҳий қучлар, арш курсилари бор. Бу осмон аввалгисининг симетрик аксидир. Мана шу иккинчи қисқа муқаддас анжуман учинчи акс-осмон, у эса яна пастроқдаги аксини ҳосил қилади ва шу тариқа 999 осмон аскалари пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммасига биринчи осмон ҳўқмдори — сояларини ҳосил қилувчи зот раҳбарлик қилади. Бу ҳўқмдор соясининг соялари... бўлиниб, бўлиниб нулға, ҳеч нарсасга, ломаконга ақиллашади.

Биз яяётган Ер юзаси — шунчаки хато нарса, нўноқ бир соядир, кўзгулар ва одам туғилиши нафратга сазовордир, чунки уларнинг кўпайиши хатоларини кўпайтиради ва мустаҳкамлайди. Асосий фазилат — дунёга кўнгил бермаслик, ундан ҳазар қилишдир. Бу фазилатга икки йўл билан эришилади: ўзини тийиш ёки хоҳлаган ишни қилиш; жисмга хузур-халоват бериш ёки одоб, ҳаёни сақлаш йўли билан (пайгамбар бу иккала йўлдан бирини танлаш ҳар кимга ихтиёрий деб ҳисоблайди).

Ҳақим таълимотида кўра, жаннат билан дўзах янада қайғулироқдир. «Енар сўз қудратини тан олмаганларга, шу билан Азиз парда ва Жамолни инкор этганларга ғаройиб дўзах ваъда қиламан,— дейилади «Ғайб гули»дан сақланиб қолган қарғиш-дуода.— Зеро, сизлардан ҳар бирингиз 999 олов салтанатига подшо бўласиз, ҳар бир олов салтанатида 999 та олов тоғи бор ва ҳар бир олов тоғида 999 та оловдан ясалган минора бор ва ҳар бир минорада 999 та оловдан ясалган оромгоҳ бор ва ҳар бир оромгоҳда 999 та ёниб турган ўрин-тўшак бор ва ҳар бир ўрин-тўшакда сиз ётасиз, ва 999 та сизнинг қиёфанигдаги олов башара сизнинг овозингиз билан қичқириб, фарёд қилиб, абадул-абад азоб тортади». Бошқа бир ўринда Ҳақим ана шу фикрини яна таъкидлайди: «Бу дунёда биргина танангиз азоб чекади, аммо руҳингиз жазоланаётган пайт келганида сонсаноксиз таналарингиз азоб чекади». Жаннат эса бирмунча маҳумроқ тасвирланади: «Жаннатда ҳамма ёқда ҳамиша зулмот

ҳўқм суради, ҳамма ёқда муқаддас тошқузулар бор ва бу ердаги хузур-халоват — айрилиқлар, ўзликдан кечишлар ҳамда уйқудатиларнинг хузур-халоватидир».

МУҚАННА ҚИЁФАСИ

Ҳижрий 163, Нурли Жамол йилининг бешинчисида Ҳақим Санам деган жойда халифа қўшинлари томонидан қўршаб олинди. Мудойфилар учун озиқлик етарли, фидойилар ҳам етарли эди. Бунинг устига, лак-лак нур фаришталарининг ёрдамга келиши кутиларди¹. Айтишларича, ҳарамдаги қўл-ошик оғалари аёллардан бирини хиёнат қилгани учун аркон билан бўғишаётганида у бақириб, пайгамбарнинг бир қўлида чимчалоғи йўқлигини, бошқа бармоқлари тирноқсиз, яъни бес эканлигини айтади. Бу овоз бир зумда мўъмин мусулмонлар қўлуғига етади. Қўёш чарақлаб турган пайтда баланд айвонда ўз худосидан ғолибият ёки каромат илтижо қилиб турганида икки лашкарбоши ёмғирдан ўзини олиб қочаётгандай эгилиб, йўлбошчи олдига таъзим билан ақинлашади ва тўсатдан Ҳақим юзидан жавоҳирлар қадалган пардани юлқиб оладилар.

Аваллига ҳамма сесканиб, титраб кетади. Ростдан ҳам, Кароматгўйнинг юзи, арши-аълога бориб келган ҳеҳраси ҳаддан ташқари олпоқ эди. Бу қиёфа шунчалик салки ва беўхшов эдики, худди ниқобга ўхшарди. Қоши йўқ бўлиб кетган, ўнг кўзининг остиди мижжаси қарилқидан шал-вираб яноғига осилиб тушган, лунжидаги дўнгликка ўхшаш тиртиғи лабини қийшайтириб қўйган, шишинқираган бурни одамниқидан кўра, арслонниқига ўхшар эди.

Ҳақимнинг сўнгги фарёди: «Сизлар ҳаммангиз гуноҳи азимга ботгансиз, шунинг учун жамолни нуруни кўролмайсиз!» деган бошланғич сўзлар бўлди.

Аммо унинг сўзлари бўғида қолди. Уни найзалар билан илматешик қилиб юборишди.

Маҳкам МАҲМУДОВ
таржимаси

¹ Бизнингча, Муқанна, Фаустга ўхшаш буюк кимёгар ва Архимедга ўхшаш физик бўлиб, Куёш ва кўзгу ёрдамида душманга олов юборишга уринган.

² Наршахиянинг «Бухоро тарихи» асарига Муқанна ўлими олдидан барча хотияларига заҳарли шароб ичирди, сўнг ўзини оловга ташлайди. Аёллардан бири қочиб кутулиб қолади ва халойиққа сирларини очиб беради — М. М.

ИЗОҲЛАР

Л. Борхес кўрсатган манбалардан П. М. Сайсинг «Форс тарихи» китоби 1915 йилда, Александр Шульц арабчадан таржима қилган «Атр гул-

ни инкор этиш китоби» хроникаси 1927 йилда нашр этилган. Қолган маълумотларнинг манбаи номаълум. Наршахиянинг «Бухоро тарихи» китобида Муқанна ҳақида бошқачароқ маълумотлар бор учрайди. Адабиёт-шуносларнинг кўрсатишича, Л. Борхес бу тарихий ҳикоясини ёзишда, француз адиби Марсель Шваб (1867—1905)нинг «Олтин ниқобли қирол» повелласидан тасвирланган.

Ал-Муқанна — 776—783 йилларда араб истилочилирига қарши қўзғолол раҳбари. У ҳақидаги илк маълумотлар Европага XVIII асрнинг иккинчи ярмида тарқала бошлаган. 1787 йилда Наполеон унинг қисқа биографиясини ёзган.

Ал-Балазурий (892 йилгача вафот этган) араб тарихчиси.

Абу Тохир ибн Тайфур (820—893) — араб адиби ва тарихчиси.

Паул Хорн — немис арабшуноси, «Форс адабиёт тарихи» ва бошқа асарлар муаллифи.

Перси Молворт Сайкс (1867—1945) — инглиз шарқшуноси, қарбий ароб, географ, Шарқ мамлакатлари га саяҳат қилган.

Томас Мур (1779—1852) — ирланд шоири, миллий озодлик ҳаракати тарафдори. Унинг «Парда тутган хуро-сонлик пайгамбар» шеърий новелласи шарқона руҳдаги «Лалла Рух» (1812—17) поэмаси таркибига киряди.

Ҳижрат — ислом дини асосчиси Муҳаммад ва унинг сафдошлари 622 йилда Маккадан Мадинага ҳижрат қилади (ҳажр сўзидан — М. М.)

Кейинчалик, мусулмонларнинг йил ҳисоби ана шу кўчши санасидан бошланадиган бўлди.

Хоч (ҳож) йили — ҳозирги мелодий йилдан фарқланади. Исонинг бутта тортилган вақтидан бошланади.

Шаббон — мусулмонлар йилининг 8-ойи. Рамазон — 9-ойи. Мусулмонлар эътиқодича, шу ойда Қуръон кашф этилган ва мусулмонлар поклан-иш учун шу ой 8 кун рўза тутишган.

Аббосийлар — умавийлардан сўнг диний ҳокимиятни бошқаришган (750—1258 йиллар). Хуросондаги Абу Муслим қўзғолол ёрдамида ҳокимият тепасига келган. Аббосийлар пайгамбар амакиси, маккалик ҳошимийлар уруғига мансуб бўлгани учун авлаийлар (Али авлодлари)га қарши узоқ вақт жанглар олиб борганлар. Аббосийларнинг Бағдоддаги охириги халифаси Хулуғу бошлик мўғуллар томонидан ўлдирилган. Аббосийларнинг Қоҳирадаги халифалиги бир неча аср мўғуллар асоратига ва Европа салиббардорлари истилосига қарши кураш олиб борган. Охириги вакили ал-Мутаваккил III Туркия подшоши Салим томонидан ағдарилган.

Ражаб — мусулмонлар йилининг 7-ойи. Ривоятларга кўра, шу ойда кечаси Муҳаммад афсонавий Вуроққа миниб, Маккадан Қуддусга меърож қилган («Меърожнома» да арши аълога парвоз қилади — М. М.) Ражаб ойда меърож байрам қилинади.

Муҳаммад ал-Маҳдий — аббосийлар ҳўқмдори (775—785). Муқанна ҳаракатини тор-мор келтирган.

Ғностицизм — Яқин Шарқда ёхуд Искандарияда янги эраининг 1-асрида вужудга келган диний-фалсафий оқим. Муқаддас сўзларнинг замиридаги сирли маъноларни тавсифлаш тарафдорлари таълимоти (илк христианлик вақтида кўфр ҳисобланган), кейинчалик (2—3 асрларда) монийлик билан бирлашиб, ўрта асрлардаги кўфрона гоғларга ва янги даврда (XV—XX асрлар) ортодоксал (асосий) динга қарши мистик оқимларни вужудга келтирган — М. М.



Ҳаёт тасодифларга тўла. Кўзга қараб қадам ташламангиз, тиканини босиб олиб, афсусланишингиз мумкин. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа тафсилоти ҳам худди шундай кечган. Воқеа Самарқанд областининг Пахтачи районига содир бўлган. Ваъзи ҳолатларни ҳисобга олиб, шахсларнинг исми-шарифларини ўзгартиришни лозим топдик.

Уролбобонинг соппа-соғ, нордек ўйноқлаб юрган ўғли фавқуллода йўқолиб қолди. Ота-она, оиласи: «Бугун келиб қолар, эрта келиб қолар», деган умид билан кўчага кўз тикишарди. Лекин ундан дарак йўқ эди. Кейин улар узоқ-қиндаги қариндошлариникини, таниш-билишлариникини суриштирдилар. У жойларда ҳам йигитнинг изи топилмади. Уролбобо ва унинг қариндошлари энди ваҳимага туша бошладилар: «Наҳотки, эсли-хушли, бола-чақали одам куппа-кундузи ўз оёғидан йўқолиб кетса... Мабодо, бирор ғаними унинг жонига қасд қилдимикин...»

Шу орада Хатирчи район ички ишлар бўлиmidан қўшни Пахтачи районига: «Зарафшон» дарёсининг кўприги устидан Норбой Раҳмонов деган кимсаннинг ҳарбий билети, ҳисоб-хизмат карточкаси топилганлиги, билет ичидаги оқ қоғозда қандайдир бир томчи қон доғи борлиги» хабар қилинди. Пахтачи район прокуратураси бу ашёвий далилларга асосланиб жиноий иш кўзгатди. Лекин ҳали Норбой Раҳмонов ҳалок бўлганими, ўлдирилган бўлса, унинг жасади қаерда, қотил ким, деган саволлар тегишли тергов идоралари олдига жумбоқ бўлиб турарди. Мазкур иш билан шугулланиш вазифаси дастлаб Пахтачи район прокуратураси ходимларидан бирига, кейин эса Нурота район прокуратураси терговчисига топширилди. Лекин улар жиноятчи фош этиш ва мурдани топиш билан шугулланишда жуда сусткашлик кўрсатдилар. Шундан сўнг айрилиқдан бағри куйган ота юқори ташкилотларга шу масалада ёрдам сўраб араз қилди. Ушандан кейин мазкур иш билан шугулланиш Норпой район прокуратурасининг терговчиси, тажрибали юрист Хайрулла Ориповга топширилди. Бу ўртада Боқи Эшқобилов деган кимса район ички ишлар бўлимига келиб: «Норбойни мен ўлдирганман. Унинг қотили мен», деб оғзидан гуллади. Лекин у ҳақиқий қотилми ёки уни кимдир лақиллатаётганими, буни ҳали исботлаш керак эди.

Хайрулла Орипов ўйланиб қолди. Ишни нимадан бошласа экан? Дарров санкция бериб, Воқини қамоққа олдирсинми? Ахир, исбот учун асосий жиноят объекти бўлган мурданинг ўзи йўқ-ку, уни топиш керак. Эҳтимол, кимдир Боқи Эшқобиловни: «Мен ўлдирдим», дедириб ҳақиқий қотилни бекиетишга мажбур қилаётгандир. Мабодо, Норбой тирик бўлса-чи? Умуман, мурда топилмасдан туриб, жиноий ишни юритиш анча қийин.

Гарчи, бунгача мазкур иш билан бир эмас, икки район прокуратураси ходимлари шугулланган бўлсалар-да, тергов ишлари ҳали жойидан мутлақо жилмаган эди.

Хайрулла Орипов учун кўприк устидан топилган ашёлар дастлабки асосий объект бўлди. У шу объектлар заминида бошқа қўшимча ашёвий объектларни топишга киришди.

Кўприк панжаралари ёнидан топилган уч тола соч Норбойникими ёки... Буни исботлаш ҳам ўша топда калаванинг учини топиш учун муҳим аҳамиятга эга эди. Терговчи бунинг учун Норбойнинг уйини, аниқроғи, ётоқхонасини обдон текширувдан ўтказди. Ётоқхонадаги унинг болишидан икки тола соч, «Мен Боқи билан бирга кетдим» деган ёзув топилди. Сочни кўприкдан топилган ҳалиги соч тодалари билан бирга дарров экспертизага беришди. Экспертиза якуни топилган ҳар иккала соч тодалари бир хиллигини ва булар Норбой Раҳмоновники эканлигини тасдиқлади. Шундан кейингина Хайрулла Орипов Б. Эшқобиловни қамоққа олишга санкция берди.

У санкция беришга бердию, лекин ишининг бу ёғи жуда мушкул кўчди. Жиноятчи тўла унинг бўйига қўйиш учун мурдани топиш зарур эди. Бусиз Эшқобиловни қотилликда айбланиш тасдиқлаш қийин эди. Энди терговчи мурдани топтириш ташвиши билан банд эди. Зарафшон дарёси кўпригининг ўша гумон қилинган томонининг суви бир неча бор обдон қидирилди. Лекин бу гал ҳам ўлик топилмади. Аини вақтда терговчи область прокуратураси орқали дарёнинг қуйи оқидидаги қўшни районларнинг маъмурий идораларига ўлдирилган Норбой Раҳмонов деган кимсаннинг мурдаси Хатирчи райони территориясидаги кўприк устидан сувга ташланганини ва мурданинг асосий ташки қиёфа белгиларини ёзб ва унинг фотосуратини қўшиб юборди. Мабодо, шундай ўлик дарё сувининг бирор жойидан то-

пилиб қолса, зудлик билан хабар қилишлари сўралди. Лекин ҳадеганда жойлардан ҳам мурданинг топилгани ҳақида хабар бўлавермади.

Хайрулла Орипов дастлабки қамоқ камерасида сақланаётган Б. Эшқобиловнинг ҳақиқий қотил ёки қотил эмаслигини, агар қотил бўлса, мурдани дарёнинг қаерига ва қай ҳолатда ташлаганини аниқлаш учун уни обдан ва синчковлик билан қайта-қайта сўроқ қилди. Айбдор сўроқ вақтида воқеанинг тафсилотини ишонарли қилиб гапириб берди: ўша жиноят содир бўлган куни таҳминан кундузи соат 14 ларда Норбой Воқининг уйига келади ва ундан «Зарурат учун керак бўлиб қолди» деб, қарзга 250 сўм сўрайди. Воқи эса: «Менда пул йўқ» деб жавоб қилади. Шундан кейин Норбой: «Машинада Хатирчидаги фалон ўртоғимникига олиб бор, ундан қарзга пул оламан», дейди.

Воқи «хўп бўпти» дея «Москвич» машинасига уни ўтиргизиб йўлга чиқади. Лекин улар йўлда кетаётиб машинанинг ичида бир-бири билан айтишиб, қизаришиб қолишди.

Норбой: — Рассомлик ҳақимнинг бир қисмини доим сенинг номингга ёздириб, уни сен билан баҳам кўрадим. Бугун эса сен мени 250 сўмга олмаясан, шу ҳам инсофдан бўлдим?! — деб ундан гиналайди.

Воқи: — Ахир, ҳозир пулим йўқ-ку. Бўлмаса қаердан олиб бераман?

— Елғон гапираясан, анча-мунча жамғармаларинг бор, биламан-ку! Нега энди менга беришга кўзинг қиймайти?..

Кеча бири рассом, бири фотограф сифатида ишда аҳил ҳамкорлик қилиб юрган икки таниш машина ичида жанжаллашиб, жаҳлга эрк берадилар. Уша топда улар Зарафшон дарёси кўпригига етиб қолишарди.

— Машинани тўхтат. Ташқарига чикиб гаплашамиз! — деб Норбой Воқига ўшқиради ва машинадан тушаркан: «Сени ҳозир бўғизлаб ташлайман», дея қотомининг чўнтағидан пичоғини чиқариб «ҳамроҳи»га ўқтайди.

Воқи эса энди мени пичоқлаб қўяди, деб ҳавфсрайди-да, машинасидаги бир килограммлик тарози тошини олиб, жаҳл устида зарб билан рақибнинг бошига туширади. Уша заҳоти Норбой кўзи олайганича хушидан кетиб, кўприк устига йиқилади. Бундан ваҳимага тушган Воқи: «Ўлдириб қўйдим шекилли», деб Норбойнинг мурдасини судраб кўприкдан сувга иргитади. Ўша гал келса, ақл кетар, деб шуни айтадилар-да.

Терговчи фожиа юз берган жойни ва дарёнинг гумон қилинган қисмини тегишли мутахассислар билан биргаликда синчиклаб қайта текширувдан ўтказарди. Бу гал сув тағидан 1 килограммлик тарози тоши ҳам топиларди. Лекин марҳумнинг жасадини яна тополмайдилар. Кейин эса жиноятчи Б. Эшқобиловнинг «Москвич» автомашинасининг «авра-астари» ағдар-тўнтар қилиб текширилади. Машина ичидан бир парча дока ва қонга ўхшаш қорамтир доғли исқирт мочалка топилади. Шунингдек, машинанинг орқа ўриндиғи ёпилдириғи (чехол)нинг ички аврасида қандайдир қон доғи борлиги аниқланади. Ҳар иккала буюмдаги қон доғлари экспертиза қилиб қўрилганда, одам қонининг доғлари эканлиги маълум бўлади.

Кетма-кет топилётган ашёвий далиллар терговчи Хайрулла Ориповга оз бўлса-да далла берарди. Ҳа, қидирув ва сўроқ жараёнлари энди беҳуда кетмаётган эди.

Марҳумнинг ҳарбий билети ичида бўлган оқ қоғоздаги қон доғи ва кейинги икки буюмдан топилган қон доғлари тегишли лабораторияларда экспертизадан ўтказилганда улар одамники эканлиги ва уларнинг битта гуруҳга мансублиги аниқланади. Лекин, барибир, асосий жиноят объекти бўлган мурда эса ҳали топилмаган эди. Хайрулла Орипов ўз фаолиятидан ҳамда адлия соҳасида кўп йиллар ишлаган устозларининг тажрибаларидан фожиа юз берган ҳолатда мурдани топиб ва уни обдан экспер-

тиза текширувларидан ўтказмасдан туриб, жиноятчининг суд қилинганини билмасди. Шу боисдан ҳам мурдан топиш учун жуда кўп уринди, тинимсиз ҳаракат қилди.

Орадан кунлар ва ойлarning ўтиши, айниқса авжи баҳор келиб, Зарафшон дарёси сувининг кескин қўнайиши марҳум жасадини қидириш ишларини тобора мушкуллаштириб юборди. Мелиораторлар, гидро-техниклар, ўша атрофдаги маҳаллий аҳоли дарё сувининг қирғоқдан тошиб кетишининг олдини олиш учун унинг қирғоғига қўшимча сепоя-тўсиқлар ўрната бошладилар. Шунингдек, умумий ҳаракат билан қатор-қатор баҳайбат юк машиналарнинг қузовларидан минг-минг тонналаб тош-шағаллар келтирилиб, дарё қирғоғига тўшалди. Натижада дарё соҳили кескин ўзгарди. Терговчи Хайрулла Орипов эса ҳақон ўша тошқин сув тагидан марҳум жасадини топиш умидида эди. Ўша кезларда унинг: «Сув тагидан албатта мурдан топишимиз керак, мурда топилади ҳам...» деган қатъиятли гапларини эшитган баъзилар: «Ўртоқ терговчи! Энди бу гапингиз бизларга худди эртаска ўхшаб туюлаяпти. Ахир, баҳорги тошқинлардан дарё соҳили ҳам, унинг қирғоқлари ҳам ўзгариб кетди-ку?!» деб унга истехзо ҳам қилишди. Ўша кунлари Хайрулла Орипов ўзини қўярга жой тополмай, туни билан мижжа қўрмай чиқди: «Мурда топилмаёпти. Уни қидириш ҳам энди қийинлашди. Б. Эшқобилонни эса қотилликда айблаг, санкция билан қаматиб қўйдим. Марҳумнинг жасад топилмасдан суд қилиш мумкинми? Ҳали бу нарса судлов практикасида қўрилмаган ҳол-ку?!»

Лекин у барибир ўз фикрида қатъий турди, бошлаган ишини охирига етказиш ниятидан қайтмади. Хайрулла жасадни қидириш ишларини янгидан, кенроқ миқёсда уюштириш учун ёрдам сўраб, Тошкентга — юқори адлия идораларида, хусусан, республика прокуратурасида бўлиб, масъул ходимлар билан маслаҳатлашди, улардан ёрдам сўради.

Унинг бугунгидай эсида. Ўшанда республика прокурори муовинларидан бирининг қабулида бўлди.

— Мурданнинг кўприқдан дарёнинг чап соҳилига ташлангани аниқ, — деди у муовинга мурожаат қиларкан ўз фикрини асослаб. — Буни жиноятчининг кўрсатмалари ҳам, қўлимиздаги ашёвий далиллар ва ҳужжатлар тасдиқлаб турибди. Ўша соҳилдан тош-шағалларни сурдириб, жасадни жиддийроқ қидириш учун куч керак. Шу масалада сизларнинг ёрдамингизга муҳтожман.

— Айтишингизча, баҳорда у ерга ҳазиларкан миқдорда тош-шағал тўкилмаган, — дея мулоҳаза юрита бошлади муовин қолларини чимириб. — Уни сурдириш учун эса катта куч талаб қилинади, албатта. Хўш, маҳаллий Совет, кишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги идораларининг ёрдамлари билан бу ишни қилдик ҳам, дейлик. Ўшанда ҳам мурда топилмас-чи? Унда қилинган бутун ҳаракатлар сизнинг зиммангизга тушади. Буни удалай олмайсиз-ку?! Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони, фожиавий ҳолларда асосий жиноят объекти бўлмиш мурда топилмасдан, у ҳар томонлама экспертизавий таҳлил қилиб қўрилмасдан туриб суд қилинганини ҳали суд практикасида учратганимиз йўқ. Ишни бошлаб, анча-мунча далилий ҳужжатлар, ашёлар тўплабсиз. Бунинг устига, давъовгарлар, айниқса, марҳумнинг ветеран отаси «доглаб» оёғини тираб турибди, депсиз. Бу ёғи ўзингизга ҳақола, ука. Эҳтимол, бу гап судлов практикасига бирор янгилик киритарсиз.

Муовиннинг «асосий жиноят объекти — мурда топилмаган-ку?..» деган гапи Хайрулланинг кўнглига бир оз гўлгула солиб қўйди. Тошкентдан унга бир оз хомшув тортиб қайтди. Ўша тун ҳам ухламай, ўй-мулоҳаза билан тонгни оттирди. «Энди орқага қайтиш йўқ. Мабодо, шундай қилса, эл олди-

да уятли бўлади. Ҳатто кишиларнинг, айниқса, бошига кулфат тушган аламаздаларнинг адлия идораларига ишончи қолмайди. Бунинг устига, бу жиноий иш билан учинчи марта, учинчи терговчи шугулланаёпти. Ишни охирига етказмай чала қолдирса, одамлар: «Уч район терговчисининг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмади», деб айтмайдиларми... Ахир, қотил нақд-ку! Ҳар гал кўрсатмасида: «Мен ўлдиридим. Оқибатидан қўрққанамдан жасадини дарёга ташлаб юбордим», деб жиноятини тан олаяпти. Буни тасдиқлайдиган бошқа ашёвий далил-ҳужжатлар ҳам етарли...» деган мулоҳазалари унга катта далла бўлди. Хайрулла тергов материалларини пишиқ-пухта ақунлади-да, ишни судга оширди. Тез орада судлов ҳам бўлиб, жиноятчи қилмишига яраша жазо олди.

Ҳа, судлов практикасида биринчи марта асосий жиноят объекти топилмас-да, жиноятга оид бошқа ҳужжатларга таяниб, жиноятчи суд қилинди. Лекин бари бир жасаднинг топилмаганиги ва жиддан терговчининг кўнглида қандайдир хижолатомуз бир ҳис тугилиб қолди.

Орадан кўп вақт ўтмай, Хайрулла Ориповнинг кўнглидаги бу тугун ечилиб кетди. Судловдан сўнг уч-тўрт ой вақт ўтар-ўтмас, яъни дарё суви камайиб-камайиб саязлашгач, бир тунда Норбойнинг жасди қирғоққа қалқиб чиқиб қолади. Ўғлининг мурдасини топиш умиди билан эрта тонг туриб ва кеч шом юриб дарёнинг ўша гумон қилинган соҳилига кўз тикиб юрган Ўрол отанинг кўзи унга тушиб қолади. Мурдан кўмиш олдиндан текшириб қўрганларида ҳақиқатан ҳам унинг боши қаттиқ жиём билан уриб жароҳатланган эди...

Кўриб турибсизки, тергов ходимларининг иши ниҳоятда мураккаб ва қалтис. У ёки бу ҳолатда содир бўлган жиноятни фош этиш, жиноятчининг айбини бўйнига қўйиш ёки унинг шерикларининг айбдорлик даражаларини аниқлаш, ҳали қўлга олинмаган жиноятчини қидириб топиш, жиноятнинг содир бўлиш сабаблари ва ҳолатларини тўғри белгилаш каби мураккаб масалаларнинг ечимини топиб, ҳал этиш қилини қирқ ёриш билан баравардир. Самарқанд область прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича терговчиси Хайрулла Орипов буни ўзининг ва касбдош ўртоқларининг кўп йиллик тажрибаларидан яхши билади.

Мана, терговчи Х. Орипов фаолияти билан боғлиқ яна бир мисол.

1982 йилнинг бошида Самарқанд область кишлоқ хўжалик бошқармасининг (ҳозирги агроэконом бошқармаси) икки ревизор ревизия даврида Оқдарё районидаги «Гулистон» колхоз раҳбарларининг пахта тайёрлашдаги кўзбўямачилигини ёпиб юборганликлари учун пора олганлигида айбланиб, камоққа олинади. Уларни олти ойча дастлабки қамоқ камераларида сақлайдилар ва уларнинг устидан текшириш олиб борилди. Олти ойдан кейин эса: «Ревизорларга қўйилган айб тасдиқланмади», деб уларни озод қилиб юборишди. Лекин «Гулистон» колхозидagi пахта тайёрлашдаги кўзбўямачилик ҳақида область адлия идораларига, хусусан, прокуратурага шикоятлар яна туша бошлайди. Бу иш билан махсус шугулланиш область прокуратурасининг муҳим ишлар бўйича терговчиси Хайрулла Ориповга топширилди. У группавий жиноий ишни тўла фош этишга қаттиқ бел боғлайди. Бунда унга маълум йиллар давомида область кишлоқ хўжалик бошқармасининг адлия бўлимига бошлиқ бўлиб ишлаган даврида ортирган тажрибаси қўл келади. Моҳир терговчи қисқа вақт ичида «Гулистон» колхозчиси Исроил Маликов бошлиқ бир гуруҳ ҳисобдор шахслар пахта тайёрлашдаги товарсиз қиванчиюлар ва колхозчилар номига тузилган қатор қалбаки пул ведомостлари ҳисобига хўжаликнинг 395 минг 113 сўмини ҳамда пахта тайёрлаш пунктдагилар эса сохта ҳужжатлар асосида 173 минг сўмлик маблағни талон-торож қилганликларини

далилий ҳужжатлар билан фош этади. Терговда аниқланган ўжар фактлар асосида ҳалиги ревизорларнинг айбдорлиги ҳам исботланади. Ўшанда айбдорларнинг ҳаммаси ўз жиноятларига яраша жазо оладилар. Лекин биз бу ўринда масаланинг бошқа томонига эътиборни қаратмоқчимиз. Иш юртида бюрократлик, маъмурий зўравонлик ҳукм сурган ўша «турғунлик» даврида жамиятимиз учун хавфли иллат бўлган пахтачиликдаги кўзбўямачиликни фош этишга журъат этган адлия ходимларига осон бўлгани йўқ. Ўша қалтис жиноятни фош қилишга биринчилар қатори журъат этган Хайрулла Ориповга ҳам неча бор маъмурий тазйиқ ўтказилмади дейсиз. Унинг Оқдарё районидаги «Гулистон» колхозидagi кўзбўямачиликни фош қилиши ўзи учун жуда қимматга тушди. Райондаги кўзбўямачилик «ҳаракати»нинг ташаббускорларидан бўлган баъзи раҳбарлар областнинг ўша вақтдаги баъзи «оқсоқоллари»га уни ёмонлаб, «ўзбошимча» терговчининг таъбирини бердиришга уриндилар.

Хайрулланинг кейинги икки-уч йилда Пахтачи районидаги кўзбўямачилик билан боғлиқ жиноий ҳаракатлари фош этишдаги дадиллиги ҳам унинг учун асосатсиз кечмади.

— Пахтачи районида тергов ишлари билан гоят банд бўлган кезларим эди, — деди у ўша вақтда бошига тушган ташвишларни эслаб. — Кечқурун область прокуратурасидан телефон бўлиб қолди: «Тез етиб келинг, партия мажлиси бор». Кечаси етиб бордим. Партия ташкилоти секретарига рўпара бўлишдан олдин коридор деворига осиглиқ эълонга кўз югуртирдим: «...бошлангич партия ташкилотининг ёпиқ мажлиси бўлади. Кун тартибиди: коммунист Хайрулла Ориповнинг шахсий иши...» Бирдан кайфиятим бузилди: «Нима гуноҳ қилибманки, менинг шахсий ишимни кўришаркан?» Худди шу савол билан бошлангич партия ташкилотининг секретарига мурожаат этдим.

— Юқорига устингиздан юмалоқ хат тушган. Бир вақтлар отангиз судланган эмши. Сиз эса партияга киришди бунга яширган эмши, кадрлар варақасида бунга кўрсатмаганмишсиз, — деди секретарь унга ачинган бўлиб.

Мен эса секретарга мажлисада қатнашмаслигимни, партия ташкилотидида масаланинг бундай қўйилишига мутлақо қарши эканлигимни айтиб, унинг хонасидан чиқиб кетдим. Лекин бунинг билан иш битмас эди. Негаки, устимдан, «отаси судланган», деган тухмаат ёзилган эди-да... Тегишли архивларни кавлаштириб, йигирма беш йил совет милициясига хизмат қилган, эндиликда пенсионер падаримнинг судланмаганлигини, яъни поклигини исбот қилишни керак эди. Лекин, биринчи навбатда, партия мажлисида қатнашишдан нима учун «бош торганим»ни оқлашим керак эди. Шунинг учун ўша тун ухламадим. Кўп мулоҳазалардан кейин зудлик билан юқориқоққа «Пахтачиликдаги кўзбўямачиликни фош этаётганим учун маъмурий тазйиққа олинаман...» деган мазмунда арзнома жўнатдим. Арзнома теъда акс садо берди... Юмалоқ хатда менга қўйилган айбни инкор этиш учун эса бир неча кун тегишли архив идораларининг ходимларини ташвишга қўйдим. Маълум бўлишича, отам Орип Тугалов 50-йилларда тухмаат хати билан дастлабки қамоқ хонасида бирмунча вақт ётиб чиққан. Унга қўйилган айб тасдиқланмагач, чиқариб юборишган. Баъзи ганимлар худди шу фактни рўқач қилиб, Жомбой районида эндигина прокурор этиб тайинланганимда ҳам худди шу мазмунда устимдан тухмаатомалар ёзишди. Ўшанда область партия комитетининг бюросида менга қўйилаётган бу айбнинг асоссизлигини исботлашга тўғри келганди...

Ҳикоямиз сўнгида икки масала — маъмурий тазйиқ ва юмалоқ хат хусусида баъзи мулоҳазаларимизни ўртага ташлашни истар-

Фан — халқ
хизматида

ТАДҚИҚОТ САМАРАСИ УЧУН

Фан-техника тараққитини жалдлаштиришни йўлга қўйиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида биз Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институтининг директори, профессор Асқар Ғаниевич Холмуродов билан суҳбатладик. Қуйида суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Савол: Ҳозирги талаблар асосида Микробиология институтида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Жавоб: Институтимизда КПССнинг XXVII съезди ва Ўз-Компартиянинг XXI съезди қарорларини амалга ошириш бўйича асосий тадбирлар планини ишлаб чиқдик. Мазкур планга мувофиқ биз ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда асосан физик-кимёвий микробиология ва биология-технология фанларининг муҳим аҳамиятли йўналишларини ечиш тадбирларини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бунда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1985 йил август ойида қабул қилган «Физика-кимёвий биология ва биотехнология фанларини янада ривожлантириш ҳақидаги» қароридан илгари сурилган вазифалар кўзда тутилган. Ушбу

ҳужжатга мувофиқ биология фанининг янги, ўта замонавий йўналишларини тараққий эттириш орқали республикамиз ва Иттифоқимизда биология фанини умумжаҳон даражасига кўтариш талаб этилади. Бу янги йўналишлар шу куннинг муҳим масалаларини ҳал этишни назарда тутди. Маълумки, биология фани — ҳаёт фани. Шунинг учун ҳам ҳаёт фанини қайта қуриш, уни шу кунги ва келажак муаммоларини ечиш режасига ўтказишимиз даркор.

Савол: Институтда аниқ амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳозирча нималардан иборат?


Жавоб: Мен институт коллективи орасида нисбатан янгиман. Шунинг учун ҳам бу ердаги илмий ва илмий-ташқилий ишларини анча-мунча тубдан ўзгартиришга тўғри келди. Институт лабораторияларида олиб борилаётган ишлар мавзулари тарқоқ ва кўп, бунинг устига, номувофиқ темалар йўналиши бир-биридан анча узоклиги туфайли илмий ечимларни ҳал этишда қийинчиликлар пайдо бўлган. Ушбу номувофиқликларни чеклаш мақсадида тадқиқот тематикаларини йириклаштирдик. Бунинг учун айрим самарасиз лабо-

раториялар ва баъзи бир тадқиқот гуруҳларини тугатдик. Самараси фан ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган лабораторияларни кучайтириш, ривожлантириш йўллари белгилаб олдик. Партия ва ҳукуматимизнинг фан олдига қўйган талабига кўра, илмга лаёқатли изланувчи ходимларга ижодий ўсиш учун имкониятлар яратиб беришни мўлжаллаяпмиз... Фанга танишбилишлик, ошна-оғайнигарчилик, юрдошлик йўллари билан тасодифан кириб қолган номақбул ходимларни саралаш орқали бундайларни паст ҳақ тўланадиган штатларга тушираёпмиз. Аммо бу ишларни амалга оширишга объектив ва субъектив сабаблар билан тўсқинлик қилаётган ҳам йўқ эмас... Биз КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленумида ҳаққоний қораланган ҳақ тўлашдаги «тенглик»ка барҳам беришга интилаяпмиз. Институт структурасини

қайта қўриб чиқишимиз туфайли илмий ходимлар меҳнатини тақдирлашнинг янги формасига ўтдик. Натижада ишчан ва қобилиятли тадқиқотчи меҳнати самарасига қараб ҳақ оладиган бўлди. Бу эса самарадор тадқиқотчиларни рағбатлантириб, самара бермайдиганларидан холи бўлишни талаб қилади. Бу чоратадбирлар яхши натижалар беради, деб ўйлайман, албатта. Илмий лабораторияларнинг тадқиқот йўналишларини ҳозирги замон талабига мослаштириш микробиологиядан ташқари яқинда шаклланган биотехнология фанини ҳам институтда, қолаверса, республика миқёсида тараққий эттиришни назарда тутди.

Савол: Замонавий биотехнология ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Биотехнология деганда фаннинг айрим тармоғини назарда тутиш эмас, балки ҳозир-



Микроорганизмлар физиологияси ва биохимияси лабораториясининг мудири Санобар Ҳожибоева (ўнган) Биология фанлари кандидати Темир Жалолов ва илмий ходима Холлида Нурмухамедова амалий тажриба ўтказмоқдалар.

дик. Кейинги йигирма-йигирма беш йиллар давомида ҳаётимизда чуқур томир отган бу икки иллат жамиятимизга, хусусан, кадрларимизга ҳазилакам маънавий жароҳат етказмади. Ҳаммамизга аёнки, ўша қалтис даврда адлия идораларининг ҳуқуқлари баъзи маҳаллий амалдорлар томонидан мутлақо чеклаб қўйилди.

Партия ва ҳукуматимиз жамиятимиздаги мана шу қалтис томонларни ҳисобга олиб, уни поклатириш, ленинча яшаш ва иш юритиш нормаларини тиклаш учун жасорат билан танкид, ошкоралик, демократия принципларига асосланган қайта қуриш даврини бошлаб берди.

Турғунлик даврида орттирилган иллатларимиз хроник ҳолатга айланиб, баъзи кишининг психологияси (қони)га сингиб кетгани учун қайта қуриш жараёни жуда оғир ва мураккаб кечмоқда. Савияси, маданияти паст баъзи кимсалар ошкоралик ва танқид принципларидан нотўғри — ғанимлик, қасд олиш, адоват мақсадларида

фойдаланмоқдалар. Шу боисдан ҳам раҳбарий идоралар ва ташкилотларга юмалоқ хатлар, тухматномалар тобора кўпроқ «оқиб» келмоқда. Юмалоқ хатлар юзасидан уюштирилаётган текшир-текширлар эса кўпгина идора бошлиқларининг тинкасини қуритмоқда, соғлиғига путур етказмоқда ва охир-оқибати умумий ишимизга катта зиён келтирмоқда. Врачларнинг гапларига қараганда, юмалоқ хатлар дастидан клиникалардаги беморларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Баъзи комиссия аъзоларининг юмалоқ хатларни текширишга алоҳида «илҳом» билан киришганларини кўриб таажжубланасан киши. Бундай хатларни текширишда оддий бир ҳақиқатга амал қилинса, ўзига хос бу эпидемия замондошларимизга бунчалик жароҳат етказмаган бўларди. Яъни, имзосиз хатни текширишдан олдин шу хат муаллифларининг шахсияти аниқланиб, ўрганилса, айни муддао бўларди. Одатда, кўпгина юмалоқ хат ёзувчиларнинг автор-

лари тухматчи, ишлаш жойининг тайини бўлмаган, яхшиликни, ўзганинг камолотини кўролмайдиган ичи қора кимсалардир.

Ачинарли томони яна шундаки, аноним-каларнинг «ихтирочилари» яхши ният ва ишонч билан қўйилган кўпгина янги раҳбарларнинг аҳволини ҳам танг қилиб қўймоқдалар. Ҳаразғўй тухматчилар уларнинг ўз ақл ва фаросатлари билан ишлашларига имкон бермаяптилар. Очиғини айтганда, юмалоқ хат ўтида баъзан «хўлу қуруқ» баравар ёнапти. Бу хавфли иллат ҳали айтганимиздек, Хайрулла Оринов сингари қонунимиз ҳимоячилари, ҳуқуқимиз посьонларни ишига ҳам гов бўлаётгани янада ачинарлидир.

Ошкоралик ҳаётимиз мезонига айланаётган ҳозирги масъулиятли даврда юмалоқ хатчиларга мутлақо эрк берилмаслиги керак. Софдил ва садокатли кадрларимизни юмалоқ хат деб аталмиш хавфли эпидемиядан муҳофаза қилайлик.

Шомурод СИДДИҚОВ

ги замон асосий-назарий ва шу билан бирга жуда зарур бўлган амалий билимларнинг катта бир туркуми тушунилади. Биотехнологиянинг асосий вазифаси микроорганизмлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳужайраларидан инсон ҳаёти учун зарур бўлган фойдали моддаларни ажратиб олиш технологиясидан иборат. Биотехнология фани заминда асосан микробиология, вирусология, цитология, биохимия, молекуляр биология, генетика каби бир қатор фанларнинг ютуқлари ётади. Юқорида қайд қилиб ўтилган фанларда янги илмий йўналишлар пайдо бўлди. Бу янги йўналишлар биотехнология фанининг асосини ташкил қилади. Шу йўналишлар қаторига амалий микробиология, инженерлик энзимологияси, ген ва ҳужайра инженерияси, амалий витаминология, амалий цитология, амалий иммунология каби йўналишлар борасидаги тадқиқот ишлари ни бошлаш ва тараққий эттириш ҳам назарда тутилади. Шундай қилиб, биотехнология ҳозирги замон биология фанининг айрим тармоқлари комплексидан иборатгина эмас, айна вақтда амалий технология жараёнларининг бирлигидан ҳам иборатдир. Шу боисдан ҳам бу фани биотехнология деб эмас, балки технологиялар дейиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, инсон ва ҳайвонлар учун озуқа оқсилли олиш биотехнологиялари, витаминлар, гормонлар ва бошқа турли-туман физиологик актив моддалар олиш биотехнологиялари, ифлос ва оқова сувларни тозалаш биотехнологиялари ва ҳоказолар. Биотехнология — қақиқатан ҳам замонавий ва ҳаёт фани. У табиат фанлари асосида пайдо бўлган технология демакдир. Маълум бир мазмунда у кимё технологиясини эслатади. Биотехнологиянинг кимёвий технологиядан фарқи шундаки, биотехнология жараёнининг маҳсулоти тирик организмлар, яъни микроб, ҳайвон ва ўсимлик ҳужайраларидан олинади. Шу ҳужайралар ҳаёт жараёнини ўрганиш натижасида инсон учун озиқ-овқат, дора-дармон, ҳайвонлар учун эса озуқа ва ветеринария препаратлари, тупроқ учун биологик ўғит-ўсимликларни турли-туман касалликлардан муҳофаза қиладиган препаратларни ажратиб олиш имконияти, сановат учун эса биологик ёқилги ва биологик газ олиш ва бошқа кўпгина муаммоларни ҳал этиш имконияти тутилади.

Савол: Яқин муддатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар нималардан иборат?


Жавоб: Институт олимлари томонидан икки йўналишда илмий тадқиқот ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Биринчи йўналишда микроорганизмлар биологиясини ўрганиш бўлса, иккинчи йўналишда микроорганизмлардан фойдали моддалар ишлаб чиқишнинг биотехнологияларини яратиш назарда тутилади. Умуман айтганда, ҳар бир илмий-назарий тадқиқотнинг моҳияти ва натижаси унинг амалиётдан мустаҳкам ўрин олишида намоён бўлади. Бизнинг тадқиқотларимиз натижалари ташқи муҳитни муҳофаза қилишда,

ўсимликшуносликда, балиқчиликда, пахтачиликда, чорвачиликда, пиллачиликда ва бошқа бир қатор соҳаларда кенг қўлдан қўлланилади. Ушбу ишларни институтнинг ўнта илмий лабораториясида хизмат қиладиган илмий ходимлар амалга оширмоқдалар. Улар турли-туман мавзуларда жаҳон, Иттифоқ ва республика миқёсида аҳамиятга молик муҳим тадқиқотларни ҳал этишда фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Тадқиқот ўз самараси билан қимматлидир. Институтимиз олимлари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида яхши хизмат қилишди. Тадқиқотларнинг иқтисодий самараси 1986 йилда 93 миллион сўмни ташкил қилди. Сарф-харажатлар кўрсаткичи ҳам ёмон бўлмади. Фан учун сарфланган бир сўм деярли 4 сўм келтирди. Институт олимларининг кашфиётлари 40 та авторлик гувоҳномаси билан тақдирланди. Бу ишларнинг ўнга яқини республикамизнинг халқ ҳўжалигида амалда қўлланилиб, катта фойда кўрилаяпти.

Савол: Институтда амалга оширилган кашфиётларнинг баъзиларини кенгроқ изоҳлаб берсангиз?

Жавоб: Лабораторияларимиздан бирининг мудири, биология фанлари кандидати Жамолдин Тошпўлатов бошлик бир гуруҳ олимлар гўзапой, галла ва шопи сомони, маккажўхори поясини микроб ферментлари ёрдамида қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишди. Бу усул республикамизнинг бир қатор чорвадор ҳўжалиқларида қўлланилаётир. Шу усул билан тўйимли дағал ем-хашак тайёрланмоқда. Ҳар йили шу технология асосида 4 миллион тоннага яқин дағал хашак тайёрланаяпти. Мазкур технология асосида Самарқанд шаҳрида 1987 йили маҳсул завоҳ қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яна бир илгор технология шундан иборатки, бунда чигитни экиш олдидан кўкчайил сув ўтлари суспензияси билан явтиб экишдир. Утган 1986 йили республикамизнинг бир қатор пахта ҳўжалиқларида 30 минг гектарга яқин ерга шу усулда чигит экилди. Бу технологиянинг фойдаси ўта афзал: пахта чигит сувидан холи қилади, пахта ҳосили тез етилади, ҳар гектар ердан кўшимча 3—4 центнер ҳосил олиш мумкин. Бунинг устига, гўза вилт ва гоммоз касаллигига чалинмайди, чидамли бўлади. Энг муҳими, бу технология тупроқ учун, одам учун ўта захарли фентиурам моддаси билан чигитни экишдан аввал қайта ишлашдан воз кечиш имконини беради. Бу технология расмиятсиз равишда қанчалик тез ва кенг жорий этилса, шунчалик пахтачилик маданияти кўтариларди, аҳоли саломатлиги муҳофаза қилинади. Бундан ташқари, чорва моллари ва чўчқа озукасини ачтиқи микроорганизмлар билан бойитишнинг институтимизда кашф этилган технологияси тўфайли молларнинг озукани яхши ҳазм қилиши таъминланмоқда. Натижада маҳсулот сифати ортади, моллар вазни 15—20 процент кўпаяди ва улар турли касаллик-



Институт тупроқ микроорганизмлари лабораториясининг мудири, қишлоқ ҳўжалик фанлари кандидати Исmoil Жуманиёзов шогирди билан тажриба ўтказмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

ларга бардошли бўлади. Бу технология асосида 1987 йилда Тошкент областининг Ғалаба районида завод қуриб, ишга туширилди. Бу завод суткасига 20 тонна биоконцентрат ишлаб чиқаради.

Савол: Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда институт олимларининг ҳиссаси қандай?

Жавоб: Бизда сув ва геологик микробиология, яъни сувларни муҳофаза қилиш лабораторияси мавжуд. Унга биология фанлари кандидати Жуманиёзов Қутлиев етакчилик қилади. Ҳаммаизга маълумки, Чорвоқ сув борбори икки миллиард куб метр сувини ўзида сақлайди. Бу сув сановат шахри Чирчиқ аҳолисини, икки миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган Тошкент шаҳрини ичимлик сув билан таъминлайди. Чорвоқ сув борборининг чап соҳили Юсуфхона қишлоғи атрофида институтнинг биологик станцияси ишлаб турибди. Олимларимиздан бир гуруҳи бу ерда сув микробиологияси соҳасида тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Чорвоқ сув борбори сувининг тозаланиши назорат қиладилар. Бундан ташқари, улар Навоий азот ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий электрохимкомбинати оқова сувларини тозалаш устида ҳам ишла-

нишлар олиб бормоқдалар. Биология фанлари кандидати Рисқили Шоеқубов пистия деб номланган сув ўтини атрофдича ўрганиб чиқди. Мазкур сув ўтининг ифлос сувларни тозалаш хусусияти баланд эканини исботлади. Олим ишлаб чиққан ифлосланган сувларни биологик усулда тозалаш технологияси эътиборга моликдир. Сув ўти чорвачилик комплексларидан чиққан ифлос сув таркибидagi органик моддаларни ўзига энгил ўзлаштириб олади ва шу билан сувни тоза ҳолатга келтиради. Шу ва бошқа технологиялар ёрдамида Янгийўл биохимия заводидан, Чирчиқ электрохимия ва Навоий тоғ-маъданчилик комбинатларидан чиққан ифлос сувларни биологик усулда тозалаш ишларининг назарий масалаларини ечиш институтнинг илмий ишлар планига киритилган. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги маиший хизмат шохбачаларидан, завод ва фабрикалардан чиққан ифлос сувларни биотехнологик асосларда тозалашни йўлга қўйиш ишлари ҳам кутилган самараларни бериши мумкин.

Сувхотни Ўлмасхон НАЗАРОВА ёзиб олди

Тошкент. Чорсу майдони.

А. Жданов фотоси.



ШАРҚ РАҚСИ УСЛУБИДА



МАРДЛАР МАЙДОНДА

10 октябрий шахмат ишқибозлари овози куттишмоқда. Чунки худди шу кун Испаниянинг Севилья шаҳрида икки номдор совет гроссмейстери — шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаров билан тож давгоғари Анатолий Карпов матчида старт берилди.

Ҳар иккала шахматчимизнинг истеъдоди, маҳорати бутун дунё тан берган. Улар ўртасида ўтадиган ҳар бир учрашув барча шахмат мухлисларида ҳаминча катта қизиқинг уйғотади. Икки кучли спортчи ҳамкорлигида юзага келган ўйинлар эса шахмат назарияси ва амалиёти учун бебаҳо бойлик, хазинадир.

Каспаров билан Карпов бугунгача шахмат тахтаси устида аммаси бўлиб юз марта рўпара келишган. Уларнинг умумий натижаси ҳам қизиқ — 51:49 ҳисоби билан жаҳон чемпиони олдинда бормоқда. Севильяда бўладиган биринчи партия улар учун аслида 101-партия ҳисобланади.

24 партиядан иборат матчида умумий ҳисоб ўзгарадими? Каспаров жаҳон чемпиони унвонини ўз қўлида сақлаб қола оладими? Карпов чемпионлик гулчамбарига яна муяссар бўладими? Бу саволлар шахмат ишқибозлари юрагини ҳаяжонга солиб турибди. Севильядаги баҳслар бунга узил-кесил жавоб беради, албатта. Лекин бир нарсани аниқ айтиш мумкинки, матчида пухта тайёргарлик кўрган шахматчигина ғолиб чиқади. Масалан, Карпов тайёргарликни турнирларда фаол қатнашиш билан қўшиб олиб борди.

Каспаров-чи? У журналистлар билан қилган суҳбатларининг бирида шундай деган эди:

— Мен ҳозирча турнирларда ўйнамайман. Менга тренировкалар эмас, янги ғоялар керак. Бундай узоқ давом этадиган беллашувда дебютлар назариясидан янги ғоялар топа билиш муҳим. Шунинг учун ҳам мен ҳозир асосий вақтимни янги ғоялар излашга бағишляпман.

Кўриб турибсизки, шахматчилар матчида тайёргарлик кўришда ҳам бошқа-бошқа йўлдан боришган. Демак, матчи тайёргарликнинг қай тури самаралироқ, деган яна бир саволга ҳам жавоб беради.

Модомики, гап шахмат чемпиони номини олиш учун бошландиган матчи ҳақида борар экан,

рилади. 5—7 — аста-секинлик билан қўллар настига туширилади, ташқарига қараб айлана ҳаракат қилинади. 8 — аввалги ҳолатга қайтилади.

3. Дастлабки ҳолат. Тик турган ҳолда букилган ўнг қўл олдинда, чап қўл белда (фото 3). Бир деганда қафтлар ичкарига очилиб, ўнг қўл настига туширилади ва бошқа томондан шу ҳол такрорланади. 2 — ярим айлана ўнг қўл тепага кўтарилади, қафт очилган (фото 4). 3—4 — чап қўлда шу ҳаракат бажарилади.

5 — ўнг қўл бошқа томонга қўйилади. 2 — ҳаракатни давом эттириб, ўнг қўл бошқа томонга қўйилади. 7 — чап қўл ён томонда. 8 — дастлабки ҳолатга қайтилади.

4. Дастлабки ҳолат. Тик турган ҳолда, қўллар ён томонда, қафтлар юқорига қаратилган, тирсақлар букилган. Бир деганда қафтлар бир-бирига урилади. 2 — гавада чапга бурилади, қўллар юқорига кўтарилади, ярим ўтирган ҳолда қўллар билан ичкари томонга айлана ҳаракат қилинади (фото 5).

5. Дастлабки ҳолат. Тик турган ҳолда қўллар юқорига айлана ҳосил қилган, қафтлар ташқарига қаратилган, биёлақлар бир-бирига

тектизилади. 1—4 — тиззалар салгина букилади, гавада билан чап томонга қараб айлана ҳаракат қилинади (фото 6). 5—8 — шу ҳаракатлар бошқа томонлама такрорланади.

6. Дастлабки ҳолат. Тик турган ҳолда, оёқлар елка кенлигида очилади, қўллар кўкрак олдида жойлаштирилиб, панжалар ичкарига қаратилади (фото 7). Бир деганда ярим ўтирилади, тиззалар бир-бирига тегмайди, 2 — яна аввалги ҳолатга қайтилади. 3 — оёқлар букилади, ўнг оёқ чап томонга бурилади, чап оёқ товон учига сал орқароқда туради, ўнг қўл кўкрак олдида букилади, қафтлар юқорига қараган. 4 — аввалги ҳолатга қайтиб, ҳаракатлар бошқа томондан такрорланади.

7. Панжаларни ерга қўйиб, «ўзбекча» ўтирилади (фото 8). 1—2 — деганда гавада ўнг томонга бурилади, ўнг тирсақ билан суянилади, бош чап томонга бурилади. 3—4 — аввалги ҳолат такрорланади. 5—8 бошқа томондан ушбу ҳаракатлар такрорланади.

О. ИВАНОВА,
педагогика
фанлари кандидати



нинг бошқа сатрлари яна қайси- бир шох-байт берган шавку рағбат меvasи бўлса не ажаб: «Қу- ёш сенинг чехранга ботган... Юзинг чизмоқ учун қаламни юра- гимга ботирмоғим шарт... Бу йўл- ларнинг барчаси ахир, Менинг юрагимга келиб тушагани...»

Шоирнинг арзудаги машқлари- дан унинг чинакам мусиқий уку- ви — таъби назмини сезиб олиш қийин эмас. Бунда, муҳими, шо- ирнинг ўзига хос сўз туйғуси маз- мун билан шаклнинг бадиий бу- тунлиги учун хизмат қилишида. Намуна учун икки ғазалдан байтлар кўчирамиз:

Вожабким чархи даввор айланиб,
Дўсту ёрдан ҳам вафолар бўлгуси.
Дард элининг бир синик кулгуси ҳам
Қанча дардинга даволар бўлгуси!
(«Вулгуси»)

Кўзимда гоҳи ёшдир, кўксимда гоҳи
тошдир,
Бу бахтиёр бошимда савдоларим
ажабдур.
Эй дўст, пойимга боқдинг — фақат
еримни кўрдинг,
Баланд руҳимга боқсанг, самоларим
ажабдур.
(«Ажабдур»)

Начораки, «Ватан минтака- си» («180») достони, унинг чин- дан ҳам бой, рангин бадиий-об- разли хужайраларига жойланган она юрт ташвишлари, инсоний

дардлар, ёшлик, талабалик йил- ларининг умидли, фараҳли ва ар- монли ўйлари, унутилмас хоти- ралари, хусусан, ҳаммадан азиз ва улуг бўлмиш Ватан муҳаббати билан йўғрилган ёниқ туйғулар, уларнинг фақат Мирзага хос бепардос, беандоzi ифодаси ҳақи- да махсус таҳлил юритиш имко- ниятимиз йўқ. Тамоман оригинал жанрий структурасидан қатъий назар, муқаддима ва 12 шеър- нинг гоъвий-бадиий бутунлиги, ягона лейтмотиви шундоқкина кўриб турган «Ватан минтакаси» ёш шоиримизнинг биринчи лиро- эпик асар яратишга баҳоли имкон уриниб кўриши, дастлабки ижо- дий таъжриба сифатида ўзга таш- ланадиган «хом ва нотаом» (Навоий) жиҳатларидан қатъий назар, энг муҳими, 28 саҳифанинг деярли ҳар бирдан шоирнинг ўз дастхати, оламга ўз нигоҳи, ўз мушоҳада тарзи, гарчи ҳали кат- та умумлашма-ассоциатив образ- ларни даъво қилмаса ҳам, бетак- рор, рангин лирик лавҳалари, фақат Мирзаники бўлган ташбих- нисбатлар ажрალიб туради. Тўғ- ри, дostonда ҳам, «Муножот»- нинг бошқа шеърларида ҳам биз мушоҳада мезони қилиб олган ёр- кин индивидуал образлар дара- жасига кўтарилмаган, шоир «санъатхонаси» (Шайхзода)да

ҳали бадиий етилиб улгурмаган, кўпроқ кофия, ритм-вазн талаб- лари билан, нисбатан «осон кў- чиб» шеърдан ўрин олган вазни енглил ва жўн, баъзан такрорий, баъзан зўраки, саёз сатрлар ҳам учрайди. Шоирнинг истеъдод та- биати ҳатто бундай жузъий ку- сурларга ҳам ўрин бермаслиги- ни истар эдик... Бошқа бир истак: «Ватан минтакаси» («180»)нинг, асосан, рамзий характердаги ман- зил-бекатлари ўзаро янада узвий боғланиши учун, шоир, аҳтимол, уни янги лирик чекинишлар (борингки, янги манзиллар) ҳи- собига тўлдиришга уриниб кўрар. Сабаби, ижодий хаёлга, ҳаётий материалга гоъят бой мавзу тан- ланган, шоир ўзи бевосита ё бил- восита кеçирган ўша ҳаёт маз- мунига монанд ажойиб шакл (бекат — манзиллар) топилганки, унинг янги имкониятлари очилса, ҳеч ажаб эмас...

«Муножот»нинг бадиий афзал- ликлари ҳақидаги кузатишлари- миз ниҳоятда «Ватан минтака- си»нинг биргина шеърдан жой олган, маълум ва номаълум оп- понентларимизнинг даъволарини баъзур рад этиа оладиган ёркин оригинал мисраларни кўчира- миз: «Жоним Ўзбекистон! Ййрар туйғулар Саҳролар кафита ке- ган дамларим. Кенгликлар қўй-

нида майда туюлар Катта шаҳар- даги баъзи гамларим... Онажон, Ватанжон! Ийроқ-Ййроқда Милт- милт умидларим ёнар шамланиб Сенинг дардинг ёнар фақат юрак- да. Бу кеча майдадир ўзга гам- ларим...», «Ана! Карвон-карвон, Хирмон бўлади, Карнай-сурнай бўлар, бўлар тўй, нон-туз. Жи- дай жавлон урсак, тўксон бўлади, Жиндай ёлрон урсак, бўлиб қолар юз...», «Баъзи зотларинг бор, на элга элдилр, На унга эрта хуш, на наслу насаб. Онажон, уларнинг миллати пулдир. Онажон, улар- нинг Ватани — мансаб... Кенг- ликлар қўйнида кенг бўлай, май- ли, Пастлар деб қийнамай ҳаргиз тилимини. Онажон, ўзингдан қар- дорлик майли Шудгорлар қилади саҳро дилимини... Мен халқин ди- лига оқиб кирсам бас, Вағримда- ги тошқин наҳрлар билан. Уйғоқ Ватан билан уйғоқдир руҳим. Ше- риклар жим борар — сўз ҳам но- керак. Дардимни даштларга қи- ламан кувгин: Поезд соз чалади, куйлайди юрак... Онажон! Имкон бер, сўз бер, тугён бер, Мен сенга бор туйғу — ҳисимни берай. Шеъримни — руҳимни бахш этиб, охир Азиз тупрогингга жи- симини берай» («Даштлар — кенгликлар»).

Ботирхон АКРАМОВ



тож талабгорлари турнирлари ҳақида бир оз тўхташга тўғри келади. Негаки, бу турнирлар яна бир қатор кучли шахматчилар номини дунёга танитди. Шулар- дан бири гроссмейстер Андрей Соколовдир.

У тож учун беллашувларда манман деган гроссмейстерларни енгиб финалга етиб келди. Бу эса Соколовнинг аҳди жиддий эканлигини кўрсатди. Едингиз- да бўлса, ярим финалда у грос- смейстер Артур Юсупов билан куч синашганди. Матчининг бош қисми Андрей Соколов учун муваффақиятсиз бўлди. Биринчи партиани оқ доналар билан ўйна- ган Соколов ўйинни бой бериб қўйди. Учинчи партиядо ҳам француз ҳимоясини қўллади. Аммо Андрей Соколов бу гал бор имкониятини ишга солиб, до- на сурди. Ҳатто бир пиёда ютиб ҳам олди. Гарчи бу учрашув ду- ранг билан яқунланган бўлса ҳам Соколов тамоман ўзини ўнглаб олганлиги маълум бўлди. Олтин- чи партиядо эса Соколовнинг ракиби юришларни такрорлаш йўли билангина марғубиятдан қутилиб қолди. Еттинчи партиа... Бизнингча, у ёш гроссмейстер- нинг катта имкониятлари борли- гини очиқ-ойдин айтиб турибди. Шунинг учун ҳам у шахмат тахтасида кўриб ўрганишга лойикдир.

Артур Юсупов (қора доналар) бунгача фақат француз ҳимояси- ни қўллаган эди. Афтидан, у ку- тилган натижани бермади ва шу сабабли амалда кўп ва хўб қўл- ланган дебютга — испан партиа- сига қайтди.

1. e4 e5 2. Kf3 Kc6 3. Cb5 a6 4. Sa4 Kf6 5. 0—0 Ke4. Бу — Юсупов жуда яхши биладиган испан партиясининг очиқ варианти эди. 6. d4 b5 7. Cb3 d5 7. de Cc6 9. c3 Cc5 10. Fd3

Бу вазиятда қораларнинг пози- цияси анча дуруст. Қани, бу ёғни қўрайликчи?

10. ... 0—0 11. Kbd2 f5 12. ef K:f6 13. a4 Cf7

Юсупов Соколовнинг испан партиясининг очиқ вариантыга яхши тайёрланганини сездн шекилли, амалда қўлланмаган юриш қилди.

14. Kg5 Ke5 15. Fg3 Fd6 16. Cc2 h6

Бу юришдан сўнг оқлар учун майдонни эгаллаш имконияти туғилди.

17. K:f7 K:f7 18. Kb3! Оқлар энди кудратли кучга айланиши мумкин.

18. F:g3 19. hg Cb6 20. Kd4 Соколов d5 пунктига таҳдид қи- либ, қораларнинг фарзин қаноти- даги пиёдаларини юришга маж- бур қилди. Уларни қуршаб олиш энди қийин эмас.

20... c5 21. KF5 LFc8

Ахир, e7 пунктини ҳимоя қи- лишнинг бошқа чораси йўқ-да.

22. ab ab 23. Ke7+

16-юришда қоралар d6 пункти- ни бўшаштириб қўйганлиги мана энди панд бераяпти.

23... Kpf8 24. Kg6+ Kpg8

25. La8 L:a8 26. Cc3 d4?

Юсупов фарзинга чиқиш учун бир пиёдасининг баҳридан ўтди.

27. cd c4 28. b3! Kd6 29. bc K: c4 30. Lb1

Оқлар фарзин қанотидаги

охирги пиёдани ҳам қуршаб олишга муваффақ бўлди.

30... Ka3 31. La1 b4 32. Cb3+ Kph7 33. Ke1

Қораларнинг позициясидан бутунлай пугур кетди. Энди ўн- глаб олиш...

33... Le8 34. Kc6 Kb5 35. Cc4 Kc3 36. K:b4 K:g4 37. Cd3+ Kpg8 38. Le1 K:e3 39. fe L:e3 40. L:c3 Le1

Партия шу вазиятда кечикти- рилди. Юсупов эртасига ўйинни давом эттирмасдан мағлуб бўл- ганлигини тан олди. Матчда 7:6

ҳисобида Андрей Соколов голиб қичди ва тож учун курашиш ҳуқуқини олишда Анатолий Кар- повнинг ракиби бўлди. Испания- нинг Линарес шаҳрида ўтган Карпов — Соколов баҳси эса Кар- пов фойдасига ҳал бўлди. Нати- жадда яна эски ракиблар — Гарри Каспаров билан Анатолий Кар- пов янги «жанг»га шайланмоқ- далар.

Шундай қилиб, октябрда Се- вильяда 101-партия билан матч бошланади.

Ш. АКБАРОВ



Анджон. Боқижон Содиқов ёш футболчиларга сабоқ бераяпти.

А. Караваев фотолари



Журналхонлар муҳожазасида

Журналимизнинг 7-сонида эълон қилинган маасур мақола журналхонлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Редакциямизга кетма-кет келаётган мактублар ана шундан далолат беради. Журналхонлар ўз хатларида қотилликнинг асосий сабаблари, одам боласи нафси говлаганда қанчалик тубан кетишлиги, текин-мўмай пул, ҳаром бойлик гирдобда қолганда, инсонийлик деган туйғудан мутлақо узоклашиб, бири магазин мудир, иккинчиси эса врач бўлган кимсаларнинг қотил даражасигача етишувларида уларни иш жойларида «аллада азиз» деб ҳомийлик қилганларнинг ҳам маълум даражада айблари борлиги ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Қуйида биз ана шундай мақола ёзмадан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этаемиз.

* * *

Қайта қуриш муносабати билан ҳаётимизда ошкораликка ва танқидга кенг ўрин берилётган ҳозирги шароитда ҳар бир нарсани ҳақиқий ўлчови билан ўлчамогимиз лозим. Бунинг аллақачон пайти келди. Оқни оқ, қорани қора деб атаб, ноҳақликка тик қараганимиздагина иллатлардан тез покланганимиз мумкин. Пулдор бойвачча Ш. Тўхтамишев ва врач Ю. Ражабов қотиллик қилишгача бориб етдики, бу фожиа ҳар биримизни сергаклантириши лозим; бундай жирканч кимсаларга ҳеч қандай шафқат бўлмаслиги керак. Насибадек ожизани зўрлаб-хўрлаб ўлдиришларки, улар инсоний қиёфаларини мутлақо йўқотган шафқатсиз маҳдудлардир. Бундай кимсалар жамиятимизга фақат зиён келтиришлари мумкин, ҳоло. Фожиа бошқалар учун аччиқ сабоқ бўлиши лозим.

Еркул МУҲАММАДИЕВ,
уруш ва меҳнат ветерани

Хатирчи райони

* * *

Мабодо, жиноятчилар ўз қилмишларига яраша жазо олмас эканлар, жиноятчиликнинг олдини олиш умуман қийин бўлади. Қотиллик қилгунча ҳам босган ҳар бир қадами қора бўлган пулдор Ш. Тўхтамишевга ва врачлик касбига энди асло ювиб бўлмайдиган доғ туширган Ю. Ражабовга берилган жазо энгил. Наҳотки, судлов пайтида уларнинг барча қилмишлари инобатта олинмас?! Улар ёвуз қотилликни махсус тайёрларлик билан ташкилий равишда амалга оширганлар-ку! Бизни масаланинг шу томони таажжублантиради.

У. РАҲМАТОВ, Э. ЖУМАЕВ,
У. ШАРИПОВ, Ҳ. ШАРИПОВ,
С. ЖҲРАЕВ, Р. ЗИЕЕВ.

Гагарин райони

* * *

«Кўпни Китоб районида юз берган фожиадан беихтиёр таъсирланиб кетдим. Насибага ўхшаб энди вояга етиб келаётган қизлар, сингилларимиз ози? Уларга тўғри тарбия бериш ўрнига ёмон йўللарга бошловчи пулдор кимсаларнинг, ўзининг хизмат ва зифасидан фойдаланиб, давлатнинг, халқнинг мулкани талон-торож этиб, меҳнаткашлар ҳақиқат хизнат қилувчиларнинг кўзини, одатда, ёғ босиб кетади. Улар яхшилик билан ёмонликнинг, раҳмдиллик билан шафқатсизликнинг фарқига бормай қоладилар. Ундайларнинг психологиясида инсонийлик туйғулари тобора йўқолиб боради. Бу эса охир-оқибатда ҳалигача ўхшаб фожиаларга олиб келади. Биз қайта қуриш шароитида бундай хавфли иллатларга, кўзини ёғ босган тошбағир кимсаларга қарши умумий куч билан аёвсиз курашимиз лозим. Қотилларга ижобий характеристикалар бериб, уларга ҳомийлик қилган баъзи мутасадди ходимларнинг нотўғри ҳаракати эса ўшларнинг виждонига ҳавола!

Э. МАҚСУМОВ

Қамаши райони

* * *

Журналдаги мақолани бутун оиламиз билан синчиқлаб ўқиб чиқдик. Ахир, биз қайси замонда яшаймиз?.. Пулдор Тўхтамишев шунчалик ҳам қабиҳликка борадими? Унинг чўнтагидаги, сандигидаги пуллар ҳаром йўл билан, кишиларни, харидорларни алдан, хилват-пасткам жойларда савдогарлик қилиш йўли билан топиладган. Биламизки, фақат маошнинг ўзи билан кун кечирган инсондан ҳеч бир ноғўя ҳаракат чиқмайди. Ҳамма нарсани пул кучи билан ўлчайдиган бундай кимсалар яхшиликни, инсон кадрини мутлақо унутадилар. Ш. Тўхтамишевнинг тақдир бошқа талайгина бойваччалар учун сабоқ бўлиши керак.

ЕҚУБОВлар оиласи

Қирғизистон ССР,
Ўш области

* * *

Пулга, дунёга ҳирс қўйган одам пасткашлик, тубанлик сари юз тутлади. Унинг учун инсонийлик туйғулари ёт бир нарсага айланади. Ш. Тўхтамишев ҳам худди шундай инсон қиёфасини йўқотганлардан. У ҳаром-хариш йўллар билан орттирган дунёси билан бир эмас, бир неча марта жиноят қилган. Юрғлоши Ю. Ражабовни ҳам жиноят кўчасига торта олган. Бундайларга орамизда ўрин бўлмаслиги керак.

Ю. АҲМЕДОВ,
солдат

Қозғористон ССР,

* * *

Ю. Ражабовнинг ҳам Насибага ўхшаган оиласи, сингилси бордир. Уларга Юсуфнинг қилмиши таъсир қилгандир. Наҳотки, унинг муҳкиш жиноятта шериклиги қариндошларини қаттиқ эшитирбга солмаган бўлса?!.. Мен шуни билишни истардим.

Шоҳиста ХУДОЕРОВА

Китоб шаҳри

* * *

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг дастлабки жавоби: «Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги: «Гулистон» журналининг 7-сонида босилган «Қотилликка ёлланган врач» мақоласи рес-

публика медицина ўқув юртларининг студент-ёшлари ва ўқитувчилари коллективлари орасида кенг муҳокама қилинмоқда. Маасур мақола юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар қўшимча равишда редакцияга билдирилади.

Министр муовини
Дамин АСАДОВ».

* * *

РЕДАКЦИЯДАН:

Биз барча журналхонларнинг хатларини эълон қилиш имкониятига эга эмасмиз. Шу ўринда яна илова қиламизки, Шеробод районида Дилором Пардаева, Қосон районида Иўлдош Отамуродов, қорақалпоғистонлик Р. Раҳмонов, деҳқонobodлик Жумоназар Акрамов, Красногвардейск шаҳридан Ляпас Топшўлатов, бобуутлик Ойша Муртова, ромитанлик Муяссар Сатторова, Ильич районида Ш. Суяров ва бошқалар ҳам редакциямизга хат йўллаб, маасур фожиадан қаттиқ таъсирланганликларини қуйиниб ёзадилар. Улар қотилларга бундан кейин қандай жазо берилиши билан қизиқадилар.

Ҳа, ҳозир тегишли судлов идоралари мана шу жиноий иш билан қайтадан шуғулланмоқда ва кейинроқ эса унинг натижасини журналхонларимизга албатта билдирамиз.

Шу ўринда Ю. Ражабовнинг ҳамшаҳри Шоҳиста Худоерова мактубига эътиборни қаратишни истардик. Шоҳиста: «Фожиа асорати Ю. Ражабовнинг оиласига, қариндошларига қандай таъсир қилди экан, улар қаттиқ таассуфдандилар», деб таъкидлайди.

Йўқ, асло бундай эмас. Журналнинг ўша сони ўқувчилар қўлига етиб боргач, Ю. Ражабовнинг оиласи, оиласи, поччаси (уларнинг шаънини инобатга олиб, исми-фамилияларини келтирмадик) учовлашиб, редакцияга келишди. Улар афеус-надоматда эмаслар. Аксинча, таваб-тазарру ўрнига: «Мақола нотўғри ёзилган, асосий айбдор Ш. Тўхтамишев, редакциянинг устидан юқорига арз қиламиз...» деб, баланддан келганлири билани яна таажжублантирди. Қамокдаги Ю. Ражабовнинг ўзидан ҳам редакцияга арзнома келди. У ҳам хатида ўзини мутлақо айбсиз деб ҳисоблайди: жиноятни пулдор магазинчи Ш. Тўхтамишев қилган, у пул кучи билан менга қарши тухмат фактларини уюштирган» деб, қоронғида топишган ҳаётмоғини қоралашга уринади. Унингча, етти томдан, яъни қарийб икки миң саҳифадан иборат тергов-экспертиза ҳужжатлари гўё тухматномадан иборат эмиш.

Кези келганда биз журналхонларга унинг баднафелик борасида ниҳоятда тубанлашиб, киши ҳазар қиладиган даражага етганлигини тасдиқловчи, жиноят иши томларида жамланган бир фактни билдириб қўйишни лозим топдик: қотиллар қоронғу тунда Насибанинг мурдасини брезент қоғза солиб сувга ташлашдан олдин Ю. Ражабов маркуманинг бармоқларини, қулоқларини тимда-лаб қонатиб, тилла сирга ва узукларини юлиб-юлиқиб олади ва чўнтагига солади. Кейинчалик жиноятчининг уйи тинтув қилинганда бу зийнатлар унинг дастурмолига ўралган ҳолда топилади. Шунингдек, тинтув пайтида унинг уйдан кастет деб юритилувчи совуқ қурол ҳам топилади. Ахир, врачнинг ниҳоят бегараз бўлса, унга совуқ қуролнинг нима зарурати бор эди-я?!..

Сирасини айтганда, баднафелик кўчасига кириб улгурган, бойлик орттиришга ружу қўйган кимсаларнинг психологиясини ўзгартириш бугунги қайта қуриш шароитида энг мураккаб муаммолардан бири бўлиб турибди.



РЕЖА БУЗИЛДИ

Тошпўлат ака темир йўлда кўп йил ишлаб, пенсияга чиқди. Бекорчиликдан зерикди шекилли, куёви уни озиқ-овқат дўконига қоровуликка жойлаб қўйди. Аввалига Тошпўлат ака қоровулчиликни ўзига эп кўрмай уялин-қираб юрди.

Бир куни куёвига:

— Ҳалим, шу иш менга тўғри келмайпти... акаларингизнинг топуни ўзларидан ортмайди. Олдимда уйлантирадиган кенжам бор. Бу ёғи — тирикчилик, режам бузилди, — деди.

— Собир ота ҳам қоровул-ку, тирикчилиги бинойдек ўтиб турибди. Кенжангизни уйлантириш бўлса, бир гап бўлар, мен қараб турмайман. Режа билан иш тусангиз, ажаб эмас, ишларингиз юришиб кетса, — маслаҳат берди куёви.

Даржақиқат, куёви айтгандай, иши юришиб кетди. Қоровулчилик эпини билган одамга бинойдек иш экан. Ҳар сменада бир яшик арок, икки яшик винони тунги харидорларга пуллаб, қўли тўрт-беш танга пул кўрди. Юриш-туриши, гап-сўзлари ҳам ўзгариб қолди. Қайнотасиникига меҳмон бўлиб келган куёви:

— Дада, ишингиздан норози эдингиз, сизбон иш топиб қўйдим, хўп десангиз, хат ёзиб берай, бир одамга учрашинг, биз келишиб қўйганмиз, — деди.

— Ҳалим, ҳозирча тирикчилигим бир нав ўтиб турибди, ҳимматингизга балли! — деди.

Мана, Тошпўлат ака бўш вақтларида чойхонада улфатлари билан чойхўрлик қилади. Шундай йиғилишлардан бирида чойхўрлардан кимдир: «Фалончининг тўйига «оби замзам» тўғ-

рилаб беролмайсизми?» деб қолди. Тошпўлат ака аввалига нима дейишини билмай ишқиланди. Сўнг: «Ке, мендан нима кетди, бир одамнинг ҳожатини чиқарсам саваби тегади-ку», деб шу «иш»ни бажарди.

Бора-бора у бинойдек отарчилар даллоли бўлиб қолди, тўй қилувчилар тўппа-тўғри Тошпўлат ака билан ҳам ичимликни, ҳам отарчиларни келишиб оладиган бўлишди. У ён дафтарчасига ичимлик миқдори ва тўй кунини ҳамда отарчиларни ёзиб қўядиган бўлди.

Бир тўйда тўйбоши ўртани очиб, навбатни машшоқларга берди. Шу пайт икки киши юқорида машшоқлар ўртасида кўрак кериб ўтирган Тошпўлат акани кўчага судраб қолди. Тўй эгаси уларни аранг ажратиб олди. Маълум бўлишича, Тошпўлат ака ўша одамнинг тўйига шу отарчиларни олиб бориши керак экан. Шошилиб, тўй кунини ён дафтарчасига чалқаш ёзган экан.

Эл олдиди шарманда бўлган Тошпўлат ака бир неча кун уйда мук тушиб ётди.

— Эй, хом сут эмган банда, нафс балоси деб шарманда бўлдинг. Темир йўл ходимлари ҳурмат билан сени пенсияга кузатган эди, сен бўлсанг... Эҳ, аттанг! Ким деган одам бўлдинг энди? Пенсиянгни олиб, айшингни суриб юравермайсанми, нодон? Режани буздинг, — деб пешонасига муштлади.

Қани, айтинг-чи, Тошпўлат ака мўмай пул топиш йўлига тушиб, нима орттирди?

Анвар САИДУМАРОВ

ЯМИН ҚУРБОН

ТУЛКИ

Тулки кўз очсаки жунижбон эти, Қор чунон ёғмоқда узилмай кети. Кериша-кериша, тортиб хомуза, Чикди у лабидан сўлак томиза. Йўрта-йўрта, ҳидлаб ҳавони бот-бот, Думини бир маҳал ликиллатди шод.

У ён мўралаб у, бу ён мўралаб, Шох девор тагидан ўтди ўрмалаб. Боқсаки атрофга, ҳаммаёқ бўм-бўш. Қаердадир бордек зираланган тўш; Тўш ҳиди димогин қитиқлаб бирам, Татилгандай бўлди оғзига хуш таъм. Қидира-қидира тўшни у шошиб, Тушди ошхонага туйуқдан ошиб. Тўш шифтда, баландда турарди лекин. Оҳ урди топмай у ўмармоқ эвин. Шу пайт бир кўзача кўриниб ногоҳ, Ут тушган чехрасин этди сўлим боғ. Кўзни оларди соф, баҳорий асал, Ял-ял этиб жилва қилгандайин лаял.

Аммо кўзачага сўймай калласи, Зилзиладек қалқди кўнглин қалъаси. Нафс ундар, лек сўймай калласи тақроқ, (Эди кўзачанинг бўғзи бироз тор.) Жаҳл ила уналди илинжда бўлиб, Уналди резинка мисол чўзиллиб. Адашган чоғида, қийналгандек кўр, Қийнала-қийнала бош сўқди базўр. Асални еди хўб яйрабон тани, Кўзача туюлиб ҳузур маскани. Сирғилмай бош сура ортига бироқ, Тўлғанди бўйнига тушгандек сиртмоқ: «Вох, эси, бўлди-е тик бошим эгик, Чикарим ўйламай очибман эшик».

ЛАТИФАЛАР

— Тавба, — деди даврада гарта чийлаб ўтирган ишқёмас йигит ажабланиб, — тошбақа бир юз эллик йил яшар экан!

— Меҳнат қилмай, тошбақага ўхшаб имиллаб юрсанг, икки юз йил яшайсан, полвон! — деди қаёққадир шошаётган Афанди киноя билан.

* * *

Катта пора олган бир тақводор киши домласидан маслаҳат сўради:

— Тақво, бисотимда фалон минг сўм пул бор, шундан закот бермоқчиман, нима дейсиз?

— Ҳамиятингизга балли, иним, — деди таъмагир хурсанд

бўлиб. — Зақотни етим-есирга бериш жоиз.

— Э, тақсир, етим-есирни қаёқдан топаман?

— Асло ташвиш торманг, бўтам, ҳеч кими йўқ чин етим рўпарангизда турибди, — деб ўзини кўрсатди.

* * *

«Ҳозирги баъзи тайёрга айёр ёшлар илм чўққисига лифтда чиқишга ҳаракат қиладилар». (Пенсионер ўқитувчилар суҳбатидан)


«Хўрандаларга намунали хизмат кўрсатгани учун ўртоқ Хуррамов ҳурмат тахтаасига осилсин!»

(Чаласавод ошхона мудирининг бўйруғи)

Шунча мева, сабзавот ириб кетибди, увели тутмайдами?
— Парво қилманг, ақт тузиб, йўққа чикворганмиз.




Ш. Абдуллаев чизган расм.



Эшмамат, алгари шу кинони кўрганамизда моллар йўқ эди-ку?
— Экранинг орқаси молхона-ку, жўра!

Х. Султонов чизган расм.



Қадрли дўстлар!

1988 йил учун «Гулистон» журнаliga обуна бўлиш давом этмоқда. Келгуси йилда сеvimли журналингиз саҳифаларида қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёни, фантехника тараққиёти тезлашган, ижтимоий адолат турмушимизда ўз қонуний ўрнини эгаллаётган даврнинг долзарб масалаларига, табиатни муҳофаза қилиш, Орол денгизини кутқариб қолиш вазифаларига бағишланган бадий ва публицистик асарлар кенг ёритилади. Маданий ва адабий ҳаёт янгиликларига алоҳида эътибор берилади. Дидингизга маъқул ва манзур фотосуратлар эълон қилинади. Обуна чекланмаган миқдорда қабул этилади.

Журналнинг йиллик обуна баҳоси — 4 сўм 20 тийин.

МУҚОВАДА


Биринчи бет: Анджионлик парашютчи қиз Саида МАДАДАЛИЕВА; сакраш; ҳавода; ерга яқин қолди; — Юшмоқ кўдиди! Парвоз олдидан. Навбатдаги парвоз сари...

М. Пенсон фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарибмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ҳамда «Здоровье» журналдан фойдаланилди.



ЧАЙНВОРД

1. Ўрта Осиёдаги энг катта денгиз. 2. Циртқич ов қуши. 3. Зарафшон водийсининг яйловларга бой тизма тоғи. 4. Ўзбекистондаги буюк дарёлардан бири. 5. Кечпишар қуруқ мева. 6. Амударёнинг чап соҳилидаги тўқай-қум кўриқхонаси. 7. Қишлоқ хўжалиги бўйича таниқли ўзбек олими, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби. 8. Чўл ва чала чўллarda обод қилинган ер. 9. Тоғ ёни бағри, қир. 10. Қишга сақланадиган олма нави. 11. Меваси шифобахш кўркем гулли ўсимлик. 12. Австралияда тарқалган қопчиқли суг эмизувчи ҳайвон. 13. Қорақалпоғистон ва Қозоғистон территориясидаги плато (баланд, тик жарликлардан иборат текислик) ясси тоғлик. 14. Сурхондарё областидаги энг қадимий ғорлардан бири. 15. Шифобахш хўл мева. 16. Толлар оиласига мансуб баланд ўсувчи дарахт. 17. Республикамизда гултувақларда ўстириладиган, тиканли ётдор танали ўсимлик. 18. Олой ва Туркистон тизмаларидан бошланадиган Фарғона водийсидаги серсув дарё. 19. Амударё, Сирдарё ва Орол денгизи соҳилларида тарқалган, «Қизил китоб»га киритилган ноёб бугу тури. 20. Ҳозирги кунда камайиб бораётган йирик қуш турларидан бири. 21. Мева, жануб дарахти. 22. Ҳаёт учун энг зарур мола, обиҳаёт. 23. Дарё бўйлаб чўзилган ёки тоғлар оралиғидаги кенг обод ер. 24. Мушуксимонларга мансуб йирик ва кучли йиртқич ҳайвон. 25. Оддий ҳарорат шароитида суяк ҳолда бўладиган қумуш ранг оғир металл. 26. Мевазор ва гулзор маскан. 27. Ер остида ёки тоғлик қаърида табиий ҳолда юзага келган катта бўшлиқ. 28. Атиргулдилар оиласига мансуб хушбўй гул.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

9-СОНДА БОСИЛГАН КРОССЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Бўйича: 1. Махмур. 2. Микрофон. 3. Онегин. 4. Қахрамон. 5. Студия. 6. Каркидон. 7. «Протон». 8. Қўрғошин. 9. Хирмон. 10. Целлофан.

Шакл атрафи бўйича: 11. Ангарск. 12. «Келиной». 13. Йилнома. 14. Асфальт. 15. Туртлик. 16. Каламуш. 17. Шудринг. 18. «Гурўғли». 19. Ифтихор. 20. Рулетка. 21. Нок. 22. Куч. 23. Чой. 24. Йил. 25. Лас. 26. Сим. 27. Мис. 28. Сол. 29. Лок. 30. Коп.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МУЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), К. ЯШИН

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; расомлар бўлими — 32-58-32.


Босмахонага туширилди 19.08.87 й. Босишга руҳсат этилди 18.09.87 й. P-14074. Қоғози 70×108/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 171969. Буяртма № 1587. Нашр № B-118.



Кыбрайдагы алкогольсиз ичимликлар заводи ходими Шохиста Усмонова ҳамда лаборатория мудри Манжур Алиматова.




— Ширин экан!



Уста Шижрат Мирзаакмедов.



— Иссангиз, жонга роҳат... А. Ванштейн, В. Алексеев фотолари



Дийдор. Еки муҳаббат.

А. Вақитови Фотоси

